

САБИРОВ М.М.

**КИТОБАТ
САНЪАТИ**

Уз
164,3
С 13

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ

КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ
МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ

Сабиров М.М.

КИТОБАТ САНЬЯТИ

Ўқув қўлланма



Тошкент
«Info Capital Group»
2018

УУК: 7.038.532

КБК: 76.10

С 13

Тақризчилар:

С.А. Абдуллаев – Ўзбекистон Бадиий Академиясининг академиги, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг “Дастгоҳли рангтасвир” кафедраси профессори.

С.С. Булатов – Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети “Амалий санъат ва уни ўқитиш методикаси” кафедраси мудири, п.ф.д., профессор.

Китобат санъати: Ўкув қўлланма / М. Сабиров. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти. – Т.: «Info Capital Group», 2018. – 152 бет.

Хаттотлик ва миниатюра мутахассислигининг “Китобат санъати” фани буйича ёзилган мазкур ўкув қўлланма Ўзбекистон Бадиий Академияси, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги тасарруфидаги олий таълим талабалари учун мўлжалланган.

Қўлланмада “Китобат санъати” фанида ёзув ашёлари, тарихи, турлари, фан ашёлари, китоб, унинг таркиби, ашёлари, кўлёзма китоблар ва унинг турлари, босма нашр тарихи, мумтоз китоб намуналари, варак ўлчами, мумтоз китоб миниатюралари, композиция асослари ҳакидаги назарий билимлар берилади. Шунингдек, Ўзбекистонда китобат санъати тарихи, унинг ривожланишига хисса кўшган рассомлар хақида маълумотлар беради. Бўлгуси китоб безовчи рассомга керакли бўлган амалий тажриба, кўнижмаларни погонама-погона ҳосил килиш, мумтоз ҳамда замонавий китоб безатиш сирларини аста-секинлик билан ўргатиш, бугунги кун замон талаблари асосида компьютер графикаси дастурларидан унумли фойдаланиш орқали санъат ва китоб бозори талабларига жавоб берадиган, билимли, фалсафий фикрловчи, ўз ишини севувчи, ижодий ишлайдиган иктидорли мусаввирии тарбиялаш кўзда тутилган.

УУК: 7.038.532

КБК: 76.10

ISBN 978-9943-5443-2-1

© Сабиров М., 2018.
© «Info Capital Group», 2018.

КИРИШ

Ушбу ўқув кўлланма олий таълим муассасаси “Миниатюра ва китоб графикаси” бўлимларида давлат стандарти, ўқув режа, ўқув дастур асосида ёзилди. “Китобат санъати” фани бўйича китоб тарихи, ашёлари, мумтоз китобларни тайёрлаш босқичлари, безатиш усуллари ҳакидаги назарий, амалий билимларни бериш, амалий вазифаларни бажаришда адабий манбаалардан тўғри фойдаланиш, мавзу танлаш, топшириклар кетма-кетлигига нималарга ётибор бериш, иш жараёни тақсимоти ҳакидаги билим зарур кўникмаларни ҳосил килиш, билимларни мустаҳкамлаш, малакани шакллантиришда амалий фойдаланиш учун тажрибалар асосида ёзилди.

Ўқув кўлланмада вазифалар ишчи ўқув дастури асосида оддийликдан мураккаблик сари аста-секин ўсиб боради. Бошланғич босқичлар (курс) вазифаларида китоб безаш анъаналари усулида икки ўлчамликка асосланиб бажариш режалаштирилади. Сўнгти босқич вазифалари бутун дунё тасвирий санъатининг барча жанрларида қўлланиладиган уч ўлчамлик усулида бажаришни режалаштириб, талабада ҳар икки усулни мутахассислик талаблари даражасида эгаллашини мақсад килиб кўяди.

Таълим жараёнида бугунги кун замонавий педагогик технологияларнинг мос методларидан вазифа мавзуларини баён қилишда фойдаланилади. “Китобат санъати” фанидан ёзилган ўқув кўлланмада бугунги кун нашриёт, китоб бозори талабларига жавоб берувчи, ракобатбардош, изланувчан, ижодкор ёшларни тайёрлаш мақсад килиб кўйилган.

I БОБ

1.1. Китоб тарихи

“Китобат санъати” фанига киришдан олдин фаннинг назарий кисми билан танишиб китоб нима, инсон ўз тараққиётида маълумотларни битиш, саклашда фойдаланган ашёлари биринчи китоблар хакидаги маълумотлардан ҳабардор булиш катта ахамиятга эга.

Қўлимиздаги муқоваланган ва матн варакларидан иборат китобни ихтиро килгунча инсоният узок минг йилликларни босиб ўтди.

Биз кўриб ўрганиб қолган китоб шаклининг тарихи ярим асрлик тарихга эга бўлсада, инсон китоб тузиш ишлари билан узок йиллар давомида шугулланган. Қадимда маълумотлар киска ёзилганлиги учун биринчи китоблар буғунги кунимиздаги сингари қалин бўлмаган. Китоблар турли халқларда турли ашёларда ёзилган. Одамлар ўзларини ўраб турган табиат махсулотларидан фойдаланиб ёзув ашёларини тайёрлаганлар.

Антик даврда юонон ва римликлар ёгоч тахтачалар орасини мум билан тўлғазиб сиртида стилус номли асбоб билан ёзишган.



1-расм. Бамбуқ китоби.
Хитой



2-расм. Мумли китоб. Рим

Стилуснинг бир томони учли, иккинчи томони ёзувларни силликлаб ўчиришга мослашган япалоқ ёки думалоқ шаклда бўлиб

металл ва суюқдан тайёрлашган. Хитой, Корея мамлакатларида бамбук таёқчаларини ип, арқон билан биректириб бамбук китобларини тайёрлашган. Рус ерларида кайнин дараҳтининг пўстлоғини кайнатиб юмшатиб, пичоқ билан тирнаб ёзилган китобларга Брест ёзувларини мисол қилиш мумкин. Шимол мамлакатларида мамонт, морж сингари жониворлар суягидан тирнаб ёзишган.

Эрамиздан уч минг йил олдинги тарақкий этган Месопотамия давлатлари Шумер, Аккада, Вавилон, Ассирияда лойдан тайёрланган ғиштлар сиртига белгиларни ботириб изини тушириш орқали лой, соподан ўз “китоб”ларини тайёрлаганлар.

Осиё ва Америка қиталарида яшаган қадимги миср, майя халкларининг тошда ўйиб ёзилган иероглифли “китоблари” бинонинг тош деворларида бизнинг кунимизгача яхши сақланган ҳолда етиб келди.

Инсон цивилизациясининг бешикларидан бири бўлган қадимги Мисрда муҳим бўлган диний қўрсатмалар ва фиръавнлар тарихини агадиятга муҳрлаш мақсадида олдин тошдан сўнг папируздан фойдаланиб “ўз китоб” ларини тайёрладилар.

Папирус: қадимги Мисрликлар Нил дарёсининг қиргокларида ўсадиган қамишсимон папирус ўсимлигидан ёзув варакларини тайёрлашган. Улар папирус поясининг сиртки яшил пўстини шилиб ички юмшок ўзак қисмини узунасига кесиб юпка тасмаларга ажратишган. Сўнг тасмаларни горизонтал ва вертикал ҳолатда усма-уст жойлаштириб варақ шаклига эришилгач исканжа ёки текис тош тахталар остида бир ҳафта давомида ушлашган. Куриган папирус варакларини кетма-кет улаб узун кўринишдаги ёзув ашёсini хосил қилишган. Биринчи ва охириги қисмига ёғоч таёқчаларни биректириб “ўрам китоб”ини тайёрлаганлар. Папирус қоғозлари ўз даврининг ёғзишга кулай ашёси бўлиб мисрликлар уни кўшни давлатларга ҳам экспорт қилиганлар.

Миср коҳинлари кўшни Пергам давлатининг кутубхонаси жадал ривожланиб ўз кутубхоналарининг обруғига соя солишидан кўркиб папирус қоғозларини бу давлатга сотишни такиқлаб кўядилар. Тез орада Пергам шохи буюруги асосида ёзув ашёси пергамент ихтиро килинди.

Пергамент: ёш, кичик жониворлар терисидан тайёрланган ёзув ашёси бўлиб - пишиқ, эгилувчан, икки томонида ёзиш имконияти билан мукаммал ашё ҳисобланарди. Пергамент китоблари

аввал папирус сингари ўрам шаклида бўлиб уни ўқишда икки кўлнинг банд бўлиши ўқувчига нокулайлик туғдиради. Вактлар ўтиши билан ўрам китоб варакларга бўлинниб устма-уст тахлаб фойдаланиш бошланди. Вараклар кетма-кетлигини саклаш учун, улар ён томонидан тикиб бугунги кунимиздаги китоб кўринишига келтирилди. Пергамент китобларни тайёрлаш учун кўп жонивор териси талаб қилингани учун бундай китоблар жуда қиммат бўлиб, унга фақат шоҳ ва катта бойларгина буюртма бера олардилар. Пергаментдан тайёрланган китоблар ҳакида гапирганда юртимиз тарихидаги “Авесто” китобини эслашимиз мумкин. Китобнинг арzon, қулагай ашёси коғознинг ихтиро қилиниши Хитойнинг Хо императори маслаҳатчиси Цай-Лун номи билан бөглиқ. Коғоз 105-йилда Хитойда кашф қилинган бўлсада, у узок йиллар давомида сир сакланганлиги сабаб бир неча асрлар ўтибгина қўшни Корея, Японияда ҳам тайёрлаш бошланди. 751-йили Марказий Осиё худудида Хитой ва Араб халифалиги қўшинлари ўртасида бўлиб ўтган тарихий Талас жангидан сўнг Самарқандда когоз тайёрлана бошланди.

Аммо араб олими Ибн ан Надим ўзининг “Фехрестул улум” асарида ёзишича, араблар 706 йили Самарқандни истило килгандарида, коғоз ишлаш корхоналарини кўриб ҳайратда қолганлар. Самарқандга етиб келгунларича араблар бирор жойда ҳам қоғозни кўрмаган эдилар.¹

1.2. Юртимиз тарихида китобат санъатининг тараққиёти ва инқирози

Марказий Осиёда қўлёзма китобларни тайёрлаш бир неча минг йиллик тарихга эга. Сўғд тилида пергаментда битилган энг қадимги китоблардан зардуштийларнинг “Авесто” қўлёзмалари; “Вессантарақа жатака” асари ҳисобланади. Маълумотларга қаранганде Александр Македонский томонидан Марказий Осиё забт этилгандан кейин китобнинг фалсафа ва бошқа муҳим фанларга доир кисмлари ажратиб олиниб Юнонистонга жўнатилган. Бошқа боблари йўқ қилиб юборилган.

¹ Наим Норқулов, Ильёс Низомиддинов. Миниатюра тарихидан лавҳалар. Фоур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент. 1970.

VIII асрда Самарқанд кейин Бухорода қоғоз тайёрлаш устахоналари кўпайиб қоғоз сифати яхшиланиши Мовароуннарда кўлёзма китобларнинг ривожига катта таъсир этди. Айникса X–XI асрларда биринчи Шарқ Ренессанси даври Хоразмда Маъмун академияси («Мажлиси уламо») ташкил этилган даврлар илм-фан ривожига китобат санъатининг янги кўтарилиши бошланиб қўлёзма таркибига тасвиirlар киритила бошланди. Жумладан, Музаммад Мусо ал-Хоразмийнинг “Китобати сурати ал-арз” (Ер сурати) китоби, Муҳмуд Кошгорийнинг “Девони луғат ут-турк” (Туркий сўзлар лугати) китобларида ер харитаси чизилган. Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино ва бошқа олимларларнинг қўлёзма китоблари хаттотлар томонидан қайта кўчирилди. Тиббиёт фанига тааллукли китобларга мавзуга тегишли: доривор гиёҳлар, турли тиббий асбоблар тасвиirlари ишланган эди.

XIII асрнинг биринчи ярмида мўғуллар томонидан Мовароуннарнинг босиб олиниши иктисадий, маданий ҳаётда бўлгани каби, китоб яратиш ишларини ҳам анча сустлаштириди. XIV асрнинг иккинчи ярми XV бошларида жуда катта ҳудудни эгаллаган Амир Темур империясининг ташкил топиши ва Эрон ва унга қўшни давлатлардан илм, ҳунар ахли хаттот, наққош, мусаввир, саҳрофларнинг Самарқандга олиб келиниши қўлёзма китоблар тайёрлаш ишига ижобий таъсир этди. Бу даврда Самарқанд ҳунармандчилигига айникса, қоғоз ишлаб чиқариш алоҳида ўрин туттган. Шаҳар яқинидаги сувли ариқлар соҳилида сув тегирмонлари курилиб қоғоз тайёрланадиган корхоналар сони ошиб борган. Қоғоз тут дарахти, ипак, пахта ва эскирган латта маҳсулотларини майдалаб уларнинг толасидан тайёрланган, Самарқанд қозоги ўрта аср Шарқ хаттотлари орасида фоят машхур бўлиб, унинг бир кисми бошқа ўлкаларга ҳам чиқарилган. Қоғознинг кўпайиши китоб тайёрлаш жараёнини тезлашига олиб келди.

Мовароунинарх таҳтида шоҳ ва олим Мирзо Улугбек хукумронлиги даврида пойтахт Самарқанд кутубхонасида багдодлик Абдулхай бошчилигига мусаввир Устод Жаҳонгир, ҳиротлик Мавлоно Шаҳобиддин Абдулла, Мавлоно Заҳириддин Азҳар, Ҳожи Абдукодир Гулянди, Пир Ахмад Богошамолий, Муҳаммад ал Ҳайёмий, келиб чиқиши маҳаллий бўлган Жунайид Султонлар ижод килишди. Бу ерда Ас-Сўфийнинг “Астрономия

трактати”, Фирдавсийнинг “Шохнома”, Саъдийнинг “Гулистан”, Жомийнинг “Силсилат-уз захоб”, Низомийнинг “Хамса” қўлёзмалари кўчирилиб, уларга тасвиirlар ишланди.

Мирзо Улуғбек билан бир даврда, Амир Темур давлатининг иккинчи қисми Хуросонни Улугбекнинг отаси Шоҳруҳ Мирзо (1409-1447) бошқаради. Хуросон давлатининг пойтахти Ҳирот адабиёт, тасвирий санъат ва маданиятнинг йирик марказига айланган эди.

Унинг ўғли ва вазири Бойсунқур Мирзо замонасининг етук хаттоти эди. Бойсунқур Мирзо Ҳиротда қирқ нафардан ортиқ китоб усталари, хаттот, накқош, мусаввирлардан иборат катта кутубхона ўз даврининг санъат академиясини ташкил қилди. Бу кутубхонада настълиқ хатининг ихтироиси Мавлоно Жафар Табризий, йирик олим ва шоир Шоҳий Сабзаворий, мусиқачи Амир Шоҳий, хаттот, мусаввир мавлоно Муҳаммад Паҳлавий, хаттот Мавлоно Шамс Бойсунқурий, накқош Бобоҷон Турбатий, накқош, мусаввир Иброҳим Астрабодий, Иброҳим Табризий, Мавлоно Заҳириддин Азҳар Табризий, хаттот Нур Камол, Абдулҳай котиб Ҳиротий каби хаттот, мусаввирлар кўплаб қўлёзма китобларидан нусха олиб, уларни бадиий безаб санъат даражасига кўтардилар.

XV асрнинг иккинчи ярми XVI аср бошларида Ҳирот шаҳри Темурий Султон Ҳусайн Бойқаро ва буюк маърифатпарвар шоир Алишер Навоий даврида китобат санъатининг кўтарилиш даври бўлди. Мирак Накқош, “хаттотлар кибласи” номини олган Султон Али Машҳадий, Шоҳ Музаффар, “Аср нодири мусаввирлар пешвоси” унвонига сазовор бўлган Камолиддин Беҳзод, Махмуд Музахҳиб каби хаттот, мусаввирлар хиндларнинг “Калила ва Димна”, А.Фирдавсийнинг “Шохнома”, Н.Ганжавийнинг “Хамса”, А.Жомийнинг “Саломон ва Ибсол”, Саъдийнинг “Бўстон”, “Гулистан”, Ҳ.Деҳлавийнинг “Хамса”, А.Навоийнинг “Ғаройиб ус сигар” асарларини китобат санъатининг энг яхши намуналари сифатида бадиий нақшли суратлар билан безатдилар.

XV-XVI аср барча мусулмон давлатлари қатори юртимиизда ўзининг энг юксак чўккисига чиқкан давр бўлиб кейинги асрларда таназзулга учрай бошлади.

Бунга куйидагиларни сабаб килиб кўрсатиш мумкин:

1) Амир Темур тузган буюк империянинг таҳти учун ворислар ўртасидаги курашлар натижасида мамлакатдаги тартибсизликлар санъат тараққиётига салбий таъсир кила бошлади.

2) XVI–XVII асрларда Марказий Осиё ва Эрон адабиёти китобат санъатида узвий бодлилик кузатилган бўлса, Сафавийлар даврида Эронда Шиялик Марказий Осиёдаги Суннийлик мазҳаблари ўртасидаги зиддиятлар маданий алоказаларни узилишига сабаб бўлди. XVIII аср Марказий Осиёда феодал урушлари натижасида сиёсий, иқтисодий ва маънавий тушқунлик асри бўлди. Аср охирларида уч династия Хоразмда Қўнгиротлар, Бухорода Мангитлар, Фаргона водийсида Қўқон хонлиги вужудга келди.

Бу давлатларда мамлакатни бошқарган амир ва хонларнинг узокни кўриш, замон билан ҳамнафас бўлишдан кўра ўз кобигига ўралиб олиш, калтабинлик сиёсати мамлакатларни барча соҳада жумладан, китобат санъатида ҳам ортда қолишига сабаб бўлди.

3) Китоб ишида қофоз тайёрлаш, китоб ёзишининг олдинги асрлардагидек кўлда бажарилиши қўшни давлатларга нисбатан ортда қолишга сабаб бўлди. Мамлакатга Туркия, Ҳиндистон давлатларида чоп қилинган “Шоҳнома” ва ҳинд мусаввирлари безаган бошқа китоблар харидоргир бўлиб, ташқаридан кириб келадиган китобларга талаб кучайди.

4) Чор Россиясининг Марказий Осиёни босиб олиши ва арzon коғознинг кириб келиши маҳаллий қофоз ишлаб чиқаришга салбий таъсир қилди. Китоб баъдий безаклари соддалашиб чарм муқовалар ўрнига факат форзац қисми чармдан тайёрланиб асоси калин қофоз, сирти мойбўёқда бўялиб локланган картон муқова, юқори сифатли ипак, ярим ипак қофозлар ўрнини пахта маҳсулотидан тайёрланган қоғозлар эгаллади. XV асрда қоғозлар етти маротабагача грунтлаб ишлов берилган, безагида олтин суви ишлатилган бўлса, энди уч маротаба грунт қилинган, олтин суви ўрнига бронза кукунидан тайёрланган бўёқ ишлатилди.

5) XIX асрда китобат санъатида бадиий безак сифатида тасвир ишлап мавзулари олдинги асрлардагидек ихтиёрий бўлмай шарият томонидан белгиланган колипга тушиб колди. Тасвирларда кўп инсон қомати иштирокидаги композициялар ўрнига содда композиция тузилишига эга тасвирлар ишланганини кузатиш мумкин. Инсон, жонивор тасвирлари уламолар белгилаган қоида асосида ишлана бошланди. Тасвирда мусаввир

дунёкараши, маҳорати эмас балки жамиятдаги умум канонлашган талабларга жавоб беришига қараб баҳоланди. Қўлёзма китобларда мусаввир меҳнатига эътибор сусайгани сабаб бу давр муссавирларидан оз кисмининг номи бизга маълум.

XIX аср сарой мусаввири замонасининг билмدونи ёзувчи, астрономия, тиббиёт, математика мөймормчилик, мусиқа билан шуғулланган илғор фикрли Аҳмад Маҳсум Доңиш (1827–1897) ҳакида маълумотлар бизга етиб келган. У “Наводур ул воеа” китобида шундай ёзади “Агар сиз бирор санъат ёки хунар билан шуғулланмоқчи бўлсангиз, мақсад халқка фойда келтириш бўлмоғи лозим. “Халқ бахти бу фан ва зиёликда”. Аҳмад Доңиш ўз фарзандларига қолдирган васиятида – “Рассом ва ҳаттот меҳнати маданият тараққиёти учун жуда зарур, халқ санъат обьекти бўлиши билан бирга унинг ҳаками ҳамдир, айтиш керакки ҳар бир маҳоратли уста ўз соҳасида юкори даражага кўтарилиган бўлса, уни халқига тақдим килмагунча хотиржам бўлмаслиги керак”, деган ажойиб маърифатпарвар фикрларни ёзади.

Шу даврларда ижод қилган яна бир неча мусавирлар номи бизга етиб келган. Улардан Бухоро амири Музafferнинг ўғли, Бухоро таҳти давогари Абдул Аҳадга ракиб сифатида умрининг кўп кисмини яримасир ҳолатида китоб ўқиш, нусха олиш, диний мавзудаги китобларни безатиш билан шуғулланиб ўтказган Мир Мухаммад Сиддик, 1824 йили А. Навоийнинг Қўконда кўчирилган “Ҳамса” асарига тасвир ишлаган Муҳаммад Амин Касоний, 1918 йилдаги “Лайли ва Мажнун” китобини безаган ҳожи Носир Муҳаммад Шокирбой номларини айтиш мумкин.

XVIII–XIX асрларда маданий маърифатдан ўз сиёсий таҳтини ушлаб қолишни устун кўйган ҳукмдорлар даврида китоблар сон ва сифат жиҳатдан бой бўлган Бухоро, Қўкон китобхоналарида назоратнинг сустлиги сабаб тикланмас зарап етди. Амир Хайдар (1800–1826) даврида кўплаб нодир китоблар йўколди. 1842 йили Қўконни эгаллаган амир Насрулло (1826–1860) кўплаб нодир китобларни килич билан чопиб бурдалади. Чор Россиясининг боскини натижасида хонлик, амирлик кутубхоналари ва шахсий коллекциялардаги ноёб китоблар талон тарож қилиниб юртимииздан олиб кетилди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Темурийлар даврида мамлакатда китобат санъати юкори даражага кўтарилиб XVIII–XIX

асрларда тушкунликка тушишида мамлакатни бошкарган хон ва амирларнинг нотуғри сиёсати сабаб бўлди.

Европа давлатларида қоғоз ишлаб чикариш фабрикаларининг курилиши, Германияда И.Гутенбергнинг китоб босиш механик прессининг яратилиши, такомиллаштирилиши босмахоналарда китоб босиш ишининг саноат даражасига кўтарилиши Farb давлатларининг барча соҳада тарақкий топишига сабаб бўлди. Афуски, Марказий Осиё давлатлари дунёдан ажralиб қолганлиги, ҳукмдорларнинг узокни кўра олмаслик, ўз ҳалқининг маърифат ва маданиятига эътиборсизлиги мамлакатни дунё тараққиётидан ортда колиши, мустамлака мамлакатга айланишига сабаб бўлди.

Мавзунинг ўқув мақсади

“Китобат санъати” фанига киришдан олдин фаннинг назарий қисми билан танишиб китоб нима, инсон ўз тараққиётида маълумотларни битиш саклашда фойдаланган ашёлар, Хитойда когознинг ихтироси, Самарқанд қоғози тарихи, Хоразм Маъмун академияси, темурийлар даврида илм-фан тараққиёти, Самарқанд, Ҳирот кутубхоналарида кенг кўламда қўлёзма китоблари тайёрлашнинг авж олиши, уларда фаолият юритган хаттот, мусаввиrlар кўчирган китоблар, XVIII–XIX асрларда китобат санъатининг инқирозга кетиш сабаблари, Ахмад Донишнинг “Халқ баҳти бу фан ва зиёликда”, деган маърифатпарвар фикрлари ҳакидаги маълумотлар билан талабани таништириш.

Мавзу бўйича саволлар

1. Инсон тайёрлаган биринчи китоблар ва ашёлари ҳақида нима биласиз?
2. Самарқандда қоғоз тайёрлаш қачондан бошланган?
3. Амир Темур империяси даврида санъат тараққиётига сабаб бўлган омиллар нимада деб биласиз?
4. Мирзо Улуғбек даврида қайси соҳа ривожланди?
5. Бойсунқур Мирзонинг амалга оширган иши нимадан иборат эди?
6. Қоғоз Европага қайси сабабларга биноан тарқалди?
7. Камолиддин Беҳзодга кимлар раҳнамолик қилишди?

8. Қандай сабабларга кўра машхур Самарқанд қоғози касод бўлди?

9. Китоб тайёрлашни инкиrozга олиб келган сабаблар ҳақида нима биласиз?

10. Аҳмад Доңиш рассом ва хаттот меҳнати ҳақида қандай фикр билдирган?

Топшириклар

1. Илм-фан, санъат тараққиётига хисса қўшган илм-фан, санъатга ахлига раҳнамолик қилган темурийлар ҳақида маълумотлар тўплаш.

2. Мирзо Улугбекнинг Мовароуннахрда илм-фан, маданият тараққиёти учун олиб борган ишлари ҳақида маълумотлар тўплаш.

3. Мамлакатимизда китобат санъатининг инкирози сабабларини ўрганиш.

4. Самарқанд қоғозини тиклаш бўйича бугунги кунда олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумотлар тўплаш.

5. К.Беҳзод тасвир ишлаган қўлёзма китоблар ҳақида маълумотлар тўплаш.

6. Тарихда юртимиздаги қайси шаҳарларда қоғоз тайёрланганини ҳақида маълумотлар тўплаш.

1.3. Қўлёзма китобларни тайёрлаш босқичлари

Китоб тайёрлаш – Ўрта ва Яқин Шарқ ислом тасарруфидаги давлатларда бир хил усулда амалга оширилган қоғозрез, хаттот, лаввоҳ, музахҳиб, мусаввир, сахҳоф (муковасоз) ва бошқалардан иборат хунарманд ва санъат ахли томонидан бажарилган. Битилган матнни лаввоҳ ҳошия қоғозга елимлаган. Устидан жадвалкаш айни ёпиширилган жойдан турли рангларда чизиклар тортиб, хат кисмини жадвалга олган.

Лаввоҳ олтин ёки қумуш сувида сарлавҳа (унвон) ёзган. Накқош китобнинг “зарварак”, “унвон”, “шамс”, “лавҳа”, “сарлавҳа”, “хотима” варакларини накшлар билан безаган. Мусаввир тасвир ишлаши учун тоза бутун варақ ёки матн орасида бўш жой қолдирилган. Мусаввир мўйқалам билан сурат қораламасини чизиб ёки шаффоғ қоғоз орқали ўтказиб тасвиirlарни турли

рангларда бүягач сиёхқалам чизиклари билан ўз ишини якунлаган. Китоб таркибиға чизилдиган суратлар мавзуси асосан буюртмачи томонидан белгиланган. Құләзма китобдан хушбүй хид анкиб туриши учун көз тайёрлашда гул мойи, сиёхига анбар құшилган. Құләzmанинг якуний күриниши муқовасознинг меҳнати билан якунланган. Муқовасоз құләzmани картон ёки чармдан тайёрланган ”муқовага бириктирган.

Қогозни тайёрлаш

Китоб учун биринчи навбатда сифатли ишлов берилған қоғоз керак бўлади. Қоғоз устида сиёҳ тарқалмаслиги, ҳарфлар теккис ёзилиши, сахифа жадвалини чизишда рангли ва олтин чизикларга жило бериш, нақш шакллари дөгсиз бўялиши учун қогознинг ҳар икки томони охорланган, бугунги кун ибораси билан айтганда грунтланган.

Қогозни охорлаш

Крахмал билан охорлаш. Грунч крахмални сув билан аралаштириб қуюқ ҳолга келирилган, сўнг сув қўшиб суюлтирилгач оловда қайнатилган. Советилгандан кейин суюқлик дока матосидан ўтказилиб йирик бўлаклардан тозалангач текис сатҳга ёткизилган қоғоз сиртига юмшок мато билан суртилган. Бу жараёнда қоғоз ўрнидан силжимаслиги керак бўлади. Намланган бошқа юмшоқ мато ёрдамида ортиқча крахмал суюқлиги артиб олиш билан бирга қоғоз ғижимлари текисланган ва соя жойда куритилган. Охорланган қоғоз сиртидаги крахмалнинг ёрилиб сифати бузилишини олдини олиш ва ёзиш тасвир ишлашга сифатли тайёрлаш учун сирти силлиқланган. Қоғоз юзасини силиқлашда денгиз чиганоғи, шиша шар, ёки силлиқ тошдан фойдаланилган.

Құләзма китобга бетакрорлик бериш учун турли рангли қоғозлардан ҳам ишлатилган. Бунинг учун қоғозни текис сатҳга ёткизиб юзасига шафрон, хна, ёки мис зангидан тайёрланган рангли суюқликни мўйкалом, юмшок мато билан қоғоз сиртига суртишган.

Қоғозни сариқ рангга бўяшда шафрон, кўк рангга бўяшда индигонинг сувли эритмасидан фойдаланилган.

¹ А.Ю. Казиев Художественное оформление Азарбайджанской рукописной книги XIII–XVII веков Москва: Книга. 1977. 288 с.

Хаттотлик ва унинг ашёлари

Китоб тайёрлашда хаттот меҳнати бош ўринда туради. Хаттотлик касби эгасининг мукаммал саводли, бадиий дидли, сабр бардошли, ўз ишига масъулиятли, ижодкор киши бўлишини талаб қиласди.

Озарбайжонлик машҳур хаттот Мир Али Харавий ибораси билан айтганда, хаттотлик билан шуғулланувчи киши беш хислат: - “*қобилият, билим, мустаҳкам қўл, сабр-тоқат, сифатли ёзув ашёлари*”га эга бўлиши керак.

Хаттотнинг иши қуроллари

Хаттот матнни қофзода тўғри чизик бўйлаб ёзишда аввал маҳсус қалин қоғоз – мистар устига ёзув йўлаклари ўлчамида ип тортиб тиккан. Матн ёзиладиган қоғозни унинг устига қўйиб бармоқлар билан босиб ип изини қоғозга тушириб олган. Сўнг ип излари бўйлаб хаттот матнни ёзишни бошлаган.

Сиёҳ

Сиёҳ: хат ёзиш учун ишлатиладиган қоплаш ҳусусиятига эга бўёвчи рангли суюқлик, бўлиб ҳар бир хаттот уни ўз ёзиш услубига мослаб тайёрлаган

Сиёҳга қўйилган талаблар – ранги ва суюқлиги бир ҳилда бўлиши, қоғозга яхши ёпишиши, доғсиз кўриниши, ёзувлари ёруғлик таъсирида оқармаслиги, қоғозга сингиши, суркалмаслиги, ёзув чегарасининг аниқ бўлиши, хидининг ўткир бўлмаслиги.

Таркиби: қоракурум, сиёҳ ёнғоги, боғловчи.

Тайёрлаш усули - Силлик, ясси тош сиртида қоракурум оз микдорда сув билан қоришириб бир ҳил холатга келгунча асоси ясси кичик силлик тош воситасида узоқ вақт эзгилаш орасида сувда эритилган дараҳт өлими ва сиёҳ ёнғогидан қўшиб бир ҳил кўринишга келгунча айланма ҳаракатда эзгиланади. Тайёр сиёҳ суви буғланиб ҳамир ҳолатига келгач кичик гиштчалар кўринишида бўлинниб куритилган. Ёзиш вақтида гиштчалардан бири сувли идишга солиниб керакли суюқликка келгунча ивитиб иш жараёнинга тайёрланган.

Хаттотлар сиёҳдаги ёкимсиз ҳидни йўқотиш, хушхид таратиш максадида таркибига гул суви қўшиб ишлатишган. Хаттот Мир-Али Табризий қуюқлашган сиёҳни асл ҳолига келтириш учун гул суви, дарё сувининг кўпиги ва гуммиарабик аралашмасини сиёҳга оз-оздан мақул ҳолга келгунча томизишни тавсия қиласди.

Қамишқалам – хаттот ёзув қуроли. Шарқ давлатларида қамиш ўсимлигининг пишиб қотган, ранги сарғимтириш қизғиши, жигарранг, ички қисми оқ рангли ўртача каттиклиқдаги танасидан тайёрлашган. Амударё кирғокларида ўсадиган қамиш танасидан бир қарич узунлигига кесиб олинади. Қамиш, айланасини ип билан ўлчаб бир учига қўйилади, шу ўлчамдан бошлаб учига караб ўткир пичок билан қамиш айланасининг учдан икки қисми кесиб ташланади. Сўнг қамиш қаламининг уни узунасига ёрилади. Қалам уни узунилигига нисбатан бурчак қилиб кесилади. Хаттот ҳар бир хат турига мос равишда уни турли кенгликдаги қамишқаламни ўзи тайёрлаган.



3-расм. *Хаттот уни қуроллари*: мистар, қамиш қаламлар, йўлда олиб юришга мўлжалланган қаламдан ва сиёҳдон

Асосий хат турлари:

Кўфий – VII асрдан араб ёзувининг энг кадимийси ва машхури. X асргачан асосий хат сифатида кўлланилди. Бурчакли нукталарсиз ёзиладиган бу хат ўрнини аста секин насх ва сулс ёзувлари эгаллади.

Сулс - маъноси учдан бир ҳисса демакдир. Бу ёзув тури кўпроқ таълимда ишлатилган.

Тавқеъ - маъноси -подшо фармони, муҳри, имзоси.

Подшо фармонлари шу ёзувда битилган.

Рикоъ – оддий хатларни тез ёзиш учун кўлланилган. Шунинг учун бу хат тури бугунги кунда ҳам араб мамлакатларида кўп ишлатилади.

Райхоний - чиройли ёзув услуги бўлиб саҳифалар безаги ва дуо китобларини тузишда ишлатилган.

Насх – маъноси–бекор қилиш, йўққа чиқариш. Ёзувдаги эгри чизиқли ҳарфли ёзувларни сикиб чиқариб X асрда кенг тарқалди. Тавсир ва ҳадис китобларини кўчиришда кенг фойдаланилган.


Таълиқ – маъноси – осилиб турувчи, илинган. Шахсий ёзишма, хужжатларда фойдаланилган.

Наастаълиқ – бу ёзув белгилари насх ва таълиқ ёзувларидан олинган бўлиб китобларни кўчиришда фойдаланилган.


1.4. Кўлёзмада нақкошлиқ санъати

XV–XVI асрлар меморчилиги ва китобот санъатида юкори чўккига кўтарилди. Буюк шоир Алишер Навоийнинг асрларига ишланган мўжаз расмлар ва рангоранг нафис нақшлар Шарқ китобат санъатининг энг гўзал намуналаридир. Кўлёзма китобларининг мукова, зарварақ, сарварақ, унвон, лавҳа, матн боши, якуни, ёзувлар орасини безашда нақшдан мохирлик билан фойдаланилди. Накш безаклари китоб кадрини ошириш, ноёблик хусусиятини бериш билан бирга уни санъат асарининг юксак наъмунасига айлантириб китобхон маънавиятини бойитиш, эстетик тарбиялашда хизмат килди. Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти фондида сакланаётган Амир Темурнинг тарихчиси Шарафиддин Али Яздий томонидан ёзилган машхур “Зафарнома” кўлёзма китобининг икки варагига ишланган нақшинкор безак-

ларда юкори бадиий дид, маҳоратли ижрони кузатишимииз мумкин. Құләзма китоблардаги нақшлар тузилиши жиҳатдан асан иккى турға ислимий ва гирих нақшларига бўлинади.



4-расм. Шарофиддин Али Яздийнинг
“Зафарнома” китобининг қўшварақ
безаги



5-расм. Китоб
варагининг нақ-
шинкор безаги

Китоб безагидаги ислимий нақшлар таҳлил қилинса, унинг таркибида бир неча турини кўриш мумкин.

1. Тасма кўринишидаги фриз нақшлари ўзининг композиция тузилиш жиҳатидан истаганча чексиз давом этиши мумкин бўлган нақшлардир.

2. Мъалум бир шаклни безаш, тўлдириш учун айнан шу шаклга мос slab чизилган ёки ёзувлар ораларини тўлдириш учун ёркин ишланган нақшлар.

3. Унвон вараги нақшлари. Варакнинг тепа қисмига учбурчак шаклида жойлашган нақшлар.

4. Занжир безаги – бир неча арқонинг тўқилишини эслатадиган безак. Нақш композицияси таркибида, олтин, кумуш суви суртилган ҳошиясимон тўртбурчак, доира шаклларидаги тор йўлакларни безашда қўлланилган.

K. Behzod nomidagi
Milliy Fassomlik
va Dizayn Instituti

AXBOROT RESURS

330989AZI
N

1.5. Китоб безашда рангларнинг қўлланиши

Кўлёзма китобларига сурат чизиш ривожланиши босқичлари

VII–VIII аср Сурия, XI–XII аср Боғдод, Жозира араб мактабларида китобларга ишланган тасвиirlарда ранг турларининг чегараланганигини кўриш мумкин. Масалан: “Александр мақоми” миниатюраси “Абу Зайд ва унинг хотини қози хузурида” сурати, шунингдек, Боғдод мактабининг йирик вакили мусаввир Абу Яхё асарларида рангларга оқ аралashiши билан ранг ёрқинлиги, ранг турларнинг қайталиниши бу даврлар санъатига хос кўринишдир. Китобларга ишланган тасвиirlарда ранглардан кенг фойдаланиш XVI–XVII асрларда ишланган суратларда кузатсак, мусаввирлар фойдалangan ранг турларининг кенгайиб боришини кўришимиз мумкин.

Китобот санъатидаги нақш безакларини таҳлил қилинганда асосан икки Тупрок - (*oxra*) ва кўкранг (*ультрамарин*) дан устувор фойдаланилганини кўрамиз. Китоб саҳифаларини безашда нақшлар қизил, сарик, зангори, яшил, оқ, қора, жигарранг ва бошқа ранглар тўлдирувчи сифатида фойдаланишган.

Қизил - нақш таркибидағи гул, ғунча, турунж ва бошқа кичик шакллар асосини бўяш, хошия чизиклари;

Оқ - гул, ғунча геометрик ва йирик шаклларни ўраб чиқиш, хошия чизиклари;

Зангори ва яшил – ислимий нақшдаги новда, барг, нақш таркибидағи геометрик шакллар асос қисми, хошия чизиклари;

Сарик – гул, ғунча, хошия чизиклари;

Хаворанг – нақш таркибидағи булут, гул, ғунча, хошия чизиклари;

Қора – геометрик шакллар асос қисми, сиёҳқалам, занжир, хошия чизиклари;

Жигарранг - геометрик шаклларни бўяш ва хошия чизикларида ишлатилган.

Нақш безакларида шакллар бир ранг билан бўялиб сиёҳқалам чизиклари бошқа рангда бажарилган.

Кўлёзма китоблар таркибидағи суратларда ранглардан фойдаланиш турли асрларда бир-биридан фарқланишини кузатиш мумкин. VIII асрга тегишли Сурия араб китобларидағи тасвиirlар ёки XIII аср Боғдод мактабининг йирик вакили мусаввир Яхё ибн

Махмуд ал Васитий мўйқаламига мансуб асарларда муаллиф ихтиёрида ранг турларининг чегараланганигини қора, қизил, яшил, ҳаворанг, сариқ ранглардан иборат эканлигини кўриш мумкин. XV–XVI асрларда ижод Хирот, Табриз, Бухоро, Исфахон мусаввирлари безаган китоблар тасвиirlарида ранг турлари анча кўп бўлиб уларни ўзаро аралаштириш орқали ихтиёрдаридағи ранглар соннини ошириб тасвиirlарда маҳорат билан фойдаландилар.

1.6. Хат ва тасвиirlар учун олтин бўёқ тайёрлаш

Кўлёзма китоблар варакларининг хошия чизиклари, накш безаклари ва суратлар таркибида соф олтиндан тайёрланган бўёқнинг ранг кўриниши асрлар давомида ўз жозибасини сақлаб келмоқда. Қаттиқ тош кўринишидаги олтин металлидан қандай қилиб сувли бўёқ тайёрланганлиги ҳакида танишиб чиқамиз.

Мумтоз устанинг олтин бўёгини тайёрлаш усули ҳакида хаттот Мир Али Ҳаравий ўзининг “Медад ул-хутут” (Ёзув услублари) китобида шундай таърифлаган. “Уста бир мисқол олтиндан юкори сифатли юз варак тайёрлагандан жами юз варакни олади; кейин кўзга ёқимли сариқ тусли ёғсиз балик елимини эритади. Кейин кўллар ва чинни коса иссиқ сувда ювилиб олтиннинг корайишига сабаб бўладиган ёғдан тозаланади. Эриган елимининг бир неча томчисини косага томизиб бармок билан туби ва деворларига суртади. Елимили бармок олтин варагига текизиб бир донадан коса ичига олиб ўтилгач идиш деворларига икки бармок билан ишқаланади. Бу жараёнда олтин варакларининг яхши майдаланиши учун коса ичига йирик бўлакли ош тузи солинади. Агар қоришма ёпишкок ҳолатига келса бир неча томчи илиқ сув томизиб, олтин вараклари бутунлай майдалангунча ишқалаш давом этирилади. Кейин идишга фильтрланган сув куйиб идиш деворларига ёпишган олтин қолдиклари ювилади. Косадаги олтинли сув юпқа, тоза мато орқали бошқа идишга ўтказилади. Олтин зарачалари идиш тубига чўкинди ҳосил қилгунга қадар усти ёпилган идишга бир соат давомида тегилмайди. Кейин идишдаги сув тўкилилгач, олтин бўёқни мўйқалам билан

қамишқаламга олиб ўтказиб истаганча ёзиш мумкин. Хат куригач агат тоши билан жилоланади”.



6-расм. Иссиқ-совук ва олтин ранглар уйғунлигига ишланган сурат. Саъдийнинг "Бўстон"ига ишланган "Султон Ҳусайн базми" К. Беҳзод асари

Кумушдан бүёк тайёрлаш ҳам шу усулда амалга оширилади. Мир Али Харавий олтин бүёк тайёрлашда гуммиарабик эритмасидан ҳам фойдаланиш мумкинлигини айтади. Кумуш ва олтин эритмалари чангдан химояланган бўлиши керак. Металл бўёқларда ёзиш тугагандан сўнг, суви тўкиб ташланиб идиш олов устида ушлаб куритилган. Шуни айтиш керакки идишдаги олтин зарачаларини тўла куришига катта эътибор берилган, бўлмаса нам ҳолда қолган металл зарачаларининг ранги тўклиши мумкин.

Олтинда ёзиш зарурати бўлганда юкорида келтирилгандай эриган балик елимини қўшиб яна кайта тайёрланган.³


1.7. Қўлёзма тасвиirlарини ишлашда қўлланилган усуллар

Табиатдаги ва инсон қўли билан яратилган меъморий иншоотлар, амалий ва тасвирий санъатдаги гўзал асарларнинг баъзи намуналари диккатимизни тортади, кўзимизга ёқимли қўринади, баъзилари эса аксинча, эътиборимизни жалб қилмайди, уларни тез унутамиш. Нима учун шундай? Бунга сабаб тасвиридаги шакллар ўзаро нисбатларининг гармониясидир. Тасвирий санъатда турли шаклларнинг ўзаро ўлчамларини кўзга ёқимли, чиройли нисбатларини топиш, ўзаро боғлаш муҳим бўлиб, бу асарнинг бадиийлик даражасини белгилайдиган асосий шартлардан бири. Шунинг учун Шарқ ва Европада меъморлар, амалий санъат усталари, рассомлар ўз асарларида гармонияга эришиш усулларини топиш учун доимий изланишда бўлганлар. Бу изланишлар натижасида Европа Уйғониш даври рассомлари Леонардо Да Винчи ибораси билан айтганда, “золотое сечение” конуниятини яратдилар. Лекин бу усул жуда чалкаш бўлиб, уни қўллаш маҳсус, узок тайёргарликни талаб қиласди.

Шарқда ҳам шундай изланишлар бўлганми? Мусавиirlар ўз асарларини яратишда аниқ фанлардан фойдаланишганми? Нима учун баъзи миниатюра асарлари бизни ўзига жалб қиласди? каби саволлар барчада туғилиш табиий.

³ А. Ю. Казиев. Художественное оформление азербайджанской рукописной книги XIII-XVII веков. Москва: Книга. 1977. 315 с.

Шарқ тасвирий санъати бўлмиш китоб миниатюраси асарлари даги ўзига хос мураккаб композиция тузилиши, ундаги шакллар ва ранглар гармонияси билан танишган Европа рассомлари ўз вақтида ҳайратга тушишган, ҳатто баъзилари шарқ миниатюрасидан илҳомланиб ўз асарларини ишлашган. Бу асарлар композицияси бирор бир коидалар асосида курилганми ёки улар кўз чамаси асосида ташкил килинганми? деган савол шу кунгача ҳар бир ижодкорни қизиктириб келган. Шарқ миниатюра санъатида қоғоз сатхидаги композиция қуриш учун кўлланган усулга эътибор берсак, у содда ва қулайдир. Бунда тасвир чизиладиган сатҳ вертикал бўйича тенг уч қисмга, горизонтал ўлчами ҳам тенг уч қисмга бўлиниб, тўқизта шакл ҳосил килинади. Бу тўқизта шакл бизга композиция марказини аниклашда, асарнинг горизонтал, диагонал бўйича чап ва ўнг қисмларида тасвирларни уйғун жойлаштиришда жуда катта қулайлик туғдиради.



Мисол учун, биринчи квадратда маълум бир шаклдаги тасвир бўлса, тўқизинчи квадратда ҳам унга мос шаклнинг жойлашуви симметрик композиция тузишда, асарнинг чап ва ўнг қисмидаги диагонал бўйича шакл ўлчами, оғирлигини мутаносиб жойлашувини беради. Худди шундай горизонтал ва вертикал йўналишда шакл оғирлигини тенг жойлаштиришда, симметрия ҳосил килишда ва рангларни бутун композиция бўйича жойлаштиришд қулайлик туғдиради.

А. Навоийнинг "Хамса" достонлари мавзусига бағишлиб Бухоро, Ҳирот мусавиirlари ишлаган суратларнинг композицион тузилишини таҳлил қилганимизда, муаллифлар бу асарларни тўқиз квадрат усули асосида бажарганлигини кўриш мумкин.

Мисол учун, “Садди Искандарий” достонига бағишлиб чизилган “Шохлик тожини гадоликка алмаштирган шох Искандар хузурида” асарини таҳлил қилиб күрайлик.

Достон бош қаҳрамони сифатида Искандар асарнинг марказий кисмида унинг боши бутун асарнинг марказий нуктасида жойлашган. Шох қомати марказдаги шаклда, пастки чап ва ўнг кисмларда учтадан инсон коматлари жойлашиб, ҳар икки томонда инсон коматлари сони, шакллар оғирлиги тенг келади.


Мусаввир 1- ва 2-вертикал чизиклардан шоҳ ўтирган гилам ва настдаги мармар ховуз ўлчамларини белгилашда фойдаланган. Шу етакчи чизиклар шоҳ ортида жойлашган чап ва ўнг деразаларнинг ўқ чизиги ва диогонал жойлашган нақшли безакларнинг марказидан ўтади.

Горизонтал биринчи ва иккинчи етакчи чизиклардан ҳам муаллиф унумли фойдаланганинг ҳайратланмасдан илож йўқ. Шоҳ танасининг пастки оёклари, гадо ва хизматкорлар қўлини биринчи чизик бўйлаб жойлаштирган мусаввир асарга яширин фалсафий маъно бериб, шоҳ Искандар мавкеининг қанчалик юқори эканлигини кўрсатмоқда.


Иккинчи вертикал чизик горизонтал жойлашган нақшли безак марказларидан ўтиши ҳам тасодиф эмаслиги аниқ. “Шохлик тожини гадоликка алмаштирган шоҳ Искандар хузурида” асари композициясини куришда мусаввир тўққиз шакл усулидан фойдаланиб, симметрияга асосланган, турли шакл ўлчамларининг гармонияси ва яширин фалсафий маъно беришга эришган.

Сатҳни икки вертикал ва горизонтал чизиклар билан бўлиш ва улардан китоб ички суратларини мустаҳкам конструкция асосида жойлаштиришда унумли фойдаланиш бу тасодифми ёки мусаввирнинг аник максад асосида изланишлари натижасими? Бу саволга ишонч билан жавоб бериш учун Бухоро мактаби мусаввирлари каламига мансуб А. Навоийинг “Хамса” асаридаги “Сабъаи сайёр” достонига бағишлиб ишланган асарларни таҳлил қилиб кўрамиз.

“Баҳром мовий қасрда” номли миниатюрада қаср биноси ҳошия ва иккинчи вертикал чизиклар орасида жойлашиб, тасвир сатҳининг учдан икки кисмини эгаллайди. Мусаввир биринчи вертикал чизикдан бинонинг марказий ўқ чизиги сифатида фойдаланиб, уни тенг икки кисмга ажратган.



7-расм. “Шохлик тожини гадоликка алмаштирган шох Искандар хузурида”. “Садди Искандарий” достонига бағишилаб чизилган.



8-расм. “Сабъаи сайёр” Баҳром мовий қасрда

Бош қаҳрамонлар Баҳром ва қаср маликаси асар марказида тасвирланиб, улар ўқ чизикнинг икки томонида жойлаштирилиши

орқали ораларида кўринмас тўсик борлигига ишора қилинади. Чунки достонда Бахромнинг кўнгли фақат Дилоромда бўлиб, бу қаср маликаси уни овутиш мақсадида олиб келинган эди. Горизонтал чизикларнинг биринчиси марказдаги эшик ва унинг устки тепа қисмини ажратиб турган чизикқа ҳамда қасрнинг икки ён томонидаги нақш безаклари марказига мос келса, пастки чизик шоҳ Бахром ва қаср маликаси коматларининг оёқ қисми ва гилам чегарасидан ўтади. Шу чизик ҳикоя айтувчи йўловчининг бош қисмидан ўтиши шоҳ ва малика мавқеининг баландлигини кўрсатишда рамзий равишда хизмат қилмоқда.

“Бахром яшил қасрда” номли китоб суратида ҳам шундай мусаввирик тўқиз шаклни берувчи икки вертикал ва икки горизонтал чизиклар асосида миниатюра композициясини тузишда фойдаланганлигини кўрамиз. Бу асар олдинги асарнинг кўзгудаги акси сифатида ишланган.

Шу мавзуга бағишлиб ишланган бошқа асарларни ҳам таҳлил қилиб кўриш натижасида мумтоз мусаввиirlар миниатюра асарларини ишлашда, сатхни тўқиз қисмга бўлиб, етакчи чизиклардан унумли фойдаланганликлари, симметрия қонунларини яхши билган ҳолда шакллар ўлчами, ўзаро нисбатини аниқлашда чамалаб эмас, балки аниқ ҳисобли ўлчамларга таяниб, илмий ёндашув асосида олиб борганиларини кўриш мумкин.

Текисликни тўқиз қисмга бўлиб, шаклларнинг энг маъқул жойлашувини аниқлаш усулини Бухоро миниатюра мактаби мусаввиirlари бир неча аср олдин кўллаган бўлсалар, бугунги кунда ракамли фотоаппарат ишлаб чиқарувчи жаҳондаги йирик компаниялар ва компьютернинг график дастурларида, жумладан, Adobe Photoshop дастурида, хориж кино индустриясида, экранда инсон тасвирларини чиройли, таъсирчан жойлаштиришда фойдаланилмоқда.

Бу содда ва самарали усулдан талабалар фан вазифалари бўйича китоб иллюстрациялари хомакиларини ишлаш жараёнида кўллашлари мақсадга мувофиқ ҳисобланади ва тавсия қилинади.

Кўлёзма варагининг ҳошия қисмини безашда андаза усули

Кўлёзма китоб таркибида бир неча вараклар ҳошия қисмидаги тақрорланувчи безакларни кўриш мумкин. Улар қайси усулда ҳосил қилинган? деган саволга синчиковлик билан кузатиш

орқали жавоб топиш мумкин. Кузатиш натижасида мусаввир ёки паккош ўз меҳнатини осонлаштириш, вақтни тежаш максадида андаза (трафарет) усулидан фойдаланганligини кўриш мумкин. Бу усулга эришиш учун безак тасвиrlари алоҳида коғоз сатҳида чизиб олинади. Сўнг тасвир чизилган коғоз картон ёки текис тахта устига кўйиб тасвир шакллари қалам чизиклари бўйлаб ўткир учли пичок ёрдамида бирин-кетин кесиб олинади. Тасвири кесиб олинган шакллар, ўйиб олинган тешиклардан иборат қоғоз суртига бир ёки икки маротаба ўсимлик мойи суртилади ва текис сатҳда ётиқ ҳолда соя жойда қуритилади. Мой суртишдан мақсад: бўёқ таъсирида коғознинг оз ивиши ва узок хизмат қилишини таъминлаш. Ушбу андаза ҳошия қисми рангланган китоб варағи устига кўйилади.



9-расм. Андаза ёрдамида безатилган китоб вараклари

Андаза коғози безак тешиклари орқали китоб варағининг рангли ҳошия қисми кўриниб туради. Уларга ранг бериш учун каттиқ мўйқаламнинг уни тайёрланган рангли бўёққа ботириб, 15 см атрофидаги масофадан эҳтиёткорлик билан сачратиб сепи-

лади. Бўёкни сепиш учун ўнг қўлнинг кўрсаткич бармоги билан мўйқалам тукларини тепага тортиб қўйиб юборилади. Тепага эгилган каттиқ туклар қўйиб юборилганда ўз холига тез қайтиш баробарида сиртдаги бўёк сачраб отилиб чиқади ва тўғридаги коғоз сатҳга урилиб бетартиб кичик рангли дөғлар ҳосил қиласди. Бир неча маротаба сепилган бўёклар андаза тешиклари орқали остки варақ ҳошиясини қоплади. Бўёқ қуригач андаза астасекинлик билан кўтариб олинади. Натижада китоб вараги ҳошиясида сачратиб сепиш орқали бўялган безаклар кўринади. Бир андаза ёрдамида киска вақт ичида китоб варагида исталган ранглар билан тақрорланувчи бир неча безакларни ҳосил қилиш мумкин. Кейинги жараён безакли тасвир ва фон чегараси сиёҳкалам чизикларини чизиш орқали якунланади.

1.8. Қўлёзма китобларга чизилган суратларнинг буғунги кундаги аҳамияти

Мусаввир чизган суратлар китобни бадий безаш билан бирга бизга ўша давр тўғрисида турли маълумотларни беради. Буғунги кунда Камолиддин Беҳзод, Қосим Али ва бошқа мусаввирлар чизган асарлар орқали Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Камолиддин Беҳзод, Шайбонийхон, Бобур каби бошқа кўплаб тарихий шахсларнинг ҳаққоний тасвирларидан хабардормиз.

Тасвирда олтин, кумуш бўёклари ва ишлатилган турли ранглар орқали рангшунослик тарихи, табиий рангларнинг узоқ сакланниши ҳақидаги билимларимиз ортади.

Китоб суратлари орқали биз ўша аср табиати, бинолари, турли табақа ва қасбдаги инсон либоси, ҳарбийлар қурол-аслаҳалари, тиббиёт, фалакшунос олимлари фойдаланган фан, зарбли, торли, пулфлаб чалинадиган мусиқа чолғу асбобларининг турлари, қўриниши каби муҳим энциклопедик маълумотларни олишимиз мумкин. Мисол учун, Камолиддин Беҳзоднинг қурилиш майдонига багишлиб ишлаган асарини олсак. У бир караганда содда қўринишдаги асар бўлиб, у орқали биз усталарнинг меҳнат жараёни, баланд бино қурилишида ишлатилган ҳавоза, белкурак, замбил, тош йўниш тешаси, сув меши каби буюмлар тасвирини кўрамиз. Иккинчи миниатюра асарида коинот сирларини ўрганувчи олимлар фойдаланган турли бурчакли чизғичлар, юлдузларни кузатиш-

га мослашган дурбин асбоблари, ўша даврдаги ер шари макети каби илм-фанга тегишли маълумотларни олишимиз мумкин. Бундай асосли маълумотлар бугунги кунда тасвирий санъат, театр, кино, балет санъатида ижод килаётган рассом, драматург, режисёрлар учун тарихий мавзуларни ёритишида асосли ва ишонарли манбаа сифатида бекиёс аҳамиятга эга. Шу билан бирга, тарихий кадриятларимиз, чукур маданиятиздан хабардор бўлишда, ўзлигимизни англашда, ёшларимиз тарбиясида муҳим ўрин тутади.



10-расм. Миниатюралардан намуналар

1.9. Кўлёзма муковаси

XIV асрга қадар Яқин Шарқ ва Европа давлатларида бириичи муковалар ёғоч, металлардан кейинроқ жониворлар терисидан тайёрланган. XIV–XVI асрларда мусулмон давлатлари айникиса Эронда китоб муковасини тайёрлашга катта эътибор берилиб у санъат даражасига кўтарилган. Тери (чарм): йирик шохли мол, кўй, эчкиларнинг ишлов берилган териси бўлиб пишиқ, эгилув-

чан, ишлов боришига мойиллиги билан китоб муковаси учун маъкул ашё сифатида узок йиллар давомида хизмат қилди.

Теридан тайёрланган биринчи муковалар безаксиз кўринишда бўлиб варакларни химоялаш вазифасини бажарган.

Муқова тайёрлаш усувлари.

Муқовасоз уста (саҳҳоф) нинг вазифаси қўлёzmанинг барча варакларни бирлаштириб тикиб, уч томонидан ўраб турувчи тери-чарм “либос” ичига олиш бўлган. Сифатли ишлов берилган нуксонсиз, ранги чиройли теридан китоб ўлчамида бўлак кесиб олингач, безатиш усувларидан бири танланган. Безакларининг кенг тарқалгани турлари; “шамс”, “медальон”, “турунж” шакллари билан безатиш бўлган.

Кейинчалик чеккасида ҳошия чизиги, тўрт бурчагида учбурчак кўринишдаги шакллар қўшилиб муқова юзаси тўлик яқунланган композиция кўринишига эга бўлди. Муқовани безовчи бу шаклларни ботик ёки бўртма усулда туширишда сахҳоф турли: тери, ёғоч, темир, бронза металларидан тайёрланган қолиплардан фойдаланган.

Теридан қолип тайёрлашда қотирилган қалин теридан безак шакли кесиб олингач, шакл ичини безовчи нақш чизилган ва маҳсус пўлат ускана билан чизгилар ўйилиб чуқурлашган кўриниши ҳосил қилинган. Бундай тери қолипларни тайёрлашга кўп вақт талаб килинмаслиги ва чарм устига босилганда муқова юзасини тирнамаслик жиҳатлари билан афзал ҳисобланган. Қолипдаги безак шаклини чарм юзасига аниқ тушиши учун чармни юмшатиш мақсадида ўсимлик елимининг эритмаси суртилган. Ўкувчи китобдан узок вақт фойдаланганида муқова сифатли кўринишини йўқотмаслиги безаклари, едирлмаслиги, учун сахҳоф уларни мукова чегарасидан ичкарироқда жойлаштирган. Баъзида картонга ёпиширилган чарм юзасига такроланувчи содда кичик шакл безакларни айланувчи валиклар ёрдамида туширишган.

Муқованинг безак шакллари тери сиртида чуқур аниқ из қолдириши, узок вақт хизмат қилиши учун ҳар бир шакл қолипи катиқ драхт тахтаси ёки металдан тайёрланган. Сахҳоф бундай кичик қолипларни намланган тери юзасига навбат билан жойлаштириб бир неча кун исканжаси(пресс) босими остида сақлаган.

Шохлар буюртмаси билан тайёрланган машхур китоб мұқовалариниң тайёрлашда мукованинг бутун сатқи учун яхлит күриниши деги колиплар танаси каттык дуб, чинор ёки ёнғок дараҳтининг таҳтасидан тайёрланган.

Ёғоч қолип намни тортмаслиги ва узок вакт хизмат қилиши учун юзасига үсімлик, ёки жонивор ёғи бир неча маротаба суртиб түйинтирилган. Саххоф қалин чарм юзаси намлаб устига ёғоч қолипни жойлагач исканжа(пресс) орасига қўйиб бир неча кун босим остида ушлаган. Бу вакт давомида намдан юмшаган чарм босим таъсирида қолип ўймалари шаклига кирган ҳолда куриган.

Ислом динига эътиқод қилувчи мусулмон давлатларида мукаддас “Курон” га бўлган ҳурмат рамзи сифатида китобнинг баъзи нусхалари олтин қопланган босма безаклар билан безатилган. “Олтин мұқова”ни тайёрлаш сахроф ва олтин билан ишловчи уста заргар ҳамкорлигига бажарилган. Бу муковаларни тайёрлашда мукованинг икки томони учун тайёрланган терини тухум оки ва квасц эритмаси суртиб устига юпқа олтин варагини қўйилган ва устидан ўймали босма қолипни жойлаганлар. Қалип усига қалин мармар тошни бостириб дастаси калта сирти силлик чўян болга билан урилган.⁴ Натижада нам терига колипдаги безакнинг акс тасвири бўртма шаклда тушган.

XVI асрга келиб китоб учун чарм муковалар билан бирга оммага мўлжаланган картондан тайёрланган локли муковалар тайёрлаш урф бўлди. Картон - икки хил усулда тайёрланган.


1. Кўйма картон – қофоз ва картон қолдикларидан янги картон тайёрлашда учун уларни икки уч кун сувда ивитиб аралаштириш давомида оз-оздан үсімлик елими кўшиб борилган. Бўтқасифат кўринишига келгантiriлган қоришмани қолипга қўйиб, қуригач чиқариб олганлар. Картон қуригач сирти елим билан қоплаб жилоланган.

2. Картонни папье-маше усулида тайёрлашда: қофоз варакларини устма-уст ёпиштирилган. Бундай картон кўйма усулда тайёрланганига нисбатан сирти силлик бўлади. Тасвир ишлаб бўлингач картон мукованинг узок хизмат қилиши, жилоли кўриниши учун сирти 8 қавватгача лок билан қопланган.


Муковаларнинг корешок қисми доим кора, жигарранг, кизил шафъян ёки мұқова рангига уйғун теридан тайёрланган. Бизгача

⁴ А. Ю. Казиев Художественное оформление азарбайджанской рукописной книги XIII-XVI веков. Москва: Книга. 1977. 319 с.

етиб келган локли мукваларни таҳлил килиб, уларнинг безаклари турли-туман бўлганлигини кўриш мумкин. Китоб мукваларида ислимий нақш, гуллардан тузилган, гулдастага қўнган куш, ов, инсон ва табиат ёки адабий қаҳрамоннинг жасоратлари мавзусидаги тасвиirlарни кўриш мумкин.



11-расм. Теридан тайёрланган мукова наъмуналари



12-расм. Локли мукова наъмуналари

Қўлёзма китобларни тайёрлаш босқичлари

Мавзунинг ўкув максади

Қўлёзма китобни тайёрлаш босқичлари: турли касб эгалари-нинг иштироки, хаттот ашёлари; коғоз, сиёҳ, қамишқалам иш жараёнига тайёрлаш, хат турлари, наққош, мусаввир ашёлари, рангли бўёқ фойдаланган ранг турлари, олтин бўёкни тайёрлаш,

китобот санъатида ички сурат композицияларини ишлашда құлланылған түккіз шакл усули, китоб варакларини безашда андаза усули, мумтоз тасвиirlарнинг бугунги кундаги аҳамияти, китобда муқованинг аҳамияти уни тайёрлаш нинг мумтоз усуллари ашёлари ҳақидаги маълумотлар билан талабани таништириш.

Мавзу бүйіча саволлар

1. Құләзма китоб тайёрлашда кимлар иштирок этади?
2. Қандай хат турларини биласиз?
3. Китобни безашда қандай нақш турлари фойдаланилған?
4. Занжир безаги деганда нима назарда тутилади?
5. Құләзма китоб безашда қандай ранглардан фойдаланилған?
6. “Зафарнома” китоби нима ҳақда ким тамонидан ёзилған?
7. Китоб суратларини ишлашда құлланилған қандай усулларни биласиз?
8. Китоб безашда андаза усули деганда нимани тушундингиз?
9. Құләзма китоб суратлари бугунги кунда қандай аҳамиятта оға?
10. Китоб муқовасининг вазифаси ва безаклари ҳақида нималарни айта оласиз?
11. Құләзма китобларга чизилған тасвиirlарнинг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида қандай фикр билдира оласиз?

Мавзу бүйіча топшириқтар

1. Құләзма китобини яратында иштирок этган соҳа вакиллари ҳақида маълумотлар түплаш.
2. Құләзма китоби безаклари ҳақида маълумотлар түплаш.
3. Құләзма китоби безакларыда құлланилған ранларни үрганиш
4. Варап ҳошияси безак турлари ҳақида маълумотлар түплаш.
5. Китоб суратларыда ранглардан унумли фойдаланиш юзасидан мумтоз суратларни үрганиш.

II БОБ

2.1. Китоб босиши иши тарихи

Китобдан нусха олиш хаттотнинг узоқ вақт давом этувчи машақатли қўл меҳнатини талаб қиласди. Қиска вактда китобнинг кўп нусхасини тайёрлаш қадимдан ихтиорчиларни қизиктириб келарди чунки китоб босиши унинг нархини арzon бўлишига ўз навбатида жамиятдаги барча қатлам одамларининг саводхонлигига ошириш ахборот билан таништиришига имкон беради.

Ксилография

Қоғоз Хитойда ихтиро килингани сингари китоб босиши бўйича изланишлар ҳам шу ерда ва унга қўшни Кореяда олиб борилган. 1966 йили Кореянинг жанубий-шаркий кисмида кенглиги 5 узунлиги 50 см бўлган босма усул билан иероглиф ёзуви даги кичик ҳажмли қоғоз ўрами топилди. Бу бугунги кунгачан фанга маълум бўлган энг қадимги босма нашр бўлиб улар VIII асрда хитой тилида ёзилган буддийлик таълимотига оид матнлар эди.

Хитой, Корея, Япония халқлари ёзуви ҳарфлардан эмас балки “иероглиф” лардан иборат бўлган. Хитой ва Кореяда китоб матннининг кўплаб нусхасини ҳосил қилишда қаттиқ толали ёғоч тахтадан фойдаланишган. Тахта юзасига китоб сахифаси матннининг акс кўриниши туширилиб иероглифлар атрофи чукур ўйилиб бўртма қолип тайёрланган. Қолип сиртига сиёҳ суртиб сўнг қоғоз юзасига бостириб матн асл кўриниши қоғозга ўтказилаган. Бундай усуlda китобнинг фақат бир сахифасидаги матн босилиб, ҳар бир сахифаси учун алоҳида қолип тайёрланарди. 618–907 йиллар орасида ксилография усулида китоблар босилди. Ксилография усулидаги биринчи нашр варақлари 1900 йилда Дунхуан вилоятидаги “минг манаҳ ғори” да топилган. Хитойлик хунарманд Би-Шен (990–1051) инсоният тарихида биринчи бўлиб иероглиф литерларни сополдан тайёрлаб матн босишини ихтиро қилди.


Унинг ихтироси қуидагича кечган: ёпишкок лойдан ҳар бир иероглифни бир ўлчамда кесиб олиб оловда қиздириб сопол литерларга айлантирган.



13-расм. *Xасрда Хитойлик уста Ван Чи томонидан босилган матн ва тасвир. Британия қутубхонаси*

Металл пластина устини сосна дараҳт смоласи, воск ва қофоз кули билан қоплаб устига тўртбурчак металл рамкани кўйиб ичига сопол литерларни матн бўйича кетма-кет жойлаштирган. Тўртбурчак металл рамка тўлиб яхлит матнли блок ҳосил бўлгач олов устида тутиб турган. Смола ва воск эриб юмшган вактда литерлар устидан текис ясси тахтани бостириб сиртига бир текислик берган.

Бундай литерли блок билан бир неча юзлаб қоғозга матн босиш имкони бўлган. Матнда баъзи иероглифларни қайтарилиши мумкинлигини ҳисобга олган ихтирочи кўп ишлатиладиган иероглиф литерларни бир неча нусхада тайёрлаган.



14-расм. *Би Шен қолити. Ван Чжен ёғоч иероглифлари*

Би Шеннинг ихтиросини орадан иккиюз йил үтиб хитойлик Ван Чжень такомиллаштириб литерларини қаттик ёғочдан тайёрлаб матнни кўп нусхада босиша фойдаланди. Орадан бирюз эллик йил үтиб Хуа Суй китоб босиша литерларни бронзадан куйиб фойдаланишни ихтиро қилди.



15-расм. Қадимги Хитойда Van Чжен усулида китоб босиши

Европада китоб босиш

Китобни кўп нусхада босиш Европада XV асрнинг 40-йилларида германиялик Иоганн Гутенберг (1399–1468) томонидан механик босма машинани ихтиро қилишидан бошланган. Гутенберг литерларни қуиши, уларни териб, сиртига бўёқ суртиб механик пресс билан қозозга босиши қурилмасини ихтиро қилди. Унинг ўз ихтироси билан биринчи босган китоби насронийларнинг “Библия” китоби эди. Қисқа вақтда кўплаб нусхада китоб босиш усули тез орада бошқа Европа мамлакатларига тарқалди. 1464 йилда Римда биринчи китоб босиш станоги ўрнатилди.

1470 йилларга келиб Франция, Нидерландия, Швейцария, Испания ва Англияда китоблар босиб чиқарила бошланди. Венеция, Нюрнберг китоб босиш ишлари бўйича йирик марказга айланди. 1500 йилларга келиб Европанинг 250 шаҳрида китоб нашр қилиш босмахоналари фаолият кўрсатарди. Китобни оз


фурсатда кўплаб нашр қилиш китоб нархининг арzonлашиши сабаб аҳолининг барча табакаларига етиб боришига ва ўз навбатида Европа давлатларини барча соҳаларда олдинга чикиб олишига сабаб бўлди

1564 йил Россияда биринчи босма китоб («Апостол») босмадан чиқди.

Туркистонда босма усул билан китоб босиш Марказий Осиёнинг Россияга қўшиб олингандан кейин таркалди. 1868-йили Тошкентда Туркистон ҳарбий округи штабининг босмахонаси ташкил этилди. Шу босмахонада нашр этилган рус олими ва сайди Н.А. Северцовнинг “Чу ва Норин тизмалари этагидаги тогли ўлка тўғрисида лавҳалар” (рус тилида) китоби Туркистондаги илк босма китобдир. Ўзбек тилидаги биринчи босма китоб Шоҳимардон Иброҳимовнинг 1871 йили Хивада босилган “Календар”и хисобланади.

Офсет


Офсет босма усули немис ёзувчиси Иоган Алоиз Зенефельдер номи билан боғлиқ. Ўз пъесаларини ҳалқ орасида арzon ва кўп нусхада тарқалишини истаган драматургнинг типография хизматидан фойдаланишга пули йўқ эди. Ихтирочи мис пластиналар, рухли ликопчаларда ёзув ҳарфларини ўйиб синовлар олиб боради. 1796 йилда тасодиф рўй беради. Зенефельдер ўз кийимларини кир ювиш жойига юбориш учун рўйхат ёзиши керак эди. Бахти тасодиф туфайли қўл остида ёзув ашёлари коғоз ва перо бўлмайди.



16-расм. Иоганн Гутенбергнинг ихтироси, механик босма станоги

Вактни ўтказмаслик учун у олдида турган зольнхофен атамасидаги текис оҳактошга бўёқ билан ёзади. Кир ювиш масаласи ҳал бўлгач, у ёзувли тош сиртига азот кислотасини суртиб ишлов беради. Шу тасодиф сабабли янги офсет босма усули кашф

килинади. Зенефельдер бутун умри давомида ўз кашфиётини такомиллаштириб борди. Кашфиётчи чизмалари асосида прессли босма курилмаси яратилади. У тош пластиналарни айланувчи цилиндр билан алмаштириш йўлларини қидиради, лекин мос келадиган хом ашёни тополмайди. 1886 йилда Эдинбурглик ихтирочи Рудди Джонстон литография станогидаги текис тошни эгилувчан металдан ясалган айланувчи цилиндр билан алмаштириш оркали такомиллаштириди.



17-расм. Замонавий оффсет босма станоги

Замонавий нашр машинаси XX аср бошида бир-биридан бехабар американлик Айра Рубель ва немис Каспар Херрманн оффсет босма усулини бутунлай янги даражага кўтаришди.

Шундан бери тасвир маҳсус резина пластиналарига ўтказилиб босиладиган бўлди ва бу усул оркали тасвир аниқлиги, босма сифати ошиб, босмахона ишларига ротацион машиналари кириб келди. Шундан бери тасвир маҳсус резина пластиналарига ўтказилиб босиладиган бўлди.

Мавзунинг ўқув мақсади

Китоб нашри тарихи, Хитой, Кореяда Ксилография босма усулининг кашф қилиниши. Би Шен, Ван Чжень, Хуа Суйлар ихтиrolарининг афзаллиги, алмашувчи сопол, ёғоч, бронза литерлардан фойдаланиш. И.Гутенбергнинг китоб босиш механик станогини ихтиро қилиши ва унинг Европада давлатлариниг тарақкиётida тутган ўрни, Офсет босиш усулининг ихтироси. Туркисонда биринчи босма нашрлар ва ўзбек тилидаги биринчи босма нашр тарихи ҳақидаги маълумотларни талабага етказиш.

Мавзу бўйича саволлар

1. Китоб босиш иши деганда нима назарда тутилади?
2. Биринчи бўлиб китоб босиш қаерда ихтиро қилинган?
3. Би Шен нимани ихтиро қилди?
4. Ван Чжень, Хуа Суйларлар нимани ихтиро қилдилар?
5. Иоганн Гутенберг нимани ихтиро қилди?
6. Европа давлатларининг Шарқ давлатларига нисбатан ривожланиб кетиши сабаблари нимада деб биласиз?
7. Ўзбек тилидаги биринчи босма китоб ҳақида нималарни биласиз?
8. Китоб босишнинг Ксилография усули, деганда нимани англаймиз?
9. Офсет босма усулини ким ихтиро қилган?
10. ЮНЕСКО қандай ташкилот? Унинг тавсиясига кўра қандай нашрга китоб дейилади?

Мавзу бўйича топшириқлар

1. Бугунги кунда китоб босиш ишлари ҳақида маълумотлар тўплаш.
2. Тошибосма усулида китоб босиш ҳақида маълумотлар тўплаш.
3. Ксилография босма усулининг афзаллик ва камчилик томонларини ўрганиш.
4. Офсет босма усули ҳақида маълумотлар тўплаш.
5. Бугунги кунда мавжуд босма усуллари ҳақида маълумотлар тўплаш.

2.2. Китоб тузилиши

Китоб – маълумотларни саклаш ҳамда тарқатиш воситасидир. Xалқаро статистикада ЮНЕСКО тавсиясига кўра, хажмли З босма табоқдан ортиқ, 48 сахифадан кам бўлмаган босма нашр шартли равишда **китоб**, деб аталади. Унгача бўлган босма нашр брошюра ҳисобланади.

Ҳар бир китоб матн варакларини ҳимояловчи муқовадан бошлилади.

Муқова жилди (*Суперобложка*) – каттиқ муқова устидан кийим сингари ўраб олувчи, ечиладиган шартли мукова бўлиб, таркиби зич бўлган қофоздан тайёрланади.

Муқова (*обложка*) вараклар жамламасини ўраб турган оддий қалин қофоз бўлиб, сиртида муаллиф, китоб номи ва тасвир чоп этилади. Унинг вазифаси – варакли қисмини ҳимоялаш ва биринчи маълумотни бериш.

Қаттиқ муқова (*переплёт*) – асоси қаттиқ картон бўлиб, сиртига сунъий чарм ёки маҳсус майин рангли мато ёпиштирилади. Арzon нашрларда тасвир туширилган қофоз билан қопланади.

Форзац – қаттиқ муковани китоб вараклари билан бирлаштирувчи икки сахифали қофоздан иборат қисми. Асосан оқ ёки бир рангли қофоздан фойдаланилади. Баъзи китобларда форзац ҳам тасвир билан безатилади.

Китоб вараклари жамламаси – книжний блок деб аталади.

Китобнинг берк томони – корешок дейилади.

Китоб қутиси – футляр санъат йўналишидаги ёки бирор санаға бағишинган китоб нашрлари учун қўшимча картондан ясалган ҳимоя.

Сарварақ титул лист муаллифнинг исм-шарифи, китоб ва нашриёт номи, нашр йили ҳакидаги маълумотлар кўрсатиладиган сахифа.

Зарварақ – шмуцтитул дейилади.

Саррасм - фронтиспис – бадиий bezak тури, титул варагининг чап томонида иллюстрация сифатида бўлади.

Китоб мавзусига чизилган ички суратлар – **иллюстрация** дейилади.

а) Ички суратлар - **иллюстрация** – матннинг асосий воқеала-рига бағишилаб ишланадиган тасвир.

б) Икки вақағдаги тасвир - разворот – матнинг асосий воқеа-сига ишланади.

в) Ярим вақағдаги ички сурат *полуполосные иллюстрации* – иллюстрацияси. Булардан ташқари:

Янги боб бошида келадиган безак – *заставка*.

Боб охирида кўйиладиган яқунловчи безак – *концовка*.

Қаттиқ мукова сиртида бўрттириб туширилган ёзув, тасвир – *тистенение*.

Китобнинг **руҳи сарлавҳа** (*колонтитул*) ва **руҳи рақам** (*колонцифр*) лари ундан фойдаланиш ишини осонлаштиради.

Шунингдек, китобда *аннотация*, *мундарижса*, *муқаддима*, *хотима*, *шлова*, *изоҳ*, турли кўрсаткичлар, библиографик рўйхатлар ҳам бўлиши мумкин. Китоб саҳифасининг ҳажми унинг нашр бичими билан белгиланади.

2.3. Китоб иши

Китоблар қандай ўқувчилар оммасига мўжалланганлиги, максади ва мавзусига қараб турларга ажратилади. Китобхонларига кўра, оммабоп, мутахассислар учун ва болалар китоби бўлиши мумкин. Максадига кўра расмий, илмий, илмий-оммабоп, ўқув, адабий-бадиий, маълумотнома, реклама ва ҳоказо турларга бўлинади. Илмий китоблар ичидан монография кенг тарқалган. Ўқув китблари – дарслик, ўқув кўлланмаси, ўқув методик кўлланма ва бошқа турларга ажратилади. Маълумотномалар эса – энциклопедия, луғат, календарь, йўл кўрсаткичлар кабиларга бўлиниади.

Китоб иши китобни тайёрлаш, уни тарқатиш, сақлаш, тавсифлаш ва ўрганиш билан боғлиқ катта жараённи ўз ичига олади. Фан, адабиёт, санъат асарларидан матбаада кўпайтириш ва тарқатиш учун танлаш, уларга илмий ва бадиий нуктаи назардан ёндошиш, таҳrir килиш, бадиий безак, матбаа ижросини белгилаш ва нашрга тайёрлаш *ноширликнинг вазифаси*.

Китобни кўплаб чиқариш – китоб босиш иши *полиграфия* саноатида олиб борилади.

Китобларни тўплаш, саклаш, ўқувчилар ўртасида ташвиқот килиш, улардан китобхонлар фойдаланишлари учун кулай шароит яратиш *кутубхона* ишига киради.

Китоб ва бошқа босма асарлар хақида муайян мақсад билан ўкувчиларга маълумот-ахборот бериш ва уларни ташвиқот қилиш **библиографиянинг** вазифасидир.

2.4. Китоб ўлчами

Китоб нашри учун ишлатиладиган қоғозлар ишлаб чиқариш корхоналарида бир неча ўлчам кенғлигига ўрам (рулон) кўринишида чиқарилади. Сўнг қоғоз турли катта стандарт вараклар (лист): 60x 84, 60x90, 70x90 ва ҳоказо ўлчамларида кесилади. Бу ўлчамлардаги қоғозларни буқлаш натижасида китоб ўлчами ва вараклари сони ҳосил килинади.

Қоғоз вараги (мм)	Варак қисми	Шартли белги	Формат киркими (мм)	
			максимал	минимал
Китоб нашри				
600x900	1/8	60x90/8	220x290	205x275
840x1080	1/16	84x108/16	205x260	192x255
700x1000	1/16	70x100/16	170x240	158x230
700x900	1/16	70x90/16	170x215	155x210
600x900	1/16	60x90/16	145x215	132x205
600x840	1/16	60x84/16	145x200	130x195
840x1080	1/32	84x108/32	130x200	123x192
700x1000	1/32	70x100/32	120x162	112x158
750x900	1/32	75x90/32	107x177	100x170
700x900	1/32	70x90/32	107x165	100x155
600x840	1/32	60x84/32	100x140	95x130


Китоб вараги бир стандарт қоғознинг 8, 16, 32 қисимга бўлинишидан ҳосил бўлади. Яхшиrok тушуниш учун исталған китоб охиридаги маълумотлар варагини ўқиймиз.

Бичими 60x84 1-16 Босма табоги 69, 0 адади 2000 нусха.

Демак, китоб вараги 60x84 ўлчамидаги 1 дона катта қоғоз варакни 16 га букилишидан ҳосил килинган. Босма табоги 69, бир табок 16 бетдан иборат бўлса, бу китоб 552 бетни ташкил қиласиди. Адади ёки тиражи 2000 дегани босмахона бу китобни шунча нусхада чоп этган.

2.5. Китоб варағида матн ва ҳошия нисбати

Шарқ ва Европа давлатларида китобни матн мазмунига мос холда безатишга ва унинг эстетик кўринишига катта аҳамият берилган. Ўтмишда китоб усталари томонидан варақдаги матн кесми ва ҳошия ўлчамининг ўзаро мақбул кўринишини аниклаш юзасидан изланишлар олиб борилиб, эришилган натижалар сир сикланган. Типограф, дизайнер, ёзувчи ва муаллим Ян Чихолд (1902–1974) уларни аниклаш бўйича текширувлар ўtkазиб, Европа кўлёзма китобларида қўлланилган энг яхши усулларни асосини аниклай олди.




18-расм. Ян Чихолд усулида варақдаги матн ва ҳошия ўлчамларини аниклаш

Ўрта аср кўлёзма китобларидан бирида қўлланилган сирли ўлчамда варақ нисбатлари 2:3.

Ҳошия нисбатлари 1:1:2:3.


Ёзувга ажратилган майдон “Олтин кесим” нисбатида белгиланган.

Мисол тарикасида, Европада китоб нашрида узок вакт варақнинг эни ва бўйини тўккизта катакларга бўлиш ва голландиялик типограф Ван де Грааф канони асосида ёзув ва ҳошия ўлчамларининг ўзаро нисбатлари белгиланган.



19-расм. А) Варақ эни ва баландлыгини түккизта катакка бўлиши усули. Б) Ван де Грааф канони

Китоб вараги ўлчамларининг гармонияси сифатида Виллара де Оннекура (Villard de Honnecourt) чизмаси. Бу готик канонни ҳар қандай тўғрибурчакда қўллаш мумкин.



XIII асрда француз меъмори Виллар де Оннекур чизмаси чизилган альбоми бугунги кунда Париж миллий кутубхонасида сакланади.

Мусулмон давлатлари китоб тайёрлаш устахоналарида варакнинг таркибий қисми, ундаги тасвир, ёзув қисми ва ҳошия нисбатлари турли-туман қўринишларда ечим топган. Бир қарашда улар ихтиёрий тарзда белгилангандек қўрингсада, аслида аниқ мақсад ва ўлчам асосида тузилган.

2.6. Ўзбекистонда китобат санъати

Ўзбекистонда замонавий китоб безатиш XX асрнинг 20-30 йилларида шаклланди ва ривожланди. Аввалига рассомлар Усто Мўмин, М. Курзин, В. Рождественский, И. Икромов, В. Кайдалов, М. Рейх, В. Кедрин ижод қилишган бўлса, XX асрнинг охирги чорагида улар сафи кенгайиб бориб, Л. Абдуллаев, Ч. Ахмаров, К. Башаров, М. Кагаров, М. Содиков, Т. Мухаммедов, А. Гуломов, А. Мамажонов, А. Бобров, И. Кириакиди, В. Апухтин, А. Ли, Г. Ли А. Маҳкамов каби рассомларнинг келиб қўшилиши ўзбекистонда графика санъати турларини кенгайишини, мавзу жихатдан бойишини таъминлади.

Искандар Икромов (1904–1972) – график рассом. Тошкентда туғилган. 1925–1929 йилларда Санкт-Петербургда, Бадий академия қошидаги Бадий санъат техникумida таълим олди. Ўзбекистонда миллий китоб безаш санъати асосчиси. Юксак бадий дид эгаси, ўзбек амалий санъати билимдони, ўз ижодида лирик шеърият руҳини миллий нақшлар орқали кўрсатишда ўз касбнинг устаси эди. И. Икромов ўзбек ва жаҳон мумтоз адабиёти вакилларининг китобларини бадий безаб, миллий китоб безаш мактабига асос солди. Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейига бағишилаб нашр килинган “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин”, “Садди Искандарий”, “Хазойин ул-маоний” китобларини, шунингдек, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Лутфий, Мирзо Улугбек, Бобур каби илм-фан ва маданиятимизнинг буюк намояндалари китобларини шарқона усулда безаб, халқимиз китобат санъатига катта ҳисса қўшиди.



20-расм. И.Икромов асарларидан намуналар

Владимир Кайдалов (1907-1985) – рангтасвиричи, график рассом. Россияда туғилган. Ленинград шаҳри тасвирий санъат студиясида таҳсил олган. 1930 йилларда Ўзбекистонга кўчиб келиб, ксилография усулида Ўзбекистонлик ёзувчиларнинг романларига иллюстрациялар ишлаган. Ўзбек халқ эртак ва достонларини (“Алпомиш”) муваффакият билан безади. Алишер Навоийнинг янги талкиндаги портретини яратган.



20-расм. Владимир Кайдалов асарларидан намуналар

Чингиз Аҳмаров (1912–1995) – графикачи, рангтасвиричи, маҳобатли рангтасвир рассоми. 1912 йил Троицк шаҳрида туғилган. 1930 йилда Пермь Бадиий ўкув юртини, 1942 йили В.Суриков номидаги Москва давлат бадиий институтини, 1947 шу институт аспирантурасини тамомлаган. Ўзбекистонда 1930 йилдан ишлаган. Шарқ миниатюра санъати билимдони, ундан илҳом олиб ўз ижодини шакллантирган, куйловчи чизиклар устаси. Ижодий хаётида Навоий ғазаллари, тарихий, майший мавзуларга тасвирий санъатнинг маҳобатли рангтасвир, китоб графикаси йўналишларида асарлар яратган устоз мураббий.



22-расм. Чингиз Аҳмаров Ш. Рашидовнинг “Кашмир қўшиғи”
китоби иллюстрацияси

Қутлуг Башаров (1925–2004) – Ўзбекистон халқ рассоми, ака-
демик, профессор, график рассом. Қозогистоннинг Олмаота шах-
рида туғилган. 1956 йил П.Бенъков номидаги бадиий билим
юртини тамомлаган. Китоб ва дастгоҳли графика турларида сер-
маҳсул ижод қилган. Ш.Рашидовнинг “Кашмир қўшиғи”, “Нодира
газаллари” шеърий тўплами каби китобларни безаган. Узок йил-
лар “Медицина” нашриёти бош рассоми вазифасида ишлаган. Гра-
фиканинг линогравюра турининг йирик мутахассиси. “Ўзбек мил-
лий спорт ўйинлари” туркум асарларини линогравюра усулида
бажарган. Бир канча ўзбек ва хориж адабиёти вакиллари китоб-
ларини безаган.



23-расм. Кутлуг Башаров. А. Навоийнинг “Хамса”
достонига ишланган суратлар

Тельман Мухаммедов (1935–1976) – графикачи. 1934 йили Тошкентда туғилган. 1968 йилда А.Н.Островский номидаги Тошкент театр санъати ва рассомлик институтини тугаллаган. “Ёш гвардия”, F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, “Муштум” журнали билан кўп йиллар ижодий хамкорлик килган. Мумтоз миниатюра санъати, Табриз мактабининг композиция тузиш, ижро усулларини яхши ўрганди. У ўзбек халқининг миллий урф-одати, лиbosлари, характерли киёфаларини очиб беришни яхши билар эди. Ўзбек халқ эртаклари, Faфур Fуломнинг машхур “Шум бола” ва бошқа ёзувчиларнинг китобларини бе-затган. Асарлари енгил юмор, ранг гўзаллиги, чизиклар пластикаси, ўзининг бетакрорлиги билан ажralиб туради.



24-расм. Тельман Мухаммедов асарларидан намуналар. Баҳши эртак күйлайди. Ўзбек халқ эртакларига ишланган ишлюстрация

Абдубоқи Гуломов – 1949 йил Тошкент шахрида туғилган. 1972 йилда Тошкент Политехника институтининг меъморлик факультетини тамомлаган. “Фунча”, “Гулистон”, “Муштум” журналлари сахифаларига сурат чизиш орқали китоб графикаси санъатига кириб келди.



25-расм. Абдубоқи Гуломов. Афанди латифаларига ишланган суратлар

Ўзбек халқ эртаклари туркум китоблари, Худойберди Тұхта боевнинг "Сехрли қалпоқча", "Қасоскорнинг олтин боши" каби романларини үзига хос услугда бадий суратлар билан безаган. "Ёш гваардия", "Юлдузча", "Чұлпон" нашриётларида бош рассом бұлиб ишлаб, Ўзбекистон графика санъати ривожига катта ҳисса құшди. Ижоди давомида ўз дунёқараши, композиция ишлаш, ижро услубини шакллантира олди. Унинг "Афанди латифалари" китобига ишлаган суратлари адабий мавзу ва тасвир усулининг уйғунылыги, миллий юморга бойлиги билан сермақсул ижодида алохидә ажралиб туради.

Абдуқажхор Маҳкамов (1947–2008) – график рассом. 1966 йил П. Бенъков номли Республика рассомлик билим юртини, 1974 йил А.Н. Островский номли театр санъати ва рассомлик институтини тамомлаган. Республика ва чет әл графика санъати күргазмаларининг фаол қатнашчыси. Күплөб ўзбек ёзувчилари, "Буюк ипак йүли эртаклари", "Расмларда Ватан тарихи" каби китобларга иллюстрациялар ишлаган.



26-расм. *Абдуқажхор Маҳкамов* асарларидан намуналар

Мавзунинг ўқув мақсади

Китоб ташки тузилиши: муқова турлари; қаттиқ, юмшоқ мукова, корешок, бўртма безаклари, китоб кутиси, китоб ички кисми: форзац, титул-зарварак, сарварақлар иллюстрациялар; қўш варак, бутун варак, ярим варак безаклари, ҳошия безаклари, китоб форматларининг ташкил топиш ўлчамлари, китоб нашри, полиграфия, уни тарқатиш, сақлаш билан шуғулланадиган мутасадди ташкилотлар, сахифада ёзув майдони ва ҳошия ўлчами писбатларини аниқлаш усуллари, Ўзбекистонда китб безаш санъатига ўз хиссасини қўшган рассомлар ижоди ҳақидаги назарий билимларни талабага етказиш.

Мавзу бўйича саволлар

1. Китоб тузилиши қандай қисмлардан иборат?
2. Муқова жилди(суперобложка) нима?
3. Форзацнинг вазифаси нима?
4. Формати. 84x108. 1/16 бу ракамлар сизга нимани англаради?
5. Китобнинг қандай турларини биласиз?
6. Ян Чихолд усули деганда нимани тушунамиз?
7. Биринчи ўзбек китоб график рассоми ким?
8. Ўзбекистон халқ рассоми Кутлуғ Башаров асарларини айтиб беринг.
9. Тельман Муҳаммедов ижодининг ўзига хослиги нимада?
10. А. Маҳкамовнинг қайси ишлари Ўзбекистон китоб безаш санъатида янгилик бўлди?

Мавзу бўйича топширикчлар

1. Ўзбекистонда китобат санъати тарихи, ривожи ҳақида маълумотлар тўплаш.
2. Искандар Икромов хаёти ва ижоди билан танишиш.
3. К. Башаровнинг “Ўзбек миллий спорт ўйинлари” туркум асарларини ўрганиш.
4. А. Маҳкамовнинг “Расмларда Ватан тарихи” китоб суратлари ва матн боғликларини таҳлил қилиш.
5. Бугунги кун китоб безаш санъатида ижод қилаётган Ўзбекистонлик рассомлар ижоди ҳақида маълумотлар тўплаш.

III БОБ

3.1. Китобат санъатида композиция асослари

Китоб композицияси ҳақида фикр юритишдан олдин, композиция нима ва унинг асослари нималардан иборатлиги ҳақидаги билмлар билан танишиб чикиш “Китобат санъати” фанининг вазифаларини бажариш жараёнида амалий жиҳатдан фойдали бўлади.

Композиция – лотинча “composition” – “тузиш”, “жойлаштириш”, “ижод килиш” маъносини билдиради.

Мусаввир, ижодкор тасвир орқали айтмоқчи бўлган фикр, сезги, ғоянинг маълум бир сатҳ, ҳажмда жойлашуви композициядир. Композиция устида ишлаш асар ғояси туғилганидан бошлаб у тугаллангунча давом этади.

Композиция асослари ритм, симметрия, асимметрия, рапорт, статика, динамика, форма-шакл, тон-тус, контраст, ранг тушунчаларини қамраб олади.

Ритм – юононча “rheo” сўзидан олинган бўлиб, «оқаман» деган маънони англатади. Табиатда жараёнларнинг муайян вақт давомида тақрорланиб туриши, дарахт новдасида баргларнинг маълум бир оралиқда жойлашиши, тақрорланиши, юрагимизнинг бир маромда уриши бу ритм.

Рапорт – французча “rapoorter” сўзидан олинган бўлиб, “қайтариш”, “тақрорлаш” маъносини билдиради. Меъморчиликда девор сатҳини безашда, амалий санъатда гиламдўзлик, газмолга гул босиш, ганчкорлик, ёғоч ӯймакорлиги, нақошлиқда гирих, ислимий накшлар композициясини яратишида қўлланилади.

Тасвирий санъатда китоб безашда форзац қисмини тўлдириша фойдаланилади.

Статика – юононча “statke” сўзидан олинган бўлиб, “жисмларнинг оғирлиги ва мувозанати” ҳақидаги таълимот.

Динамика – юононча “dynamics” сўзидан олинган бўлиб, «куч», “харакат”, “тезлик” маъносини англатади. Ҳаётда бир жисмни бир нуқтадан юриши, силжиши, чопиши, югуриши,

учиши ва бошқа ҳолатлардан иккинчи нүктага қараб ҳаракат-данувчи күчгә динамика дейилади.

Динамика тасвирий санъатда композициянинг жонланиши, төбранишига ёрдам беради. Асадаги югураётган отлар бу динамика, тик ўсган дараҳт – статика. Тасвирий санъат асарида ҳар иккисидан унумли фойдаланиш уни бойитади.



27-расм. Динамикага асосланган қора-оқ, контраст усулидаги ишлар

Симметрия – tenglik, мутаносиблик.

Бирор шаклнинг марказидан бўлганда икки томон бир хилда тенг бўлса, бу *симметрия*. Тўлаконли ҳақиқий симметрияни геометрик шакллар: доира, эллипс, квадрат, тўғри тўртбурчак, учбурчак, олтибурчак, саккиз бурчак шаклларида кўриш мумкин. Табиатда биринчи қарашда симметрик кўринган барг, олма, инсон таниси, юзи симметрик кўринисада, аслида ундей эмас. Тасвирий санъатда асарнинг чап ўнг қисмларининг ўзаро мутаносиблигини ушлашда ёрдам беради.

Асимметрия – симметриянинг аксидир. Марказ ўқ чизигининг икки томон шаклини бир-бирига ўхшамаслиги. Тасвирий санъатда бетакрорликка эришишда қўл келади.

Контраст – қарама-қарши маъносида тушуниш мумкин. Шакллар ўлчамида: катта-кичик, йўғон-ингичка, рангда: кизилкўк, тусда: кора-окнинг ёнма-ён кўриниши. Тасвирий санъатда бирор-бир тасвири, шаклни, рангни бўрттириб кўрсатишда унинг ёнида аксидан фойдаланилади. Келин ёки қизнинг гўзал кўринишини бўрттириш лозим бўлса, унга якин жойда кампир тасвиридан фойдаланиш бу контрастга мисол бўла олади.

Тус – лотинча “tonos” сўзидан олинган бўлиб, “тўкариш”, “очариш” маъносини англатади. Ранг тўклиги, таркибида оқ рангнинг оз ёки кўплигига боғлик. Қаламда бажарилган ишларда қоранинг озлиги ёки кўплигини англатади.

Ранг – матн мавзусини турли ранглар орқали очиб бериш, варакга безакдорлик беришда катта аҳамиятга эга.

3.2. Китоб композицияси эскизини ишлаш усуllibари

Мумтоз китоб миниатюра композицияларида тасвирларнинг жойлашувига аҳамият берилса, кўп асарларда доира бўйлаб жойлашув усулини кўриш мумкин. Доира марказида бош қаҳрамон шоҳ тасвири бўлиб, колган инсон тасвирлари унга нисбатан доира бўйлаб жойлаштирилади. Бундай жойлашувда томошабин нигохи бош қаҳрамон тасвирига тушади ва унинг доимий дикқат марказида бўлади. Бу усулни ўрганиш, қўллаш орқали биз анъанавий композиция ишлаш билимларидан хабардор бўлишимиз, талабага вазифаларни бажариш орқали амалда кўллай олиши келгусидаги ижодий фаолиятида кўл келади.

Қоғоз сатхидаги графит қалам воситасида бадиий тасаввурнинг илк таассуротлари шартли шакллар билан тасвирланади. Бунда асосий бўлган инсон, жонивор қоматлари ва бошқа йирик шакллар аниқ кўринишда эмас, балки уларни бир оз эслатувчи шартли шакллар билан чизилади. Хомакида асосий мақсад – композиция фон қисми ҳамда тасвир шаклларининг ўзаро ўлчам нисбати ва ўрнини аниқлаш бўлади. Ўлчам катта-кичилгигини аниқ кўриш учун катта шакллар қалам билан бўялиб оқ фонга нисбати аниқланади. Композиция маркази сифатида сатхнинг ўртаси, чап ва ўнг томони, шунингдек, юқори ва паст қисмлари бўйича турли ҳолатлар бўлиши мумкин бўлган вариант сифатида эскизларда кўриб чиқилади.



28-расм. Миниатюра композициясида тасвирларнинг доира шаклида жойлашуви

3.3. Силуэт усули

Силуэт бирор-бир шаклнинг ёруғлик манбаига тескари туриши. У Хитойда қозғалыс даврларда пайдо бўлиб, бугунги кунгача ривожланиб келган тасвирий ва амалий санъат туридир.

XVIII асрда Франция қироли Людовик XV нинг молия ишлари вазири маркиз Этьен де Силуэтнинг яхши кўрган машғулоти уйига келган меҳмонлар портретини ён кўринишдан чизиб, кора рангда бўяш орқали ўзига ўхшашибликни бериш бўлган. Унинг ишлари кейинчалик профил портретлари музейига асос бўлди. Бу усулдан реклама, плакат, китоб безаш ишларида фойдаланилади.

Композиция эскизларини ишлашда биринчи усул – қалам билан чизилган тасвиirlарнинг фон кисми оқ қолган ҳолда, факат тасвир шакллари қора бўёқда бўялади.

Иккинчи усулда – тасвир шакллари оқ қолдирилиб, факт фон кисми бўялади. Бу усуллар фон ва тасвиirlарнинг ўзаро нисбатлари, катта кичиклигини аниклашда ёрдам беради. Силуэт усулида нафақат эскиз, балки якуний асар ҳам ишлаш мумкин.



29-расм. *Уй наррандалари ва йиরтқич қушлар тасвирининг силуэт усулидаги ижроси*



30-расм.

Отлар ва чавандоз ҳаракатларини усулида силуэт усулида тасвирлаш

Ўсимликлар дунёсини силуэт тасвирлашга мисоллар

3.4. Аппликация усули

Лотинча *applicatio* – “кўймок”, “ёпиштиrmок” маъносини билдириб, бирор-бир шаклни қофоз ёки матодан қирқиб олиб, бошқа рангли сатҳга ёпиштириш орқали тасвир, безак композициясини хосил қилиш. Бу усулда кисқа вақт ичida қофоз сатҳида тасвир-

ининг турли хил жойлашишини синаб, мухокама қилиш мумкин. Бу усулдан куйидагича фойдаланилади:

Оқ қофоз сатхидан калам билан композиция таркибида иштирок этувчи инсон, жонивор ва бошқа асосий образлар тасвири чизилгач, қайчи билан қирқиб олинади. Композиция ўлчами устида қирқиб олинган шакллар исталған тартиб ва кўринишда жойлаштириб чиқилади. Тасвир шаклларининг жойлашув ўрнини алмаштириб, турли кўринишлар орқали композиция ечимининг бир неча ҳолатларини қисқа вақтда синаб кўриш мумкин бўлади. Апликация усули катта ўлчамдаги бино, кўп инсон қомати, жонивор, паррандалар иштирокидаги мураккаб композицияларни ишлашда кўл келиб, вактни тежашга ўргатади. Фойдаланиладиган таг қоғознинг босик рангда бўлиши шаклларнинг аниқ кўришига ёрдам беради.

Ҳар бир мусаввирнинг композиция ишлаш усули турлича бўлиши мумкин. Муҳими якуний натижа бўлиб, ижодий, ўзига хос бетакрор, китобхон ва касбдошларига мақбул бўладиган бадиий композициянинг яратилиши.

3.5. Китобат санъатида компьютернинг график дастурларидан фойдаланиш

Мусаввирнинг фикрлаш, тасвир чизиш, рангларни сезиш, бадиий дид, мавзуга ижодий ёндашув, бир сўз билан айтганда, композиция ишлаш қобилиятини ҳеч бир замонавий техника ютуклари, машиналар билан бажариб бўлмайди. Шундай бўлсада, компьютернинг график дастурларида қайтарилувчи, кўп вақт талаб қилувчи бაъзи бир механик жараёнларда вақтни ва ашёларни тежаш, иш унумини ошириш мақсадида фойдаланиш буғунги кун давр талабидир.

Муқова, переплёт, титул вараги эскизларини ишлаш жараёнида ҳат турини танлаш, ўлчамини аниклаш, жойлаштириш рассом учун зерикарли, такрорланадиган ва кўп вақтни талаб қиласиган жараён. Уни соддалаштириш, қисқа вакт ичida кўп кўринишларни мухокама килиш, солиштириш, танлашда компьютернинг Corel DRAW дастуридан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун ракамли фотоаппарат билан хомаки эскиз кўриниши суратга олиниб,

компьютерга ўтказилади ва керакли дастурда очилади. Хат турларини танлаш, жойлаштириш, ўлчамларини ўзгартириш, фон рангларини танлаш, тусини очартириш ёки тўқлаштириш бўйича синовлар ўтказиш керакли асбоблар ёрдамида қиска вақтда бажариш имкониятини беради. Китоб иллюстрациялар хомакиларини ишлаш жараёнида тасвиirlар ўрнини алмаштириб, турли композиция кўринишлари, ранг синовлари, ҳошия қисмидаги фактура, накш безакларидан фойдаланишда турли-туман кўринишларни синааб кўриш каби мураккаб, кўп вақт ва меҳнат талаб қилувчи жараёнларда кўл келади.

Adobe Photoshop, Corel DRAW ва Adobe illustrator дастурларидан мақсадли фойдаланиш талабани замонавий билимларни эгаллашга, қадрли вақтни тежашга, ўз устида ишлашга, замон билан ҳамнафас бўлишга ўргатади.

3.6. Китобат санъати фанининг ўкув мақсади

Китобсевар халқимизнинг узок асрлар давомида шаклланган анъаналари қўлёзма китобларни тайёрлаш, зийнатлашда хизмат қилган ҳунарманд уста ижодкорлар колдирган маънавий мерослар ҳақидаги билимлардан ҳабардор килиш. Қўлёзма китобларни зийнатлашда композиция ишлаш усуллари, рангларлардан фойдаланиш, мумтоз тасвиirlарнинг бугунги кундаги аҳамияти, китоб босиши тарихи, китоб таркиби, варак ўлчамларини белгилаш, ноширлик иши, китобат композицияси асослари, фан вазифаларининг назарий қисми, эскиз ишлаш усуллари, эскиз ишлашда компьютернинг график дастурларидан мақсадли фойдаланиб изланишлар олиб бориш, вазифаларни амалий бажаришда кетма-кетлик асосида ишлаш, китоб муковаси, титули, форзац ва ички суратларни ишлашда мумтоз миниатюра усулларини ижодий қўллаб асл нусхани бугунги кун нашриёт, китоб бозори талабларига жавоб берадиган, мустақил фикрловчи, ўз қасбининг билимдени, соҳа бўйича тажрибасини ошириб борувчи, изланувчан, муаммоли вазиятларда энг мақбул йўлни танлай оладиган, юкори интеллект эгаси бўлган ижодкор мусаввирни тарбиялаш.

“Китобат санъати” фани уч ўкув йили давомида ўқитилади. Фан вазифалари оддийликдан мураккабликка қараб ўсиб боради.

Вазифалар Шарқ халқлари, ўзбек халқ эртаклари, достонлари, Алишер Навоийнинг “Хамса” асари ва бошқа мумтоз туркий, форс адабиёти номойандаларининг китобларини миниатюра санъати анъаналари асосида безашдан иборат бўлади. Юкори курсларда вазифалар давр нуктаи назаридан аста-секин XIX–XX аср ва бугунги кун адабиётимизнинг йирик вакиллари томонидан ёзилган роман, қисса, ҳикояларни безаш асосида қўникмалар мустаҳкамланиб малакалар шаклланади. Бундан мақсад талабада турли давр адабиётларини безаш жараённада бадиий матн билан яқиндан танишиш, асар ғоясини тасвир орқали китобхонга етказишнинг ижодий усусларини излашга ўргатиш.

Китоб безовчи рассомда қуидаги хислатлар жамланиши ва шаклланиши керак: адабиётни севиш, асар ғоясини илғаш, матн воқеаларини кўз олдига келтира олиш мавзуга мос композиция ишлаш, асар қаҳрамонлари образларини тасвир орқали очиш бериш, китобни бадиий безашда нашриёт, босмахона, савдо, китобхон талаблари, илғор давлатлардаги китоб безаш янгиликларидан доимий хабардорлик энг яхшиларини ўз фаолиятида ҳаётга тадбиқ этиш ўз малакасини доимий ошириб бориш ўзига талабчанлик каби хислатларга эга бўлиши керак.

Мавзунинг ўкув мақсади

Китобат санъатида композиция асослари муқоваси, зарварак, иллюстрация композицияларига хомакилар ишлашни осонлаштириш мақсадида қўлланиладиган силуэт, аппликация усусларидан талабани хабардор қилиш. Шу билан бирга, замон билан ҳамнафас ишлаш, вакт ва ашёларни тежаш, қисқа вактда турли кўринишларга эришиш, уларни мухокама қилиш, афзалини танлаш мақсадида компьютер график дастурларидан унумли ва меъёр билан фойдаланиш, китобат санъати фанининг ўкув мақсадлари юзасидан талабага зарур билимларни бериш.

Мавзу бўйича саволлар

1. Китоб композицияси, деганда нимани англаймиз?
2. Рапорт сўзи сизга нимани англатади?
3. Динамик композиция, деганда нимани англаш керак?
4. Силуэт, деганда сиз нимани тушунасиз?
5. Аппликация усули, деганимизда нимани англаймиз?

6. Ранг колорити деганда пимани тушунасиз?
7. Corel DRAW қандай дастур?
8. Adobe Photoshop қандай дастур?
9. “Китобат санъати” фани сизга нимани ўргатади?
10. Комьютернинг график дастурларидан қай бири китобни безашга мослашган?

Мавзу бўйича топшириқлар

1. Силуэт усулида бир инсон коматини ишлаш.
2. От, тия тасвирини силуэт усулида ишлаш машқларини ба жариш.
3. Мумтоз миниатюралардан доира бўйлаб курилган композицияларни ўрганиш.
4. Компьютернинг график дастурлари фарқини аниклаш ва ўрганиш.
5. Corel DRAW дастури билан танишиш.
6. Икки ва уч ўлчамлик асосида ишланган китоб суратларини таҳлил қилиш.
7. Бугунги кунда Ўзбекистонда нашр этилаётган китоблар бе загини таҳлил қилиш.

IV БОБ. ФАННИНГ АМАЛИЙ ВАЗИФАЛАРИ

4.1. Ўзбек халқ әртаги китобини безаш. Вазифанинг назарий қисми. Эртак ҳакида тушунча

Эртак халқ оғзаки поэтик ижодининг асосий жанрларидан бири; тўқима ва уйдирмага асосланган сехрли-саргузашт ва маиший характердаги эпик бадиий асар бўлиб, асосан, наср шаклида яратилган.

Эртак иборасини Ўзбекистондаги ҳамма вилоятлар ахолиси жуда яхши билсада, турли вилоятларда турлича аталган. Тошкентликлар “чўпчак”, “афсона”, фаргоналиклар “матал”, хоразмликлар “варсанки”, ўзбек ва тожик тилида сўзлашувчи ватандошларимиз “ушук” деб аташган. Булардан ташқари, жонли сўзлашувда баъзан, “утирик”, “тутал” атамалари хам учрайди.

Маҳмуд Кошгариј ўзининг “Девону луготи турк” асарида эртакларнинг “этук” тарзида ишлатилишини кўрсатиб ўтади. Эртаклар барча халқлар оғзаки ижодида бор бўлиб, унинг болалар ва катталар учун турлари бор. Катта ёшдаги китобхонлар орасида араб халқининг “1001 кеч” әртаги жуда машҳур. Халқ эртаклари гоявий мазмуни, бадиий хусусиятига кўра уч турга: ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар, ҳаётий эртаклар, фантастик эртакларга ажратилади. Тўғри танланган эртак орқали болалар тарбиясига ижобий таъсир ўtkазиш мумкин. Ўзбек эртакларида бош қаҳрамон ақлли, доно, топкир, кўркмас, меҳнатсевар, яқинларига меҳрибон, адолатли, содик дўст, оғир ҳолатларда бардошли, камтар каби умуминсоний ижобий ҳислатлар эгаси. Бундай қаҳрамон ҳақидаги эртакни ўқиган бола ўзида ҳам шу ҳислатлар бўлишини истайди ва унга интилади.

Мусаввир китоб матнига сурат ишлатганида бу ҳолатни эътиборга олиши ва бош қаҳрамон тасвирига алохида аҳамият берishi керак бўлади. Кўп, асосан фантастик эртаклар матнида шундай қаҳрамонлар борки, уларсиз эртак ўз хусусиятини ва жозибасини йўқотади. Ҳизр бува, пари, учар от, учар гилам, аждар, дев, ялмогиз кампир, гапирувчи жониворлар, сехргар,

Гайриоддий кучга эга паҳлавон каби эртакни бойитадиган, унга фантастик рух берадиган образлар шулар жумласидандир. Мавзу танлашда, китобни безашда уларнинг тасвиirlарини ишлаш талаба учун кизиқарли бўлади. Эртак китобини безаш рассом фантазиясининг кенгайиши, ўсиши, ривожланишига, ранглардан эркин фойдалана олишига ижобий таъсир этади. Вазифани тушунтириш ва ишлаш жараёнида мумтоз миниатюра асалари, китоб безовчи устоз ўзбек рассомларидан Тельман Мухаммедов, Абдубоки Гуломов, Абдуқаҳхор Маҳкамовларнинг нашрдан чиқкан китобларидан кўргазмали намуна сифатида фойдаланилади.



31-расм. А.Маҳкамов ва А.Гуломов безаган ўзбек халқ эртаклари китоб намуналари

4.2. Китоб макети

Китоб муқоваси, зарварақ ва икки ички сурат (иллюстрация) ишлаши

Ўлчам А-4 форматида Ашёлар: қоғоз, қалам, сувли бўёқ турлари

Талабанинг вазифаларни бажаришга киришиши – эртак матнини ўқиши, ундаги энг кизиқарли бир неча воқеаларни мукова, икки суратлар ишлаш учун мавзу сифатида танлаб, вазифанинг умумий режасини тузишдан бошланади.

А-4 ўлчамидаги қоғоздан эртак матнининг катта-кичиклигига караб ўн ёки ўн иккита варагини олиб, уларни ўртасидан букиб, ип ёки степлер ёрдамида бирлаштириб, китобнинг содда кўришишдаги макети ясалади.

Бу содда макет бизга якуний максад ва вазифаларнинг жойлашув ўрнини эслатиб туради. Макетнинг биринчи вараги – китоб муковаси, унинг орқаси – форзац, учинчи бет – зарварак хисобланади. Мукова варагида китоб номи ва тасвир жойининг тахминий ўлчами чизилади. Зарварак тепа қисмида муаллиф номи ёки ўзбек халқ эртаги сўзи, ундан пастда йирик ҳарфларда эртак номи ёзилади. Варак ўртасида эртак мазмунига мос йигма маънодаги тасвир жойи белгиланади, пастки қисмда нашриёт номи ва нашр йили ёзуви ва ракамлари жойлашуви белгиланади.

Биринчи ички суратгача бўлган матн варакларида матн ўрни ва ҳошия чизгич ва қалам ёрдамида ажратилади. Ички сурат бериладиган варакда воқеа номини ёзиш ёки биринчи тасаввурдаги композициянинг жойлашувини қалам чизгилари орқали белгилаб олинади. Биринчи ва иккинчи ички сурат оралигидаги матнларга бир неча бўш варак колдирган ҳолда кейинги сурат ўрнини ҳам олдингиси сингари белгилаб олинади. Қўлимиздаги бу қўлбola китоб макети бизнинг амалий иш режамиз хисобланади. Хомакилар ишлаш жараёни алоҳида А4 ўлчамидаги қоғоз сатҳларида олиб борилади. Талабалар вазифаларни бажаришда хомаки ишлаш жараёнини кўп холларда ўзларига кулай, қизиқали бўлган ички сурат хомакиларини ишлашдан бошлайдилар. Биз тартиб асосида китоб бош қисми мукова вазифасидан бошлаб кўриб чиқамиз.

Мукова учун эртак матнидаги асосий воқеага ёки бутун эртак мазмунини очиб берадиган йигма сурат ишланиши мумкин. Талаба мукова ишлашда тасвирсиз нақшинкор безак, бадиий хуснихат ёрдамида китоб номини ёзиш билан чегараланиши ҳам мумкин.

4.3. Эртак китобига мукова ишлаш

Мукова вазифаси – қаламда, рангда хомаки ишлаш ва ҳақиқий ўлчамда асл кўринишни ишлаш каби жараёнларни ўз ичига олади.

Ҳар қандай китоб муковасида булиши шарт бўлган қиси борки, бу ҳарфлар ёрдамида ёзиладиган китоб номи. У турлича:

қисқа ёки бир неча сўзлар йиғиндисидан иборат бўлади. Демак, муқова хомакисини ишлашда биз бу ҳақда доим ўйлашимиз керак. Эртак номи алоҳида ажратиб ёзилиши ёки тасвир устидан ёзилиши мумкин. Ҳар икки ҳолда унинг аниқ ўқилишига эътибор берилади. Баъзи китоблар икки тилда нашр килиниши нашриёт томонидан режалашибилади. Бу ҳолда ҳам ҳар икки тилда ёзиладиган ёзувларнинг аниқ ўқилиши жуда муҳимдир. Рассом Абдукахҳор Маҳкамов томонидан безатилган “Буюк ипак йўли эртаклари” китобини бунга мисол қилиб келтирсанг бўлади.

Муқова хомакисини ишлашда китоб муқовасининг шакл нисбатлари сақланган ҳолда, бир неча бор кичиклашибилган шакллар чизилади. Графит қалам воситасида муқованинг умумкўриниши ҳакидаги биринчи таассуротлар тасвиранади. Бу жараён муқова композицияси, деб аталади.

Хомакилар чизишда муқова ёзуби ва тасвир ўлчамлари, уларнинг турли-туман бўлишига харакат қилинади. Муқова композициясини ишлашда олдин қаламда ёзув ва тасвирининг ўзаро ўлчамларини аниқлаш бўйича изланишлар олиб борилади. Бунда силуэт усулидан фойдаланиш мумкин. Оқ қоғозда тасвир чизилиб, ёзув қисми ён томонга чўзилган тўртбурчак шаклда белгиланади, сўнгра улар қора ёки тўқ тусдаги бирор ранг билан текис, доғсиз қилиб бўялади. Натижада биз оқ фонда аниқ ажралган ёзув ва тасвир ўрнини, уларнинг муқова варафига ва ўзаро нисбатларини таққослашимиз мумкин бўлади.

Иккинчи қоғозда шу жараён акс кўринишда: ёзув ва тасвир шаклида оқ қоғозни сақлаб қолган ҳолда фон бўялади. Бу усул кўпроқ вақтни талаб килсада, талабада сабр билан ишлаш, рангларда доғсиз бўяш хислатларини тарбиялади. Чизилган барча хомакилардан ўқитувчи ва талабанинг ўзаро муҳокамаси орқали композицион жиҳатдан қизиқарли кўринишдаги, истиқболлиги бўлган ва ўзаро фарқ килувчи иккитаси танлаб олинади. Бунда бадиийлик, ўзига хослик китобхон, ўкувчи ва савдо талаблари инобатга олинади.

Кейинги вазифа танланган хомакилар устида чукурроқ ишлаш, аниқликлар киритиш орқали давом эттирилади. Қоғоз сатҳида иккита бир хил муқова шаклининг икки баробар кичиклашибилган кўриниши аниқ ўлчамда чизгич ёрдамида чизилади. Ҳар икки шаклга танланган хомакиларнинг композицион жойла-

шуви, ёзувлари, инсон қомати ва жонивор тасвири имкон қадар диккат билан чизилади. Қаламда чизгиларнинг аниқлик билан бажарилиши кейинги ранглаш босқичида вазифани осонлаштиради. Вазифа талабада халқ эртаклари китоби муқовасининг кўринишини хомакилар ишлаш орқали аниқлаш бўйича тажриба ҳосил килади.

Хомакиларни рангда ишлаш. Бозор эртак китоби муқовасининг ёркин, очиқ рангларда ишланишини, харидоргир бўлишини талаб қиласда, ўкув вазифасида бадиийлик асосида ранг танлаш ва уларнинг уйғунлигига эътибор берилади. Муқова композициясининг ранг ечимини топиш муҳим жараён ҳисобланади.

Хроматик ранглар ёрдамида бир-бирини такрорламайдиган совук ва иссиқ ранг устиворлигига хомакилар ишлаш мақсад килиб қўйилади. Сувли бўёклардан акварель, гуашь, темпера ёки уларнинг аралашмаси ҳамда юмшоқ олмахон, колонок, пони номли мўйкаламлардан фойдаланилади.

Ранглаш, мусаввирлар сўзи билан айтганда *турлаш* жараёни олдин катта ҳажмли шаклларни, сўнгра ўрта ва кичик шаклларни бўяш орқали бажарилади. Китоб номи ёзилган ҳарфларнинг ранглари, ўлчами ва тасвир ўлчами мутаносиблигини топиш муқованинг бадиий кўринишида катта аҳамиятга эга. Ҳарфлар шаклининг катта бўлиши тасвирнинг кўримсиз бўлишига, аксинча кичик ёзилиши китоб номини ўқиши кийинлаштиради. Муқова хомакисида китоб номини ёзиш учун ҳарф турини тўғри танлаш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбек халқ эртаклари мавзусидаги китоб муқоваси учун мақбул хат тури бу араб алифбоси асосидаги эски ўзбек ёзуви усулида кирилл ёки лотин ҳарфида ёзиш яхши натижга бериши тажрибалардан маълум. Муқова хомакисининг рангдаги ечимини кидириш жараёнида китоб савдоси талабларини эътиборда тутиш бугунги кун бозор иктисодиёти талаблари сифатида рассом вазифасига киради. Китоб муқовасининг кўриниши бадиий эстетик талаблардан ташқари, харидорни жалб килувчи шаклга эга бўлиши китоб савдосида катта аҳамиятга эга. Муқовада хат ёзувларини танлаш, ўрни, ўлчами, ранг туслари устида кидирувлар олиб бориш, турли-туман синовларни амалга оширишда компьютер график дастурларидан фойдаланиш мумкин. График дастурлар ракамли суратларга ишлов бериш, китоб, буклет, календарь, реклама маҳсулотларини босма нашрга

тайёрлашга хизмат килади. Хомакилар ишлаш жараёнида талаба ўз ишини рақамли фотоаппарат ёрдамида суратга олиб, уни компьютерга киритиб, керакли дастурда очиб мақсадли ишлов беради.

Муқова, зарварап хомакиларини ишлашда компьютернинг график дастурларидан Corel DRAW дастурида изланиш жараёнини тезлаштириш мақсадида фойдаланиш мумкин. Дастурдаги “Т” ёки “А” ускунаси ёрдамида ёзув турлари, шакли, ўлчами танланади. Баъзи рангларни алмаштириш, тусини ошириш ёки пасайтириш, кичик ўзгаришлар киритиш бўйича синовлар ўтказиша дастурнинг “заливка”, “штамп”, “кист” ва бошка ускуналаридан фойдаланилади.

4.4. Муқованинг асл кўринишини ишлаш

Ўқитувчи ва талаба муҳокамасида рангда ишланган хомакиларнинг ютуқ ва камчиликлари кўриб чиқилади. Чиқарилган хулосаларни инобатга олиб, асл кўринишини бажаришга киришилади. Вазифани бажариш учун сифатли қозоғ тортилган планшет, графит қалам, сувли бўёклардан фойдаланилади. Бир ватман қоғози тортилган планшет фан бўйича барча амалий вазифаларни бажариш учун етарлидир. Китоб муқовасининг асл кўринишининг ўлчами чизгич ва қалам ёрдамида чизилади. Тасвир ва ёзув ўрни белгиланиб, иш жараёнига киришилади. Танланган хат турида эртак номи ёзилади. Тасвир кисми ҳам мумкин қадар аниқлиқда чизилади. Инсон юз қисмларини чизиш ёки чизмаслик қайси бўёқ туридан фойдаланишга boglik. Агар акварель бўёғи воситасида ишлаш режалаштирилган бўлса, унда юз қисмидаги кўз, бурун, оғиз, қулок кабилар қаттиқ қалам билан аниқ қилиб чизилади. Бунга сабаб бўёқнинг шаффофлик хусусиятидир. Чизилган юз қисмининг устидан тана ранги билан яхлит бўялганида ҳам ранг остидан қалам чизгилари кўриниб туради. Гуашь, темпера бўёклари қуюқ ва ок ранг билан аралаштириб ишлашга мўлжалланганлиги учун улардан фойдаланганда қалам чизгилари бўёқ остида кўринмайди. Шу сабабли бу бўёклар воситасида ишлаганда майда қисмларни қалам чизгиларида тасвирлашга зарурат қолмайди. Муқовадаги ранглаш жараёни якунлангандан

сүнг якуний қисм *сиёхқалам* чизиш амали бажарилади. Бунда 1 ва 2-рақамли олмахон, колонок туркумидаги мўйқаламлар кўл келади. Барча тасвиirlар ташки томондан ўз рангидан бир оз тўк бўлган рангли нозик чизиклар билан ўраб чиқилади. Инсон юз қисмлари, либос безаклари ва бошқа майда жисмлар, бўялган шакллар устидан мўйқалам ёрдамида ишлов берилади, бу жараён ижроидан тажриба ҳамда маҳоратни талаб килади. Масъулиятли бўлмиш юз қисмларини ишлашдан олдин алоҳида когоз сатҳида машқлар қилиш талабада асл нусхани ишлашда ўзига ишонч руҳини шакллантиради. Аслида бу жараён якунловчи ҳисобланади. Ёзув қисми ҳам шу тариқа якунланади. Вазифа талабада халқ эртаклари китоби муковасининг якуний кўринишини ишлаш бўйича тажриба ҳосил қиласи ва кўникмаларни шакллантиради.

4.5. Эртак китобига сарварақ ишлаш

Бу вазифа ўзига хос бўлиб, уни ички муқова, деб атасак ҳам бўлади. Унда асосий мақсад ўқувчига ёзув орқали қўшимча асосий маълумотларни етқазиши бўлгани учун китобхон дикқатини тортадиган муроаккаб суратлар чизилмайди. Муаллиф исму шарифи, китоб, нашриёт, шаҳар номи ва йил санаси ҳакидаги маълумотлар кабул қилинган тартиб асосида кўрсатилади. Шу билан бирга, рамзий ёки эртак мавзусига мос кичик ўлчамда тасвир, нақшинкор безак кўрсатилиши мумкин. Варагдаги китоб номи бошқа маълумотларга нисбатан муҳим бўлгани ва ўқувчи дикқатини унга тортиш мақсадида каттароқ ўлчамда ёзилади. Хомаки силуэт усулида ахроматик ранглардан фойдаланиб ишланади. Китобларда зарварак, асосан оқ қогоз сатҳида ишланади. Лекин ўқувчи ёшини инобатга олиб, унда енгил ранглардан фойдаланиб ишлашимиз мумкин. Зарваракка миллийлик, жозибали кўринишни бериш мақсадида унинг ҳошия қисмидаги билан содда нақш тури ишлатилиши мумкин. Бунда “Ашёларда ишлаш” фанидаги ислимиий нақшлардан нусха олиш вазифасини бажаришда орттирилган тажрибаларга суюнилади. Хат турини танлашда муқовада ишлатилган ёзувлардан фойдаланилади. Хомаки устидаги ишлаш жараёнида хат тури, ўлчами, ўзаро нисбатларини аниқлашда, ҳошия нақшини танлашда замон билан ҳамнафас ишлашни

Үрганиш мақсадида компьютернинг график дастурларидан Corel DRAW дастуридан фойдаланиш мумкин. Чизилган барча хомакилар жамланиб, танқидий муҳокама килиш орқали бир ёки бир нечтаси танланиб, уларнинг ижобий жиҳатлари бир хомакида жамланади ва асл нусха учун асос килиб олинади.



32-расм. Зарварак ишилаш тлаба шин мисолида

Когоз сатҳида китоб варагининг ўлчами чизилгач, ёзув ва тасвир, ҳошия нақши графит қаламда аввал енгил чизиқлар билан чизилади. Иш давомида йўл қўйилган камчиликлар бартараф қилингач, чизиклар тўкрок кўриниш ва аниқликда чизилади. Сувли бўёқ воситасида иш жараёни давом эттирилади. Аввал ҳошия кисмидаги катта шакллар, сўнг уларни боғловчи новда ва барглар ишланади. Кейинги вазифа хат турини ёзиш ва тасвир қисмини ишлаш орқали якунланади. Ёзув, тасвир, нақшлар бир ранг воситасида бажарилади. Зарварак, асосан оқ когозда бажарилишини инобатга олиб, хатога йўл қўйилмасликка эътибор берилади. Чунки ҳар қандай тузатиш оқ қоғоз сатҳида доф ҳосил килади ва бу ҳолат босмахона талабларига жавоб бермайди. Бугунги кунда бундай камчиликларни компьютернинг график дастурларида осон бартараф килиш имконияти бор бўлсада, талабада мутахассислик сифатларини шакллантириш мақсадида уларга йўл қўймасликка интилиш вазифаси мақсад қилиб қўйилади. Вазифа талабада халқ эртаклари китоби учун зарварак ишлаш, уни безатиш юзасидан билимини орттиради ва амалий тажрибасининг шаклланишига ёрдам беради.



33-расм. Мумтоз миниатюра асарларида дев ва пари сурати

Мавзунинг ўкув мақсади

Талабада эртак матнини ўкиш давомида асосий воқеаларни мавзу сифатида ажратиб олиш, матн вokesини кўз олдига келтириш, муқова хомакисини ишлаш, муқовада хат турини танлаш, муқовада бош қаҳрамон тасвири ёки йигма тасвир ишлаш, зарварақда хат турини танлаш, унга рамзий тасвир ишлаш, якунлаш бўйича назарий тушунчаларни амалий кўникмага айлантириш мақсад қилиб қўйилади.

Мавзуга доир топширикчлар

1. Ўзбек ва қардош ҳалклар эртакларини ўкиш.
2. Эртак воқеасидаги асосий воқеаларни белгилаб олиш.
3. Мавзудаги фантастик қиёфаларни аниқлаш.
4. Мумтоз миниатюра асарларидан мос фантастик қиёфаларни топиш.
5. Муқова учун тасвиirlар ишлаш.
6. Содда бир рангли накшлардан нусха олиш.

7. Лотин алифбоси ҳарфларини араб алифбоси усулида ёзиши ны үрганиш.

8. Компьютернинг Corel DRAW дастурида зарварак ёзувларини ёзиш.

Назорат учун саволлар

1. Эртак бошқа адабиёт турларидан нимаси билан фарқ килади?

2. Вилоятларда эртакка нисбатан қандай атамалар ишлатилиди?

3. Эртак китоби муковасида қандай маълумотлар берилади?

4. Зарваракда қандай маълумотлар кўрсатилади?

5. Муқова қандай рангларда (ахроматик, хроматик) бажарилгани маъқул?

6. Эртак китобларини безаган рассомлардан кимларни биласиз?

7. Муқова ва қаттиқ муқова (переплёт) нинг фарқини айта оласизми?

8. Ўзингиз ёқтирган эртаклардан нечтасини айта оласиз?

9. Катта ўшдагилар учун эртак борми, номини айта оласизми?

10. Компьютер график дастурларидан қайсилари китоб ишлашга мослашган?

4.6. Эртак китобига иллюстрациялар ишлаш

Иллюстрация хомакисини ишлашга киришишдан олдин эртак мазмунни билан қайта танишиб чикиш керак бўлади. Матндан асосий воқеаларининг бурилиш нукталари, бош қаҳрамоннинг жасорати каби ўкувчи хотирасида сақланиб қоладиган воқеалар мавзу сифатида қабул қилиниши мақсаддага мувофиқ бўлади.

Иллюстрация учун уч ёки тўрт мавзу танланади. Бунга сабаб хомакилар ишлаш жараёни турлича кечади, баъзида қизикарли бўлган мавзуга композиция ишлаш қийин кечади, бадиийлик жиҳатидан кутилган натижа бермайди. Шундай ҳолатларни эътиборга олиб, заҳира сифатида қўшимча мавзулар устида ҳам ишалиб борилади.

Хомаки ишлаш жараёни аввал кичик ўлчамларда юмшок графит каламлари ёрдамида чизилади. Бунда матн воқеаларига тасвир

ишлиш, асосий тояни очиш, варақ сатхида қизиқарли жойлаштириш, композициянинг умумий кўриниши, ундаги катта-кичик, ўртача шаклларнинг ўзаро нисбати, ўрнини аниклаш максад қилиб кўйилади. Амалий маслаҳат сифатида қуидагиларни мисол қилиш мумкин:

Китоб варагининг кичиклаштирилган ўлчамини чизилади. Сўнг марказдан вертикал ва горизонтал чизиклар ўтказиб, шаклни тўрт қисмга бўлинади. Бу бизга чап ва ўнг томон қисмларида тасвирларни тарози палласи сингари тенг жойлаштиришга ёрдам беради.

Мавзудан келиб чиқиб *симметрия, асимметрия* ҳолатларини инобатга олиб, бир мавзуга ўнлаб хомакилар ишиш мумкин. Восеанинг каерда бўлиши (тоғда, боғда, чўлда, бино ичида, ташкарисида), тасвирланадиган инсон қоматлари, жониворлар жойлашиш ўрни хомаки ишиш жараёнида аниклаб олинади.

Қаламда чизилган хомакиларни ўқитувчи ва талаба биргаликда муҳокама килинади ва ўзаро таққосланади. Ҳамфирликда афзал томонлари бўлган бир неча хомакилар танлаб олинниб, улар устида иш жараёни давом эттирилади. Вазифа килиб – хомакида шартли шакллар, энди инсон, жонивор, дарахт, бино тасвирига айлантиришда динамик, статик, ритм ҳолатларига аҳамият берилади. Варакда *силуэт* усулида фон, тасвирларнинг ўзаро ўлчам нисбатлари аникланади.

Аппликация усулида ҳам иллюстрация композицияси бўйича изланишлар қуидаги кўринишда олиб борилади:

Инсон, жонивор ва бошқа йирик тасвирлар шакли оқ қозоғ сатхида чизилиб, кайчи билан кесиб олинади. Варақ шаклида ҳошия қисми белгилаб олингандан сўнг, композиция майдонида киркиб олинган шакллар жойлаштирилади ва истаганча улар ўрни ўзгартирилиб, янги кўринишларни таҳлил қилиш мумкин бўлади. Шу билан бирга, акварель, гуашь бўёклари ёки улар омихтасида юмшоқ мўйкамаламлардан фойдаланиб рангли хомакилар ишланиши максадга мувофик бўлади. Рангда хомакилар ишишда аввал катта шаклларнинг ўзаро ранг нисбатларини топиш лозим бўлиб, улар ер, осмон, бино, дарахт, бош қаҳрамон, инсонлар гурухи, жониворлар нисбатлариридир. Рангли хомакилар бирор-бир ранг устуворлигига ёки қарама-карши ранглар, туслар кўринишида бўлиши мумкин.

Ранг муносабатларини танлаш бу талабанинг ранг сезиш, кўриш қобилиятига ва композиция мавзусига боғлиқ бўлади. Шу сабабли бу жараёнда ўнлаб хомакилар ишлашга тўғри келади. Хомакиларни кўп ишлаш талабада матн билан боғлиқ композициялар ишлаш бўйича билимларини ошириш ва кўнишка ҳосил қилишда катта аҳамиятга эга. Китоб матнiga сурат хомакиларини ишлашда *силуэт, аппликация* усулларидан фойдаланиш бўйича илк тажрибаларни эгаллади. Шаклларни дөгсиз текис бўяш талабани сабр билан ишлашга, озодаликка, интизомга ўргатади.

Вазифани бажариш жараёни китоб варагининг ҳақиқий ўлчамида асл кўрининини чизиш ва ҳошия қисмини ажратишдан бошланади. Композиция тасвири графит қалам билан аввал катта шакллар, сўнг ўрта ва кичик шакллар мумкин кадар аниқликда чизиб чиқилади. Инсон юз тасвирларида қисмларни чизиш танланган бўёқ турига боғликлиги юкорида айтилди.

Қалам тасвир иши якунлангач, рангда иш жараёнига киришилади. Тасвирнинг орқа қисмлари хомакида белгиланган ранг билан икки маротаба бўяб, дөгсиз ҳолатга эришгач, инсон, жонивор ва бошқа унсурлар бўялади. Турлашда бўёқнинг суюқ булиши рангни текис дөгсиз бўяшда мураккабликлар тугдиради. Бўёқ қаймоксифат куюклида булиши текис дөгсиз кўринишга эришишда кўл келади. Композициянинг барча қисмлари сифатли бўялгач, сиёҳқалам жараёнига ўтилади.

Тасвирдаги барча қисмлар тоғлар, дараҳт, жонивор, инсон қомати, булут, ўсимлик дунёси ўз рангидан бир оз тўқроқ бўлган ранг билан нозик чизиклар орқали ўраб чиқилади. Инсон юз қисмини ранглашда унинг ижобий ёки салбий қаҳрамонлик жиҳатларини кўрсатиш имконияти бўлиб, бунда салбий хислатлиги совуқ ранг қўшимчасида, тус жиҳатдан тўқроқ, ижобий қаҳрамон унга тескари равища илик, ёқимли рангда бўяш орқали кўрсатиш яхши натижа беради. Шунингдек, салбий ёки ижобий қаҳрамонларнинг кийимларини ишлашда ҳам совуқ, илик ранглар орқали ҳал қилиш мумкин.

Эртакга ўзига хослик берувчи фантастик, файриоддий образлар борки, улар китоб сурати композициясини бойитади. Семурғ куш, қанотли от, пари, аждар, дев, ёсуман кампир кабилар шулар жумласидан.



Oshob xalq erigkeit
Kambagalning qiri



Erkinay ushiglig
Tazheran - 2002 yil



34-расм. *Мүкова ва сарварақ ишлари*



35-расм. Қаламда, оқ-қора, қора-оқ усулида ва рангли хомакилар иши босқичи



36-расм. Асл үлчамда катта шакллардан бошлаб ранглаши босқичи



37-расм. Сиёхқалам иши билан вазифаны якунлаш

Ҳаётда учрамайдиган бу ёки ижобий салбий қаҳрамонлар тасвирини ишлашда кўп изланиш, турди-туман кўринишдаги хомакилар ишлаш ва мос ижро услубини топишга тўғри келади. Мумтоз миниатюра асарларидағи баъзи ушбу жониворлар тасвиirlарини кузатиш, нусха олиш орқали илк тажрибалар орттирилади. Ўқитувчининг оғзаки, амалий маслаҳатлари талаба фантазиясини ортишига ёрдам беради.

Вазифа бўйича китобга икки сурат ишлаш уларнинг композиция тузилиши, ранглари турлича бўлишига қарамай, ижро усули ва жараён үхашаш кечади. Иллюстрацияда тасвир қисмини ҳошия қисмидан ажратиб турувчи вертикал ва горизонтал чизикларни мўйқалам ёки ресфедер воситасида чизиш билан якунланади. Ички суратларни ишлашни якунлаш жараёнида “Ашёларда ишлаш”, “Миниатюра композицияси” фанларидан олинган амалий тажрибалар қўл келади. Вазифа талабада халқ эртаклари мавзусида матн воқеаларига тасвиirlар ишлаш юзасидан билимини орттиради ва амалий тажрибанинг шаклланишига ёрдам беради.

Мавзуга доир топшириклар

1. Мавзуга кўшимча иллюстрация ишлаш.
2. Аппликация усулида машқлар ва синовлар ўтказиш.
3. Либосларда қўлланиладиган безак турларини аниклаш.
4. Инсон қоматларини алоҳида қоғозда турли кўринишда ишлаш.
5. Бош қаҳрамон тасвирини турли кўринишларда силуэт усулида ишлаш.
6. Бош қаҳрамон турли кўринишлардаги тасвирини рангда ишлаш.
7. Салбий ёки ижобий қаҳрамон образини рангда ишлашни ўрганиш.
8. Corel DRAW дастурида фон рангларини ўзгартириш.

Назорат учун саволлар

1. Аппликация усулининг афзал томонлари нимада?
2. Силуэт усулининг ўзига хос томонлари нимада?
3. Иллюстрацияда асар мазмунини очишда рангларнинг ахамияти борми?

4. Corel DRAW дастуридаги “пипетка” асбоби нима вазифани бажаради?

5. Эртак иллюстрациясида қандай ранглардан фойдаланган маңқул деб биласиз?

6. Қайси нақш турларидан фойдаланиш яхши натижада беради деб үйлайсиз?

7. Танланган эртак мавзусида ишлашни давом эттиришни истармидингиз?

8. Эртакдаги салбий ва ижобий қаҳрамонларни ишлаш сизга ёқадими?

9. Компьютер график дастурларини қўллаш сизга маңқул келдими?


10. Эртак китобини безатиш бўйича нашриёт буюртмасини бажаришга тайёрмисиз?

Мавзунинг ўкув мақсади

Эртак китоби воқеалари асосида иллюстрация ишлашда мавзу танлаш уларнинг ўзаро маъно, композиция жиҳатдан фарқла нишига эътибор бериш, хомаки ишлашда доира бўйлаб жойлашув, силуэт, аппликация усулларини қўллаш, ритм, статика, динамика ҳолатларига эътибор бериш, сувли бўёклардан унумли фойдаланиш, хомаки тасвирини шаффоф қоғоз ёки катаклар ёрдамида асл нусха шаклига ўтказиш, воқеа мазмунидан келиб чикиб ранг танлаш, текис дөғсиз бўяш, бош қаҳрамон тасвирида руҳий кечин-маларни сездириш, инсон либосларида, сурат ҳошиясида миллий нақш намуналаридан фойдаланиб безакдорликка эришиш усулларини ўргатиш, сиёҳкалам чизиклари билан тасвиirlарни ўраб чикиш, якуний кўринишга эришиш. Талабада китоб ички сурати, иллюстрация ишлаш бўйича тажриба ҳосил қилиш, кўникмасини шакллантириш.



38-расм. “Ўзбек халқ әртаклари” вазифасининг якуний натижаси тадаба иши мисолида



39-расм. Тохир ва Зухра эртагига ишланган суратлар



40-расм. *Toхир ва Зухра* эртагига ишланган иллюстрация.
Талаба иши

У БОБ. ЎЗБЕК ХАЛҚ ДОСТОНИ КИТОБИНИ БЕЗАШ

Каттиқ муқова (переплёт), форзац, зарварақ ва иккита иллюстрация ишилаш

5.1. Назарий қисм

Достон халқ оғзаки ижодининг энг қадимий ва ўлмас намуналаридан бўлиб, унда халқнинг озод ҳаёт, фаровон турмуш, адолат, тенглиқ, мухаббат ва вафо, дўстлик, қардошлиқ ҳакидаги асрий орзулари мавзу бўлиб келади. Достон таркиби ва маъносига кўра эртаксимон йирик эпик жанрдир. Достонда гузал инсоний фазилатлар: ҳалоллик, тўгрилик, камтарлик, жасорат мадҳ этилади, айрим кишилардаги ёлғончилик, қўркоқлик, мактанчоклик каби одатлар қораланади, яхшилик улуғланади, ёмонлик рад этилади.

У бахшилар томонидан тўқилган, ёд олиниб дўмбира садоси билан халқ сайиллари, байрамлари, тўйлари каби оммавий йигинларда жонли ижро этиб келинган ва халқимиз севиб тинглайдиган алоҳида санъат тури. Халқимиз орасида Эргаш Жуманбулбул ўғли, Муҳаммадкул Жомурод ўғли Пўлкан, Фозил Йўлдош ўғли каби бахшиларнинг номи маълум ва машхур. Бахшилар бадиий сўзнинг моҳир усталари, кучли хотира, жисмонан соғлом бўлиб, халқ орасида катта обрўга эга бўлишган.

“Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Кунтугмиш”, “Орзигул”, “Баҳром ва Гуландом”, “Ширин ва Шакар”, “Юсуф ва Аҳмад”, “Эрали ва Шерали”, “Ошиқ Ғарип ва Шоҳсанам” каби кўплаб достонлар бизгача етиб келди ва бугунги кунда хам халқ сайиллари, байрамларида бахшилар томонидан куйланмоқда.

Мавзу танлаш

Мавзу танлаш учун талаба ўзбек халқ достонларидан бирини ўқиб, унинг мазмуни билан яқиндан танишади. Достон воқеалари-даги асосий ва қизиқарли қисмлар бош қаҳрамоннинг жасорат-

лари, топкирлиги каби китобхонга таъсир этадиган, хотирасида сакланиб қоладиган воеалар тасвир ишлаш учун мавзу сифатида белгилаб олинади. Сурат ишлаш жараёнида зарур бўладиган кўшимча тайёргарликлар, халқ амалий санъати намуналари, безаклари, либослари, тураг жой, бино, ўтов, жанг, хўжалик анжомларининг кўриниши ҳақида материаллар тўплашга киришилади. Уларни топишда тарих, ўлкашунослик музейлари, мумтоз миниатюра суратлари ва олдинги авлод рассомларининг асарлари ва интернет тармоғидан фойдаланиш мумкин.

Амалий вазифалар: Достон китобига қаттиқ муқова, форзац, зарварақ (*титул*), иллюстрация ишлаш.

5.2. Достон китоби муқовасини ишлаш

Қаттиқ муқовалар асоси қалин қоғоз-картон бўлиб, сунъий чарм ёки майин рангли мато билан қопланиши сабабли, унинг сатҳида икки ранг воситасида ёзув ва безаклар тасвири босилади.

Достон китоби катта ёшдаги китобхон учун мўлжалланиб, қаттиқ муқова – *переплёт* билан нашр қилинади. Шу сабаб китобнинг берк томони – корешок кисми маълум бир қалинликдан иборат бўлиб, безашда уни ҳисобга олиш лозим бўлади. Вазифада қаттиқ муқованинг ёйма кўринишини безатиш режалаштирилган. Унинг композициясини ишлашда олдинги эртак муқоваси вазифасини бажаришда ортирилган тажрибаларга суюнилади ва ривожлантириллади. Хомакилар ишлашда каттиқ муқова ўлчамининг икки баробар кичиклашган шаклларда қалам, тушь, гуашь ва темпера бўёғидан фойдаланилади.

Халқ достонларини безашда, унинг руҳиятини очишда халқ амалий санъати намуналари: меъморий обидалар, гилам, мато, кулолчилик, маъданчилик, заргарлик, миллий либос безакларидан ўринли фойдаланиш мумкин. Қаттиқ муқова хомакисини ишлаш давомида мумтоз миниатюра, чоп этилган достон китоблари намуна сифатида ижодий ва танкидий ўрганиб чиқилади. Китоб номи асосий ўринни эгаллагани учун хат турини танлашга алоҳида эътибор қаратилади, янгича ёндошиш бўйича кидиришлар олиб борилади. Ёзув ҳарфларида маҳаллий амалий санъат безагининг ўзига хос қисмларини кўллаш орқали унга мос янги хат турини ҳосил қилишга ҳаракат қилинади.

Қаттиқ мұқовада бош қаҳрамон образи, унинг бирор-бир жасоратига багишлиңган тасвир ишланиши ёки халқ амалий санъати безаги, накш ва мос хат тури үйғунлигіда композиция ишлаш мүмкін. Безак танлашда достон күйланған худудға хос безаклардан фойдаланиш мақсадлы ҳисобланади. Мисол учун “Алпомиш” достони Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларига хос бўлса, “Шоҳсанам ва Ошиқ Ғаріб” достони Хоразм вилоятида күйланған. Шундан келиб чиқиб, биз достон китобини безашда қайси худудға хос халқ безаги, кийимларидан фойдаланишимиз кераклиги маълум бўлади.

Китоб мұқовасининг ёйма кўринишини чизиб олинади. Одатда, бундай китоблар 205x280 мм ўлчамида бўлиб, корешок кенглиги – 25 мм ни ташкил этади. Бошланғич хомакилар мұқованинг икки баробар кичик ўлчамида бажарилади.

Аввал қоғоз сатҳида қалам билан ёзув, тасвир ўринлари, уларнинг ўлчам нисбатларини аниқлаш бўйича хомакилар чизилади. Кейинги босқичда композиция жиҳатдан мақбул бўлған қаламда ишланған хомаки тасвири силуэт усулида бажарилади. Бунда ҳар бир шакл қора ранг билан ўз чегарасида дөғ сифатидаги кўринишда бўялади. Натижада биз асос ранг устида ёзув ва тасвир жойлашуви, уларнинг ўзаро нисбатларини аник кўрамиз. Коникарли натижага эришганимиздан сўнг, қаттиқ мұқованинг рангли хомакисини ишлашга ўтиш мүмкін. Чизилған мұқова шакли икки ва ундан ортиқ ранглар қориши масидан тайёрланған мураккаб ранг билан бўялади. Куриган сатҳга режадаги асар номи ва тасвир қалам билан чизилғач, улар таг рангта үйғун бўлған ранг билан бўялади. Учинчи ранг тасвир аниклигини ошириш мақсадида безак, ёзув қисмида ишлатилади. Китоб номи хамда матнга боғлиқ рамзий тасвир орқали, корешокда хат тури ва безак намунаси кўрсатилиши мүмкін. Китоб мұқоваси орқа қисмининг безатилиши шарт бўлмаган ҳолда, у таг ранг кўринишида қолиши ёки олд қисмiga мос тарзда безатилиши хам мүмкін.

Қаттиқ мұқова композициясининг хомакисини ишлашда қалам воситасида қидириш, силуэт усули, фон ранги, хат тури, амалий санъат безак намуналарини танлашда, мұқова олди ва корешок қисмини безатишда компьютернинг Corel DRAW дастуридан унумли фойдаланиш мүмкін.

Муқова аслини ишлаш: қаттиқ муқова композициясини топиш учун қаламда, силуэт усулида, рангда ишланган барча хомакилар жамланиб ўқитувчи ва талаба мухокамасида ютук ва камчиликлари кўриб чиқилади. Композиция жиҳатдан достон мавзусини очиб берадиган, бадиийлиги юқори бўлган энг мақбул асл кўринишни бажариш учун асос сифатида танлаб олинади.

Вазифани бажариш учун сифатли қоғоз тортилган планшет, графит қалам, сувли бўёклардан фойдаланилади. Қаттиқ муқованинг ёйма ҳолдаги кўриниши чизгич ва қалам ёрдамида чизилади. Танланган ранг билан бутун сатҳ гуашь ёки темпера бўёғида икки маротаба бўялади. Керакли ранг, тус кўринишига эришилгач, тасвир қисмидаги инсон, жонивор ва бошқа шакллар қаламда оч чизгилар билан чизилади ёки шаффоғ қоғоз орқали тасвирлар ўтказилади. Рангли хомаки асосида ёзув, тасвир рангларини тайёрлаймиз. Ихтиёrimиздаги икки рангдан бири билан шу рангга тегишли жойлар бўялади. Доғсиз текис ранг кўринишга эришилгач, иккинчи ранг билан тегишли жойлар бўялади.

Корешокдаги безак ва ёзувларни бўяшни муқова билан бир вақтда олиб бориш ёки иккинчи жараён сифатида алоҳида ишлаш талаба ихтиёрида бўлади.



Эслатма: гуашь, темпера бўёклари билан катта шаклларни бўяшда бўёкнинг қаймоксифат куюклика бўлиши рангларнинг текис, доғсиз бўялишига ёрдам беради.

5.3. Форзац

Китоб таркибида форзац китобхон дикқатини жалб қилмайдиган қисм бўлиб, уни маълум бир ғояни ифодаловчи композиция тасвири билан безаш талаб килинмайди. Халқ достони китобининг форзац қисмини безашда раппорт усулидан ёки амалий санъат безаклари намуналаридан фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Амалий санъатнинг гиламдўзлик, матога гул босиш, маъданчилик, зардўзлик, заргарлик санъатларидағи геометрик, ислимий нақш безаклари форзацни безатишда кўл келади.

Rapport усулида форзац композициясини бажариши. Қоғоз сатҳини катакларга бўлиб олинади. Бир катакда чизилган тасвир ўгирилган ҳолда ўнг томондаги катакда чизилади. Бу икки катак тасвири пастки икки катакда тепадан пастга ўгирилган ҳолда

чизилади, бу түрт катак тасвири бошқа катакларда тартиб асосида қайтарилади. Бир ранг воситасида ҳосил бўлган безак асоси барча кисмда бўялади.



41-расм. Рапорт композицияларига мисол

Ранги варак сатҳида график кўриниш берадиган ахроматик ранглар билан безак тасвири ишланади. Форзац композицияси бутун варак юзасида ёки марказида медальон, шамс, олти ва саккиз бурчак кўринишида бўлиши мумкин. Шу билан бирга, достон мазмунидан келиб чиқиб меҳнат, жанг куролларидан иборат композиция ишлаш мумкин. Композиция қидириш жараёнида олдин қалам, сўнгра бир рангда силуэт, аппликация усулларидан фойдаланиш яхши натижа беради. Компьютернинг CorelDRAW дастуридан фойдаланиш вактни тежаш, қисқа вакт давомида кўплаб композиция кўринишларини кўриб чиқишида, асос ранги, ёғоч, тош фактураларини кўрсатишида, безак тури ва ўлчамини аниқлашда ёрдам беради. График дастурлардан унумли фойдаланишни билиш талабанинг келгусидаги касбий фаолиятида, нашриётлар билан хамкорликда китоб безатишида, керакли кўнималарни эгаллашида кўл келади.

Мавзуга доир топшириқлар

1. Ўзбек халқ оғзаки ижодидаги достонларни ўқиши.
2. Достон мазмунига мос хат турларини танлаш.
3. Қаттиқ мукова кўринишларига композиция ишлаш.

4. Халқ амалий санъатидаги безак турларини ўрганиш.
5. Форзац турлари билан танишиш.
6. Форзац учун безак турларини танлаш.
7. Мехнат ва жанг қуролларидан иборат композиция ишлаш.
8. Корешокда безак ва китоб номини жойлаш.
9. Катта сатхларни текис ва доғсиз бўяш бўйича синовлар ўтказиш.
10. CorelDRAW дастурида фон рангларини ўзгартириб фактура ҳосил қилиш.

Назорат учун саволлар

1. Халқ достонларининг бошқа адабиёт турларидан фарқи?
2. Достон кимлар томонидан тўқиб ижро этилади?
3. Достон мавзуларида қандай гоялар илгари сурилади?
4. Достон куйлаган баҳшилардан кимларни биласиз?
5. Достон китоби каттиқ муқовасини безатганда қандай намуналардан фойдаланиш тўғри бўлади?
6. Форзац деб китобнинг қайси қисмига айтилади?
7. Форзаца қандай безак турларидан фойдаланишни тўғри деб биласиз?
8. Достон китоби корешогида қайси маълумотлар келтирилади?
9. Қайси достон китобини безатишни истардингиз?
10. Рапорт усули деганда нимани тушунасиз?

Мавзунинг ўқув мақсади

Ўзбек халқ оғзаки ижодининг ажойиб намуналаридан бўлган достонларни шеърий матнда ўқиши, асар гоясини тушуниш, асосий воқеаларни ажратиб олиш, бош қаҳрамон жасоратларини умумлаштириб каттиқ муқова учун тасвирлар ишлаш, китоб номини ёзишда хат турини танлаш, икки ранг воситасида муқованинг ранг ечимини топиш, нашриёт талаблари асосида каттиқ муқова вазифасини якунлаш бўйича талабага керакли амалий билимларни бериш, кўникмани шакллантиришдан иборат.

5.4. Достон китобига сарварақ ишлаш

Хомакилар ишлаш жараёни китоб варагининг икки маротаба кичиклашган шаклларида олиб борилади. Қаламда хат ёзув ўрни, шакли, ўлчами достон мавзусига мос бўлиши учун изланишлар олиб борилади. Ёзув ҳарфларида маҳаллий амалий санъет безагининг ўзига хос қисмларини қўллаш орқали ўзига мос янги хат турини ҳосил қилиш мумкин. Оқ қозоц сатҳида ёзув ва кичик рамзий тасвир, асосан бир рангда ишланади. Тасвир сифатида достон воқеасидаги бош қаҳрамон анжомлари ёки достон дўмбира билан гулхан атрофида куйланадиган кечки вақт кабиларни эътиборга олиб, бахши, гулхан, дўмбира тасвирларидан фойдаланиш мумкин. Бир-бирини такрорламайдиган хомакилар ўзаро таққосланиб, уларнинг афзал топилган томонлари бир хомакида жамланади ва у асл нусха учун асос сифатида қабул қилинади. Хомакилар ишлашда хат турини танлаш ва унинг ўлчамини аниклашда компьютернинг CorelDRAW дастуридан унумли фойдаланиш тавсия қилинади.

Қозоц сатҳида китоб варагининг ўлчами чизилгач, ёзув ва тасвирлар графит қаламда аввал енгил чизиклар билан чизилади. Камчиликлар бартараф қилингач, чизиклар тўқрок аникликда чизилади. Қора тушь ёки сувли бўёқ билан иш жараёни давом эттирилади. Сарварақ асосан оқ қофзда бажарилишини инобатга олиб, хатога йўл қўймасликка эътибор берилади. Чунки ҳар қандай тузатиш оқ қозоц сатҳида дод ҳосил қилади ва бу ҳолат босмахона талабларига жавоб бермайди. Бугунги кунда бундай камчиликларни компьютернинг график дастурларида осон бартараф қилиш имконияти бор бўлсада, талабада мутахассислик сифатларини шакллантириш мақсадида хатога йўл қўймаслик мақсад қилиб қўйилади.

Танланган рангда аввал достон, нашриёт ва шаҳар номи, ёзув қисми, сўнгра безаклар икки маротаба қоплаш орқали ишланади. Ҳошия қисмини ажратувчи тўғри чизиклар мўйқалам ёки ресфедр ёрдамида бажарилади.

5.5. Достон китобига иллюстрация ишлаш

Иллюстрация хомакисини ишлаш: вазифада достон матнидаги сурат ишлашга мос, қизиқарли воқеалар танлаб олинади. Иллюс-

трацияларни ишлаш якунида ўзаро үхашашлик бўлмаслиги учун матнадаги турли воеалар, бош қаҳрамоннинг кўрсатган жасоратига ҳамда унга тескари сифатда устози, ёри билан сухбати каби осойишта қўринишдаги воеага бағишланиши иллюстрацияларнинг турли-туман ва қизиқарли бўлишига ёрдам беради. Хомакилар ишлаш варак шаклининг кичиклаштирилган қўринишида олиб борилади. Композицияда ижобий қўринишлар шаклланган сари хомаки ўлчами катталашиб, асл нусха қўринишига ўтади. Бу жараёнда катта асосий шакллар ер, осмон, бино, инсонлар гурухи, жонивор шаклларининг ўзаро ўлчам, тус нисбати жойлашиш ўрни уларнинг ўзаро нисбатини топиш мақсад килиб қўйилади. Хомакида варак шакли вертикал ва горизонтал ўқизиклар билан тўққизта шаклга бўлиб олинса, композиция маркази сифатида тўккиз кисмдан фойдаланса бўлади.

Бу ёрдамчи чизма асосида сурат марказини турли қисмларда тасвирлаш имкониятларини синаб қўриш мумкин бўлиб, бир-бирига үхшамайдиган композициялар устида қидирув олиб бориш имкониятлари ортади. Иш жараёнда графит қаламнинг юмшоқ турлари ёки рангли қаламлардан фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга, акварель, гуашь бўёқларида умумий ранг нисбатларини аниқлаш бўйича изланишлар олиб бориш мумкин. Халқ достонларида ўзига хос бадиий бўрттиришлар борки, улар асар қаҳрамонлари танасининг катталиги, жисмоний имкониятлари, тенгсиз маҳорати кабилар ҳаётйлик асосида ишонарли тасвир ишлашни кийинлаштиради. Шунинг учун мавзу танлашда уларни эътиборга олиш зарур бўлади. Мавзудаги қарама-қарши кучлар тўқнашувига бағишланган композицияларда динамик холатни кучайтириш учун диагонал ҳаракатни берувчи чизиклар асосида шаклларни жойлаштириш мумкин. Хомакилар ишлаш жараёнда улар ўзаро таққосланиб, ютуқ ва камчиликлар танқидий кўз билан муҳокама килиб борилади ва кейинги қўринишда улар инобатга олиб ишланади. Хомакида шаклларнинг фонга нисбатан ўлчами, оч ёки тўклиқ холатларини ҳам аниқлашда силуэт усулидан фойдаланилади. Композициядаги тасвирлар ўрнини аниқлаш, турли-туманликка эришиш, вактни тежаш мақсадида аппликация усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ранг билан ишлашда турли ранг гаммасида қидирувлар олиб бориш тавсия қилинади. Матн мавзусидан келиб чиқиб илик, иссиқ ёки совук ранглар

устуворлигига композициянинг рангли ечимини топиш учун синовлар ўтказиши, суратларда мавзуни тұлаконли очиш, ўзига хосликни таъминлади. Рангли хомакилар жамланиб ўзаро таққосланади ва унинг афзал томонлари сұнгги хомакида жамланади. Унинг олдинги хомакилардан фарқи китоб варагининг асл ўлчамида бажарилиб, қалам тасвирида, рангда аниқликларга эътибор кучайтирилади. Натижада у иллюстрация асл нусхасини ишлаш учун асос қилиб олинади. Халқ достонлари матнида турли: от, түя, сигир, қўй сингари уй жониворлари иштирок этади. Композиция ишлаш давомида уй жониворлари тасвирини ишлаш машқлари жуда фойдали хисобланади. Иллюстрация хомакиларини ишлашда ранг турларини танлаш, хошияда турли фактуралардан фойдаланишда компьютернинг CorelDRAW дастуридан унумли фойдаланиш тасвия қилинади.



42-расм. Түя тасвирини ишлаши босқичлари

Достон китобига иллюстрация аслини ишлаш: вазифасини бажариш жараёни олдинги тажриба асосида китоб варагининг ҳакикий ўлчамида асл қўринишини чизиш ва ҳошия қисмини ажратишдан бошланади. Агар танланган хомаки композициясини ўзгаришларсиз, айнан такрорлаш мақсад қилиб қўйилса, унда хомаки ва асл нусха шакли тенг катакларга бўлиниб, улар ёрдамида тасвирлар кўчирилади. Бу усул талабага “Ашёларда ишлаш” фанидаги мумтоз миниатюра асарларидан нусха олиш вазифасидан маълум бўлиб, ушбу тажрибага суннилади. Аксинча, асл нусхада хомакига нибатан тўлдириш, ўзгартиришлар киритиш режалаштирилган бўлса, композиция тасвири эркин равишда кўзланган мақсад асосида чизилади. Тасвирлар графит қалам билан аввал катта шакллар, сўнг ўрта ва кичик шакллар мумкин қадар аниқликда чизиб олинади. Инсон юз тасвирларини чизиш танланган бўёқ турига boglikligi юқорида айтилди. Қаламтасвир иши якунлангач, рангда иш жараёнига киришилади. Тасвирнинг орка (фон) қисмлари хомакида белгиланган ранг билан икки маротаба бўялиб доғсиз ҳолатга эришилгач, инсон, жонивор ва бошка унсурлар бўялади. Ранг билан турлашда бўёкнинг суюккуюқ ҳолатига эътибор берилади, ранглар кичик идишларда тайёрлаб олиниши максадга мувофик бўлади. Инсон либоси, гилам, от ёпингичи каби нақшли тасвирлар якунлангач, сиёҳкалам ишларини бажаришга киришилади. Бунда сиёҳкалам чизиқларининг ранги шу шакл рангидан бир оз тўқ ранг билан чизилади. Якуний жараён бу инсон юз ва қўлларини ишлаш бўлиб, жуда маъсулиятли вазифа ҳисбланади. Юз қисмини ишлашда қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини қўрсатиш учун бошқа кофозда машклар бажариш мақсадга мувофик бўлади. Кейинги жараёнлар ҳам “Миниатюра композицияси”, “Ашёларда ишлаш” фанларидан олинган билим ва кўникмалар асосида давом эттирилади.

Китобат санъати фанидаги вазифаларнинг юқоридаги вазифаларидан ажратиб турувчи ўзига хослик томони шундаки, бир неча суратда бир қаҳрамон тасвирини турли қўринишларда ишлашга тўғри келади. Бир қиёфани олд, ён томонидан, турли руҳий ҳолатини тасвирлашда шу қаҳрамонни таниш имконияти даражасида чизиш мусаввир учун мураккаб ва масулиятли вазифа ҳисбланади. Бу мураккаб вазифанинг ечими жонли қиёфанинг турли ҳолатлардаги қўринишларидан қораламалар чизиш,

хотирадан чизиш, эслаб қолиш сифатларини мустақил шакллантириб боришдир.

Халқ достонлари вазифаларни бажариш жараёнида талабанинг китобни бадиий безаш бўйича билимлари мустаҳкамланади. Шаклларни турлашда ранглардан унумли фойдаланиш, доғсиз бўяшга кўникмаси мустаҳкамланади. Рангланган инсон юз шакллари устидан қалам билан чизилиб, ўзига хос жиҳатларини топишга, яъни образ яратишга харакат қилинади. Тажрибаси юқори бўлган талаба юз қисмлари, либос нақшларини бўялган шакл устидан қалам чизгиларисиз ранг билан ишлаши мумкин. Инсон тасвирларини ишлашда мавзудан келиб чикиб унинг ижобий ёки салбий сифатларини очиб беришга эътибор каратилади. Вазифа китоб номи ёзилиб, инсон юз қисмлари, либос безаклари, сиёҳкалам чизикларини тортиш жараёни сифатли бажарилгандан сўнг якунланган ҳисобланади. Вазифа талабада халқ достонлари мавзусида матн воқеаларига тасвирлар ишлаш юзасидан билимини орттиради, амалий ишлаш бўйича кўникма хосил қилишга ёрдам беради.



43-расм. Сурат ишишининг дастлабки босқичлари



44-расм. "Алпомиши" достонига ишланган суратнинг
якуний күриниши

Мавзунинг ўқув мақсади

Ўзбек халқ достони китобини безашдан мақсад аввало талабага халқ достончилиги бўйича адабий меросимиз ҳақида маълумот бериш, халқ достонларни ўкиш орқали уни яқиндан танишириш, матн воқеаларидан композиция ишлаш учун мавзу танлаш, қаттиқ муқова, форзац, зарваракларга шартли тасвир ишлашда халқ амалий санъати намуналаридан унумли фойдаланиш, хат турини танлаш ёки мосини яратиш, ички суратлар композициясини ишлаш бўйича мавзу танлаш, ранглардан унумли фойдаланиш, уларда маҳаллий bezak намуналаридан фойдаланиб суратни якунлаш юзасидан тажрибаларини ошириш кўникмаларини мустаҳкамлашдан иборат. Шу билан бирга, компьютернинг график дастурлари CorelDRAW дан ўринли ва мақсадли фойдаланиб, иш жараёнини тезлатиш, бугунги кун замон талаблари асосида ишлашда ўз билим, тажрибасига суюниш, мустақил равишда тўғри қарор қабул килишни ўргатиш. Бугунги кун китобхони, нашриёт талаблари асосида достон китобларини безаш юзасидан амалий тажриба, кўникмаларни ҳосил қилиш ва шакллантириш.

Назорат учун саволлар

1. Сиз танлаган достон қайси жиҳатлари билан сизга маъқул келди?
2. Бош қаҳрамоннинг қайси сифатлари ўзингизда бўлишини истардингиз?
3. Иллюстрация композициясини ишлашда нима учун айнан шу мавзуларни танладингиз?
4. Яна қайси достон мавзуларига сурат ишлашни истардингиз?
5. Хомаки ишлашда қайси усуллар сизга маъқул келди ва нима учун?
6. Иллюстрацияда мазмунни очишда рангларнинг аҳамияти борми?
7. Компьютернинг график дастурларидан қайсиларида мустақил ишлай оласиз?
8. Танлаган достонингизни безатиш бўйича сизга нашриёт томонидан буюртма сифатида таклиф тушса нима қиласиз?
9. Вазифаларни бажариш давомида янги билимларга эга бўлдим деб ҳисоблайсизми?

10. Фан вазифаларини бажариш жараёнида ўзингизда бўлган кўникмалар ортди, янгилари шаклланди деб айта оласизми?

11. Фан юзасидан кандай вазифалар бўлишини истар эдингиз?

Мавзуга доир топшириқлар

1. Мавзуга қўшимча иллюстрация ишлаш.
2. Асосий қаҳрамон тасвирининг турли кўринишларини камламда ишлаш.
3. Қаҳрамон тасвири турли кўринишларини силуэт усулида ишлаш.
4. Аппликация усулида композиция қидиувларини олиб бориш.
5. Ранг билан мавзуни очиб бериш устида синовлар олиб бориш.
6. Ички суратда фойдаланиш учун халқ амалий санъатидаги безак турларини ўрганиш.
7. Жониворлар, от, туж, сигир, кўй тасвирларини ишлаш.
8. Тоза когозда инсон тасвирларини ишлаш машқларини бажариш.
9. Photoshop дастури имкониятларини ўрганиш.
10. Китоб ички суратларини безашда CorelDRAW дастури имкониятларини ўрганиш.

VI БОБ. АЛИШЕР НАВОЙНИНГ “ХАМСА” АСАРИДАГИ ДОСТОНЛАРДАН БИРИНИ БЕЗАШ

*Қаттиқ муқова зарварак, сарварак ва икки ички сурат
ишилаш*

6.1. Назарий қисм

Ўзбек халқининг буюк фарзанди, ғазал мулкининг султони Алишер Навоийнинг номи форс ва туркӣ тилда ёзган ғазаллари, “Хамса” достонлари орқали асрлар давомида яшаб келмоқда. Навоий сиймоси XV аср шарқ ренессанси даврининг буюк инсонлари қаторида ҳақли рашида олдинги каторларда туради.

Тарихдан маълумки, у ўз тасаруфидаги мол-мулқдан халқ учун мактаб, ҳаммом, кўприк каби иншоотлар курдирган, иқтидорли ёшлигарга ҳомийлик қилган, элпарвар, бағри кенг инсон бўлган. У ҳаётлик давридаёқ достонлари мавзуларига багишлаб замондош мусаввирлар томонидан кўплаб суратлар ишланган. А. Навоийнинг беш достондан иборат “Хамса” асари мусаввирлар учун битмас мавзу, илҳом манъбаи ҳисобланади.

*45-расм. Мусаввир Қосим Али
ишилаган А. Навоий тасвири*



Халқымыз улуғлайдиган Ватанга, ёрға мұхаббат, садоқат, вафо, адолат, тұғрилик, ҳалоллик, меңнаткашлик, жасорат каби умуминсоний ва миллий қадриятлар шоир достонларида күйланади.



46-расм. А.Навоий буюк шоирлар даврасида:

1. Ҳасан Деклавий.
2. Алишер Навоий.
3. Абдурахмон Жомий.
4. Низомий Ганжавий.
5. Ҳусрав Деклавий.
6. Шайх Саъдий.
7. Абулқосим Фирдавсий.
8. Саноий.
9. Анварий.
10. Ҳақоний



47-расм. А. Навоий достонларига ишланган миниатюра
асарлариidan намуналар

Муаллифнинг “Фарход ва Ширин”, “Сабъай сайёр” достонлари сурат ишлашга мос романтик мавзуларга бойлиги билан ажралиб туради. Шу сабабли биринчи навбатда уларга мурожаат қилиш тавсия қилинади. Талаба адабий асар мавзуси билан танишиш жараёнида ўзида қизиқиш уйғотган воқеаларни мавзу сифатидаги рўйхатини тузиб олиши мақсадга мувофик бўлади. Бу мавзуларга ишланган мумтоз миниатюра суратлари билан яқиндан танишиб чикади, улардаги композиция ечими, ранг танлаш, ижро усулини кузатади ва муҳокама қиласди.


Бугунги кунда ҳам унинг ҳаёти, асарларига тасвирий ва амалий санъатнинг барча йўналишида ижод қиладиган мусаввир, ҳайкалтарошлар мурожаат қилишдан тўхтамайдилар. Бунга сабаб, унинг ҳаётлик давридаги ҳалкпарварлиги,adolatparvarligi ва сермаҳсул ижодкорлиги, асарларидаги умуминсоний гояларнинг устуворлиги десак бўлади. Хомаки ишлаш жараёнида талаба ўзи учун қизикарли бўлган, кўз олдига келтира олган воқеага композиция ишлашдан бошланади. Вазифани бажаришга киришишдан олдин биринчи ўзбек график рассоми Искандар Икромов томонидан ишланган “Навоий лирикаси”, “Беруний” каби китобларнинг безаклари билан танишиб чикиш фойдали бўлади.

6.2. Алишер Навоий достонига муқова ишлаш

Муқова хомакисини ишлаш: вазифага киришишдан олдин талабанинг мумтоз кўлёзма, тошбосма китоблар, улардаги муқова турлари, бугунги кунда муқова ва корешок кисми қўшиб ишланган китоб намуналари билан танишиб чикиши фойдали ҳисобланади. Кўлёзма китоб муқовалари узок йиллар давомида фойдаланишга мўлжалланган бўлиб, жонивор териси ва ўзаро ёпиштирилган қоғоз катламидан иборат бўлган сиртда турли нақшинкор медалон шакллар босма усулида бўртма ҳолда туширилганлигини кўриш мумкин. Бугунги кунда муқовалар ашёси сунъий чарм, сиртига майин маҳсус мато ёпиштирилган картон бўлиб, каттиқ муқова ёки “переплёт” деб аталади. Бундай муқовани безатишда асос ранги, унинг устидан ёзув ва тасвир учун икки рангдан фойдаланилади.

Бу вазифа олдинги босқич вазифаларига нисбатан бир оз мураккаблашади. Бунда талаба муқованинг олд ва орка томон-

ларини бир ранг ечимида ҳал қилиш, асар номини хаттотлик усулида ёзиш, миллий накш турларини күллаш оркали юкори бадийликка эришиши мақсад қилиб қўйилади. Каттиқ мукова хомакиси олдинги тажрибалар асосида қоғоз, графит қалам ашёларида кичик ўлчамларда бажарилади. Унинг композициясида икки ранг билан яхлит ва жиддийликка асосланган улуғвор кўринишни ҳосил қилишга, бадийликка эътибор берилади. Каттиқ мукова ўз сиртидаги ёзув, безакнинг график усулда аник тасвирланишини талаб қиласди. Хомаки ишлашда рангли коғоз ва рангли қаламлардан фойдаланиш мумкин бўлиб, у вақтни тежайди ва якуний кўринишни аникроқ тасаввур қилишга ёрдам беради. Муаллиф ва асар номини ёзишда хат турини танлаш муҳим бўлиб, у ўз даврини эслатувчи хаттотлик хат турларидан бирортасига асосланиши мумкин. Безак сифатида фон кисмидаги гириҳ, ислимий накш тасвири ишланиб, улар устида ажралиб турувчи олтин рангидаги муаллиф ва асар номи ёзилиши мумкин. Композиция изланиш жараённада силуэт усули қўл келади. График усулда композицион кидиравлар олиб борилгандан сўнг рангдаги ечимни аниклаш устида изланишлар олиб борилади. Асл ўлчамда каттиқ мукованинг ёйма кўриниши чизилади. Мураккаб ранг билан бутун сатҳ бўялади. Фон рангига якин бўлган тузи бир оз оч бўлган ранг билан гириҳ ёки ислимий накш тасвири бўялиб, тўрсимон кўриниш ҳосил қилинади. Муаллиф исми ва асар номининг аник ўқилишини таъминлаш мақсадида бир оз ёркин ранг билан ёзув харфлари бўялади. Бу вазифа турли рангларда бўялган коғозлар устида олиб борилади. Мақсад мавзуга мос ранг турини танлаш. Вазифани бажариш давомида ишланган хомакиларни жамлаб, улар ўқитувчи билан кўриб чиқилади ва бадийлиги юкори бўлган, ўзига хосликка эришилган бир нечаси танлаб олинади. Улардаги мазмунли томонлари ўзаро бир хомакида жамланиб, асл нусха учун асос сифатида қабул қилинади. Вазифанинг ижодий тасвир кисмлари қўл меҳнатида бажарилса, унинг такрорланувчи кисмларида замонавий компьютер имкониятларидан фойдаланиш мумкин. Вақтни тежаш ва турли ранглар уйғунлигини аниклаш, накш, гириҳ кисмларини жойлаштириш, ёзув ўлчамини аниклаш, танлаш имкониятини ҳосил қилиш мақсадида компьютернинг CorelDRAW дастуридан фойдаланиш тавсия қилинади.



48-расм. Икки ва уч рангли муқова эскизи

Муқова аслини ишлаш

Планшетга тортилган қоғоз сатхидагы муқова аслы ўлчамидан иборат шакли чизиб олинади. Танланган хомакига асосланиб муқова шакли темпера, гуашь ёки улар аралашмасидан тайёрланган рангда юмшок мүйқалам билан бўялади. Қуриган ранг устидан иккинчи маротаба бўялиб, доғсиз текис рангли кўринишга эришилади. Тозаликни сақлаш мақсадида ёзув, тасвир, безак чизмалари шаффоф қоғоз орқали рангли сатхга ўтказилади. Аввал таг асос рангига якин рангда гирих ёки ислимий нақшлар ишлаб якунланади. Китоб номи аниқ ўқилиши мақсадида таг асос рангидан ажralувчи ёзув кисми учун тайёрланган ранг билан икки маротаба бўялади.

Муқова безак кисми (тасвир, нақш) хам шу усулда шаффоф қоғоз орқали рангли сатхга ўтказилади. Ранг билан турлаш сиёҳкалам билан якунланади.

6.3. Алишер Навоий достонига Зарварак ва Сарварак ишлаш

Китобнинг форзац қисмидан кейинги сарваракнинг чап томонидаги варак зарварак дейилади. Зарваракда муаллиф портрети, тугилган ва вафот этган саналари, илмга чакирцвчи маърифатпарвар сўзларини келтириш мумкин. Алишер Навоийнинг туркий тил ривожига кўшган хиссасини, инобатга олсак, бу варақда унинг тасвирининг чизилиши мантиқан тўғри бўлади. Мусаввир Қосим Али қаламига мансуб асога суюниб турган кекса шоир суратини кўпчилик яхши билади. Бу миниатюра асарида олтинранг фонда, ҳайёт рамзи бўлган яшил либосда, тозалик, поклик рамзи бўлмиш оқ саллада, юзидан нур ёғилиб турган, соқолларига оқ оралаган нуроний буюк шоир тасвирини кўрамиз. В. Кайдалов, Абдулхак Абдуллаев, Неъмат Қўзибоев, Чингиз Аҳмаров каби бир қатор ўзбек рассомлари томонидан яратилган шоир образларини ўрганиб чикиш асосида унинг янги тимсолини ишлаш мураккаб вазифа хисобланади. Муаллиф шоир тасвири ишланган суратларни ижодий таҳлил қилиб ўзининг қаҳрамонининг янгича образини ишлаши учун изланишлар олиб боришига тўғри келади. Зарварак ва сарварак ёнма-ён жойлашгани сабаб ўкувчи уларни бир вакитда кўради. Шунинг учун улар устида бир вактда ишлаш тўғри бўлади. Вазифа оқ-кора усулда ёки енгил ва босик ранглар билан бажарилиши назарда тутилади.

Сарварак ишлашда: мумтоз китоб безатиш санъатининг анъаналари билан танишиб чиқилади. Китоб муаллифи достон номини ёзишда муковада ишлатилган ёзув усулидан фойдаланиш мумкин. Сарварак ўрта қисмida бадиий асар мазмунига мос фалсафий, рамзий маънодағи сурат чизилиши мумкин. Мисол тариқасида “Фарход ва Ширин достони” учун қаҳрамон Ширин жамолини илк кўрган ойнаи жаҳон, асар марказидаги Фарҳоднинг тогда тош йўниб сув келтириш воқеасидан келиб чиқиб тош синдирувчи чўкир, сув ва муҳаббат рамзи бўлмиш атиргулнинг ўзаро уйғунлашган композицияси орқали кўрсатиш мумкин. Асар билан яқиндан танишган мусаввир учун достон бундай рамзларга жуда бой бўлиб, улардан унумли фойдаланиш унинг хотирасига, синчковлигига, мантикий мулоҳаза юритиш кобилиятига боғлик.

Сарварак композициясини хомаки ишлаш жараёни олдинги вазифалар сингари бажарилади. Хомаки ишлашда барча график ашёлардан эркин фойдаланилади. Муаллиф, достон номини ёзиш учун хат, хамда рамзий тасвир турини танлаш, ўлчамини аниклаш, варак сатхидаги ўрнини белгилаш каби ўхшаш иш жараёнларида компьютернинг CorelDRAW дастуридан фойдаланиш вактни тежаш, иш унумини ошириш, замон билан ҳамнафасликда ишлашга ўргатади ва у бугунги кун кадрлар тайёрлаш юзасидан кўйилган давлат талабларига мос келади.

Зарварак ва сарварак асл кўринишини ишлаши

Бу вазифа олдинги вазифалардан бир оз фарқланиб, бунда икки варакда турли тасвиirlар жойлашишидан қатий назар умумий яхлит кўринишига эришиш лозим бўлади. Ҳар икки варак ҳошия чизикларининг бир ўлчамда олиниши бу йўлдаги биринчи қадам бўлади. А.Навоий тасвири ва сарваракдаги ёзувдан кейинги тасвир ўлчамларининг такрорланиши уларга яна бир умумийлик беради. Бундай такрорланувчи ўлчам ва шаклларга хомаки ишлаш давомида эришиш мумкин. Бундан ташқари, икки варакда ранг ечимларининг ўхшашлиги ҳам уларни ўзаро боғлайди.

Ок когос сиртида икки варак шакли ёнма-ён чизилади. Ҳар иккисининг ҳошия ўлчамлари бир хил кенглик ва баландликда чизилади. Сарваракда Алишер Навоий тасвирини ишлашда Қосим Алининг “Навоий” асарини ўрганиш, нусха олиш оркали тайёргарлик кўрилади. Танланган хомаки асосида графит қалам билан шоир тасвири, унга тегишли саналар, зарваракдаги китоб номи, тасвир ва безакларини чизиш ҳамда уларни тушь ёки бўёқлар билан ишлаб якунлашдан иборат бўлади. Иш жараёнида озодалик, сифат, бадиийлик, нашриёт ва босмахона талаблари эътиборга олинади.

Мавзуга доир топшириқлар

1. А.Навоийнинг тасвири ишланган суратларин ўрганиш.
2. А.Навоийнинг “Хамса” достонларидан бир нечасини мутолаа қилиш.
3. Фарход тасвирининг турли кўринишларини силуэт усулида ишлаш.
4. Ширин тимсолига портретлар ишлаш.
5. Мажнун тасвирини турли кўринишларини силуэт усулида ишлаш.

6. Аппликация усулида композиция қидиувларини олиб бориш.

7. Ранг билан мавзуни очиб бериш устида синовлар олиб бориш.

8. Ички суратда фойдаланиш учун халқ амалий санъатидаги безак турларини ўрганиш.

9. CorelDRAW дастурида ишлаш ва унинг имкониятларини ўрганиш.

10. Photoshop дастурида ишлаш ва имкониятларини ўрганиш.

Назорат учун саволлар

1. А. Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида нималарни биласиз?

2. Сиз танлаган достон кайси жиҳатлари билан сизга маъкул келди?

3. Бош каҳрамоннинг қайси сифатлари ўзингизда бўлишини истардингиз?

4. Фарҳод ва Мажнун образларидаги умумий ва фарқли томонларини биласизми?

5. Иллюстрация композициясини ишлашда нима учун айнан шу мавзуларни танладингиз?

6. А. Навоийнинг яна қайси достонига сурат ишлашни истардингиз?

7. Хомаки ишлашда қайси усуллар сизга маъкул келди ва нима учун?

8. Иллюстрацияда мавзуни очишда рангларнинг аҳамияти борми?

9. Компьютернинг график дастурларидан қайсларида мустакил ишлай оласиз?

10. Танлаган достонингизни безатиш бўйича сизга нашриёт томонидан буюртма сифатида таклиф тушса нима қиласиз?

11. Вазифаларни бажариш давомида янги билимларга эга бўлдим деб ҳисоблайсизми?

Мавзунинг ўқув мақсади

Алишер Навоийнинг “Хамса” достонларидан бирини ўқиши, достон ғояси билан танишиш, китоб муқоваси, зарварағини ишлашда хат турини танлаш, муқова тасвирий кисмидаги асос ранги ва ёзув, тасвирни кўрсатишда икки рангдан фойдаланиб умумий

уйғун ранг күринишига эришиш, мұқова, корешок, зарварап безакларини бугунги күн нашриёт талаблари асосида якунлаш, иш жараёнида хат турини танлаш, асос ва тасвир ранглари уйғуның топиш бүйіча компьютернинг график дастурларыда сиңовлар олиб бориш юзасидан күникмаларни шакллантириш.

6.4. Алишер Навоий достонига иллюстрация ишлаш

Юкорида айтиб үтилганидек, Алишер Навоий достонлари бадий тасвир ишлашга мос, романтик воеаларга бой бўлиб, унга мумтоз мусаввирлар ва замондош рассомлар кўплаб суратлар ишлашган. Талаба достонни ўқиш давомида ўзига ёккан воеалардан бир нечтасини мавзу сифатида белгилаб олади. Мавзу воеаларининг ўзаро кизикарли бўлиши улардан бири ҳаракатда, бошкаси осойишта күриниш касб этиши ички суратларнинг бетакорлигини таъминлайди.

А.Навоий достонларига кўплаб мусаввирлар суратлар ишланлар. Шу сабабли мавзу танлашда ўтмиш ижодкорлар кам мурожаат қилган воеаларни танлаш талаба учун ҳам, китобхон учун ҳам кизикарли ва фойдали бўлади. Тоғда тош йўнаётган Фарҳод олдига Шириннинг канизаклари билан келиши, шамол унинг юзидаги пардасини кўтариши ва қаҳрамоннинг ошиқ бўлиши воеаси романтик ва лирикага бой гўзал мавзу. Шунинг учун бу асарга ўтмиш мусаввирлари ажойиб миниатюраларни кўп ишлашган. Албатта, бир мавзуга чексиз, бир-бирини такрорламайдиган турли композиция, ранг ечимларида бетакрор суратлар ишлаш мумкин. Тасвирий санъатнинг ўзига хослиги ва кучи ҳам ана шунда. Шундай бўлишига қарамай, талаба фантазиясининг эркин ривожланиши, олдинги ишланган суратларга қарам бўлиб қолмаслиги учун янги мавзуни топиши тавсия қилинади. Бу талабани достон матnidаги ҳар бир воеани чукур ўрганишга ва ёдда саклашга ундейди.

Вазифада китоб матнiga икки сурат ишлаш режалаштирилган. Талабага ҳар икки суратни бутун варап сурати сифатида бажариш ёки улардан бирини матн ёзувлари билан боғлаб, ярим варап сурати сифатида бажариш эркинлиги берилади. Мавзулар воеа жиҳатдан бир-бирига яқин бўлиб қолмаслиги, композиция ечими

мумкин қадар турлича бири статик, иккинчиси динамик кўри-нишда бўлиши тавсия килинади.

Мумтоз миниатюра композицияларига хос томонлардан бири тасвирларнинг ўз ўлчамини бузиб, ҳошия кисмига чиқиб бориши, ҳат ёзувининг тасвир билан бoggаниб, бадиий жиҳатдан кутилмаган ва ўзига хос кўринишни кашф килинишидир. Китоб ички суратларини ишлашда ушбу ўзига хосликлардан фойдаланиш тавсия қилинади. Мисол учун, “Фарход ва Ширин” достонида Фарходнинг билим олиши, Монийдан ҳунар ўрганиши каби мавзулар осойишта лирик кўринишларда композиция ишлашни, унинг жасоратлари ҳақидаги вокеалар динамик кўринишдаги композициялар орқали тасвирлашни талаб қиласди.

Аввалги босқич вазифаларида хомакилар олдин кичик ўлчамда ишланиши талаб қилинган бўлса, энди бу талаба ихтиёрида бўлади. Талаба олдинги босқич вазифаларини бажариш давомида хосил қилинган кўнікмалар асосида асл ўлчамда изланиш олиб бориши мумкин. Бунга сабаб достон вокеаларида кўплаб инсон ва жонивор тасвирларини ишлаш заруратининг борлиги.

Хомакилар ишлашда бадиий график ашёларнинг барча турлари, композиция изланишларида ритм, статика, динамика, контраст, силуэт, аппликация усулларидан эркин фойдаланилади. Хроматик ранглардан фойдаланиб, иссиқ-совук ранг устуворлигига изланишлар олиб борилади. Ўзи истаган ашёларда ишлаш, фактура ишлатиш, ўз усулини қидириш, синовлар ўтказишлар талабага ижодий ва рухий эркинликни беради. Суратлар хомакисини ишлаш, ҳошияга нақш турини танлаш, ранг уйғунлиги бўйича изланишлар олиб бориш, синовлар ўтказишда компьютернинг график дастурларидан фойдаланиш тавсия қилинади.

Ўқитувчи ва талаба мухокамасида ишланган хомакилар танқидий ўрганиб чиқилади. Улардан бири танланиб, асл кўринишни ишлаш учун асос қилиб олинади. Катаклар ёрдамида композиция тасвири тоза когозда белгиланган варак шаклига кўчирилади. Қаламтасвир ишларида табиат, бино, инсон, турли жонивор тасвирлари яхлит рангларда турланади. Ёрдамчи қисмлар дарахт, тошлар, ўсимлик дунёси, бино, нақш, гириҳ, либос безаклари, рангланган шакллар устидан енгил қалам чизикларида чизиб олингач, турланади. Сиёҳқалам чизиклари тортилиб, инсоннинг юз қисмлари ишланади.



49-расм. А.Навоийнинг “Сабъаи Сайёр” достонига ишланган зарварақ, сарварақ иллюстрациялар. Таалаба шии.



50-расм. А.Навоийнинг “Саъди Искандарий” достонига ишланган иллюстрациялар. Талаба иши.

Хошия кисмида нақш безакларини турлаш, сиёҳкалам билан якунлаш жараёни ҳам бирга олиб борилиши ёки иккинчи боскич сифатида ишланиши талаба ихтиёрида бўлиб, ўзи ёқтирган ва кўникумга ҳосил қилган усулда бажариши мумкин. Иш вактида озодаликни сақлаш максадида ишланмайдиган асар кисми ёки бутун ҳошия кисмини шаффоф қофоз билан ёпиб химоя қилиш тавсия қилинади. Ранг тайёрлаш, ранглар билан ишлашда туслар уйғунлигига эришиш, назорат қилиш, сақлаб қолиш ўқитувчи маслаҳати асосида олиб борилади. Композиция ҳошияси, гирих, нақш ҳошияси, бино қисмларидан тўғри ва нозик чизикларни бажаришда ресфедр асбобидан унумли фойдаланиш тавсия қилинади. Инсон тасвирларида ижобий ёки салбий қаҳрамонларни илиқ, туси оч ёки совук ранг иштирокидаги туси тўқ ранглар орқали кўрсатиш бўйича маслаҳатлар берилади. Ички суратларни ишлаш натижасида талабанинг мумтоз адабиёт асарларига композиция ишлаш бўйича тажрибалари ортади, кўникумлари мустаҳкамланади ва малака ҳосил қиласди.

Мавзуга доир топшириклар

1. А.Навоийнинг достонлари билан яқиндан танишиш.
2. Мавзуга қўшимча иллюстрация ишлаш.
3. Фарҳод тасвирининг турли кўринишларини қаламда ишлаш.
4. Фарҳод тасвирининг турли кўринишларини силуэт усулида ишлаш.
5. Фарҳод ва Мажнун образларини ўзаро таккослаш.
6. Аппликация усулида композиция қидиувларини олиб бориш.
7. Мумтоз миниатюра асарларидаги Фарҳод тасвирларини ўрганиш.
8. CorelDRAW дастури имкониятларини ўрганиш.
9. Adobe Photoshop дастури имкониятларини ўрганиш.

Назорат учун саволлар

1. А.Навоийнинг достонлари қайси жиҳатлари билан сизга маъкул келди?
2. Фарҳоднинг қайси сифатлари ўзингизда бўлишини истардингиз?
3. Мумтоз мусаввирлар асарнинг қайси воқеаларига тасвирлар ишлашган?
4. А.Навоийнинг қайси достонларига сурат ишлашни истардингиз?
5. Хомаки ишлашда аппликация усули сизга маъкул келдими ва нима учун?
6. Иллюстрацияда мазмунни очишда рангларнинг аҳамияти борми?
7. Компьютернинг график дастурларидан қайси бирида мустакил ишлай оласиз?
8. Танлаган достонингизни безатиш бўйича сизга нашриёт томонидан буюртма сифатида таклиф тушса нима киласиз?
9. Вазифаларни бажариш давомида янги билимларга эга бўлдим деб ҳисоблайсизми?
10. Фан вазифаларини бажариш давомида ўзингизда бўлган кўникмалар ортди, янгилари шаклланди, деб айта оласизми?

Мавзунинг ўқув мақсади

Ўзбек халқининг буюк мутаффакири Алишер Навоийнинг “Хамса” достонларидан бири ёзилган китобни безашдан мақсад, аввало талабага Навоий ижоди ҳақидаги билимларини эслатиш. Талабага достонлардан бирини ўқитиш орқали асар билан яқиндан таништириш, матн воеаларидан композиция ишлаш учун мавзу танлаш, қаттиқ муқова, форзац, зарваракларда шартли тасвир ишлашда халқ амалий санъати безакларидан унумли фойдаланиш, ҳат турни танлаш ёки мосини яратиш, ички суратлар композициясини ишлаш бўйича мавзу танлаш, ранглардан унумли фойдаланиш, ички суратларда маҳаллий bezak намуналаридан фойдаланиб суратни якунлаш юзасидан тажрибаларини ошириш ва қўникмаларини мустаҳкамлашдан иборат.

VII БОБ. ФИРДАСИЙНИНГ “ШОҲНОМА” КИТОБИНИ БЕЗАШ

7.1. Назарий қисм. Шоир ҳакида маълумот

Форс шоири Ҳаким Абулкосим Мансур Ҳасан Фирдавсий Тусий (934–1024) – Эронда Тус шаҳри атрофидаги кичик мулкдор оиласида туғилган. У машхур “Шоҳнома” (55 минг байтдан иборат) асарини 30 йил давомида (биринчи қисмини 994, иккинчи қисмини 1010 й.) ёзган. Фирдавсий “Шоҳнома”ни Эрон шоҳи Маҳмуд Ғазнавий саройида ўқиди, лекин асари яхши қабул қилинмайди ва шоир тақдирланмайди. Ҳафа бўлган шоир шоҳ Ғазнавийнинг келиб чикиши кулга бориб тақалишига ишора қилиб шеър ёзди ва мамлакатни тарқ этиб, колган умрини кувгинда ўтказади. 1934 йилда Тус шаҳрига Фирдавсий номи берилди. Техрон, Рим, Душанбе шаҳарларида шоирга ёдгорлик ҳайкали ўрнатилган. Шу билан бирга, Самарқанд, Боку, Еревандаги кӯчалар унинг номи билан аталади. 1971–1976 йиллар Тожикфильм студияси томонидан “Шоҳнома” мавзусида уч қисмли бадиий фильм ишланди.

Бу вазифа Алишер Навоий асарларини безаш вазифасининг узвий ва мантикий давоми хисобланади. Шарқ ҳалқлари адабиётининг йирик вакилларидан Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асари жаҳон адабиёти дурдоналаридан бири хисобланади. Асар дастлабки шоҳлар – Қаюмарс, Ҳушранг, Тахмурас, Жамшид, Заххок, Сухроб ва Сиёвушнинг қаҳрамонлик қиссалари, Рустами достоннинг ажойиб саргузаштлари ҳакида хикоя қиласиди. Кейинги бобларда Кайхусрав подшолиги, Бежан ва Манижа достони, Исфандиёрнинг етти жасорати, Искандар достони, Баҳромгур подшолиги, Ҳусрав Парvez ва Ширин достони каби ажойиб воқеаларни ёритади. Ҳар бир воқеа мусаввирни илҳомлантирадиган мавзулар шодаси десак муболага бўлмайди.

“Шоҳнома” китобхон хотирасида узоқ сақланиб қоладиган воқеаларга бойлиги билан машхур. Асар романтик руҳдаги мавзуларга бой бўлиб, бир неча асрлар давомида мусаввирлар

эътиборини тортиб, улар ижодининг дикқат марказида бўлиб келмоқда. Достон қаҳрамонларининг донишмандлиги, гайриоддий жасоратлари, қўйилган хато натижаси, изтироблар ҳакида ҳикоя килади. Асар бугунги кунда ҳам замонамиз мусавирлари учун ажойиб илҳом манбаи ҳисобланади. Шоҳномадаги энг машхур қарамон пахлавон Рустам образи бўлиб у билан боғлиқ воқеалар мавзусига ишланган суратларнинг саноги йўқ. Бу қаҳрамон жасоратларига кўплаб мусавирлар турли туман композициялар ишлашган бўлса-да, уни ҳар бир суратда онсонлик билан ажратиб олиш мумкин. Рустам образи бошидаги дубулғаси устидан коплон, танасига йўлбарс териси кийилган ҳолда тасвирланади. Бу икки кучли йирткич терилари унинг мислсиз куч –кувтидан далолат бериши билан қарамоннинг рамзига айланган. Фирдавсийнинг бошқа қаҳрамони Сиёвуш доимо поклик рамзи оқ кийимда тасвирланади.



51-расм.

7.2. Шоҳнома китобиннинг муқовасини безатиш

Муқова хомакисини ишлани: олдинги босқич вазифаларига нисбатан бир оз мураккаблашади. Бунда талаба муқованинг олд ва орка томонларини бир ранг ечимида ҳал қилиши ва корешок қисмини муқова композицияси билан бирга ишлаши кўзда тутулади. Вазифа ўз моҳияти ва таркибига кўра каттиқ муқова композицияси ҳисобланади. Хомакилар ишлаш жараёнида муқовасининг икки томони ишланган китоблар билан танишиб чиқилади.

Муқовадаги хат, безак ўрни, уларнинг ўзаро ўлчам нисбатларини аниклаш бўйича қаламда хомакилар ишланади. Хат турини танлашда китоб мазмуни, муаллиф яшаган давр ёзуви, воқеаларнинг қайси мамлакатда ривож топиши, шу мамлакат ёзув тури каби жиҳатлардан унумли фойдаланиш мумкин. Буни Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асари мисолида кўришимиз мумкин. Асарда Эрон мамлакатида яшаб ўтган қадимги шоҳлар ҳакида ривоятларнинг кўплаб келтирилиши мусаввирдан Эрон ҳудудига тегишли хайкалтарошлиқ, амалий санъат намуналарини ўрганишга, улардан ёрдамчи материал сифатида фойдаланишга ундейди. Хомаки ишлаш учун рангли қоғозлардан фойдаланиш ёки темпера бўёғида турли рангларда муқова шаклини бўяб олиш тасвия қилинади. Рангли қоғоз сиртида қаламда чизилган шаклларни таг асосга мос рангда бўялганида иш натижаси тез кўринади. Сувли бўёқ турларидан ташқари олтин, кумуш рангларидан фойдаланиш мумкин.

Муқова хомакиси бўйича изланишлар олиб бориш жараёнида орттирилган аввалги тажрибаларга суюнилади ва ўхшаш кечади. Муаллиф, асар номи, тасвир ва безак уйғуналигига асар муқовасига мос композиция ишлаш учун кўп хомакилар ишлаш талаб килинади. Турли ранг уйғуналигига ишланган хомакилар жамланади, ўқитувчи ва талаба биргалигига мақсадли кўринишга эга бўлгани муқова асл нусхасини ишлаш учун асос қилиб танланади.

Замон билан ҳамнафас ишлаш, ёзув, тасвир ўлчамини аниклаш, синовлар ўтказиши, танлаш имкониятини ҳосил қилиш мақсадида компьютернинг CorelDRAW дастуридан фойдаланиб хомакилар ишланади. Вазифани бажариш давомида талабада мумтоз адабиёт китобларига муқова хомакиларини қаламда, рангда ишлаш, фактуралардан унумли фойдаланиш ва изланишлар олиб бориш бўйича кўнимкамлар ортади.

Асосий максад шарқ адабиёти дурдоналаридан бири “Шоҳнома” асарига мос бетакрор, улугвор, ноёб кўринишга эга муко-вани яратиш.

Муқова аслини ишлаш: Оқ когоз сатхидаги муқованинг ёйма ҳолдаги кўриниши чизилади. Темпера, гуашь бўёғида ёки улар омихтасида режадаги ранг икки маротаба бўялади. Доғсиз текис кўринишга эришилгач, қалам ёрдамида муқова олди, корешок ва орқа кисми ажратилади. Ёзув ва безак тасвиirlари енгил чизиклар билан чизилади. Асл нусханинг тоза кўринишини сақлаш мақса-дида хомакидаги ёзув ва тасвир шаффоф қоғоз ёрдамида асл сатхга ўтказилади. Ранг билан ишлаш жараёни олдинги тажриба-лар асосида олиб борилади. Вазифани бажариш давомида талаба-да китоб муқовасини бадиий талаблар асосида ишлаш, фактура-лардан унумли фойдаланиш, ёзув, тасвир қисмини қўлда бажариш, нашриёт талаблари асосида якунлаш бўйича кўникмалар ортади.

Форзац шии – муқованинг ички кисми: китобхон диккати жалб қилинмайдиган кўш варак. Шунинг учун форзац безаклари босик рангли қоғоз сиртида бажариш мақсадга мувофик бўлади. Шоҳнома матнида ов, жанг мавзулари ва фонтастик жониворлар; дев, пари, аждар, семурғ образлари кўп учрайди. Уларнинг тасвиirlари китобхонда доим қизиқиши уйғотади. Шуларни инобатга олган ҳолда форзацни фонтастик жониворлар тасвиirlари билан безатиш китобга бетакрорлик беради. Шунингдек, мусаввир ҳаёлот дунёсида эркин фикрлаш, чизишка чегараланмаган имкониятларни беради. Талаба истаганча ижодий ёндошиш имкониятига эга бўлади. Вазифа босик рангдаги қоғоз сиртида қалам, тушъ ёки бир икки рангдан фойдаланиб бажарилиши мумкин.

7.3. Шоҳнома китобининг зарварак ва сарварақларини безатиш

Зарварак хомакисини ишлашда мумтоз китоб безатиш санъатининг анъаналари билан танишиб чиқилади. Зарваракда Абулқосим Фирдавсийнинг бўй-басти кўринишдаги ёки портрети тасвиirlаниши, буюк шоир дастонларидан мисралар келтириш мумкин. Қадимги эрон ҳайкалтарошлиқ, амалий санъат асарлари

жаҳон санъати тарихида ўзига хос бетакрор ўринга эга. Вазифани бажаришда уларни таҳлил килиш ва хомаки ишлашда ижодий ёндошиб фойдаланиш мумкин. Ўқитувчи ва курсдошлар муҳокамасида хомакилар таҳлил қилиниб мавзу кенг ёритилган хомаки танлаб олнади ва асл кўриниши учун қалам тасвири ишланади. “Шоҳнома” достонининг зарварағи асл кўринишини ишлаш олдинги босқич вазифалари дагига ўхшаш жараёнларни ўзига камраб олади. Улар қоғоз сатҳига варак шаклини чизиш, ёзув ва тасвир ўрнини белгилаш, графит қалам билан муаллиф ва достон номини ёзиш, тасвир, безакларни чизиш ва уларни тушъ ёки кора бўёклар билан ишлаб якунлашдан иборат бўлади. Иш жараённида озодалик, сифат, бадиийлик, нашриёт ва босмахона талаблари эътиборга олиб ишланилади.

Сарварак вазифаси: муаллиф, китоб, нашриёт ва шаҳар номи шунингдек, китоб мазмунига мос шартли тасвир сурати ишлашдан иборат бўлади. Муаллиф ва китоб номини ёзишда муковада ишлатилган ёзув усулидан фойдаланиш мумкин. Сарварак марказида қадимги Эрон ҳайкалтарошлигига кўп учрайдиган шоҳ қудрати рамзини билдирувчи қанотли шер, одам бошли шер ҳайкали сингари рамзий тасвирлар ёки амалий санъатида кенг ишлатилган нақш наъмуналаридан фойдаланиш мумкин. Асар воеалари узоқ тарихдаги шоҳлик даврлари ҳақида ҳикоя қилиниши, катта ёшдаги ўқувчига мўлжалланганини инобатга олиб зарварак, сарварак босик ранглар ёки қора-ок кўринишда ишланиши тавсия қилинади.

Ҳар икки варақ ҳошия чизиклари, тасвир ўлчамлари, ранлари-нинг уйғун бўлиши қўшваракнинг яхлит композиция кўринишда бажарилишига эътибор берилади. Ёзув ҳамда рамзий тасвир турини танлаш, ўлчамини аниқлаш, варақ сатҳида жойлашиш ўрнини белгилаш каби ўхшаш иш жараёнларида компьютернинг CorelDRAW дастуридан фойдаланиш вақтни тежаш ва иш унумини ошириш, замон билан ҳамнафасликда ишлашга ўргатади ҳамда у бугунги кунга кадрлар тайёрлаш юзасидан қўйилган давлат талабларига мос келади.

Мавзуга доир топшириқлар

1. Абулкосим Фирдавсий мероси билан танишиш.
2. “Шоҳнома” достонини ўқиш ва асар гоясини тушуниш.

3. Темирчи Кова кўзғолони, Сол ва Зол қиссаларини ўқиши.
4. Темирчи Кова ва шоҳ Зоҳҳок тасвиirlарини ишлаш.
5. “Сиёвуш” достонини ўқиши ва унинг ғоясини мухокама килиш.
6. Сиёвуш воқеаларига композиция ишлаш.
7. “Рустам” достонини ўқиши ва унга композиция хомакисини ишлаш.
8. Фирдавсийнинг тасвирини ишлаш.
9. “Шоҳнома” достонига композициялар ишлаш.
10. Компьютер график дастурларида муқова кўринишларини бажариш.

Назорат учун саволлар

1. Фирдавсий ҳаёти ҳақида нималарни биласиз?
2. Асадаги Кова қўзғолонининг сабаблари нима эди?
3. Асадаги Сиёвуш қандай синовдан ўтади?
4. Асадаги Баҳром қандай шахс сифатида сизда таассурот колдирди?
5. Асадаги Рустам қандай шахс?
6. “Шоҳнома” достонига ишланган қайси мумтоз миниатюраларни биласиз?
7. Мусаввир Султон Муҳаммаднинг қайси асарларини биласиз?
8. Достонда қандай фантастик образлар учрайди?
9. Вазифаларни бажариш давомида янги билимларга эга бўлдим, деб ҳисоблайсизми?
10. CorelDRAW дастуридаги “Палец” асбоби нима вазифани бажаради?

Мавзунинг ўкув мақсади

А.Фирдавсийнинг буюк “Шоҳнома” асарини ўқиши, ундаги дастлабки шоҳлар – Каюмарс, Хушранг, Таҳмурас, Жамшид, Заҳҳок, Суҳроб ва Сиёвушнинг қаҳрамонлик қиссалари, Рустами достоннинг ажойиб саргузаштлари ҳақида ўқиши достон қаҳрамонларининг ғайриоддий жасоратлари мавзусидан келиб чиқиб достон каттиқ муқоваси, корешок қисми, форзац, зарвараfiga композиция хомакиларини ишлашда компьютернинг график дастурларида изла-

нишлар олиб бориш, асл нусхаларни ишлашда мос хат ва безак турларини танлаш, муковани рангдаги күринишини топишда асос ранги ва ёзув, безакни күрсатишда ўзаро уйғун рангларни топиш, сифатли бўяб якунлашда нашриёт, босмахона талабларини инобатга олиб бажариш бўйича талабада керакли кўникмаларни шакллантириш ва мустахкамлашдан иборат.

7.4. Шоҳнома китобига иллюстрациялар ишлаш

А.Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асари турли афсонавий ва романтик қаҳрамонларга бой бўлиб, уларнинг кўплаб жасоратлари мусаввирлар учун доимий илҳом манбаи бўлиб келмоқда. “Шоҳнома” достонига Самарқанд, Бухоро, Ҳирот, Исфахон, Табриз каби машҳур миниатюра мактабларининг мусаввирлари кўплаб миниатюра суратларини ишлашган.

Асар темирчи Кова қўзголони, Зол ва Сом, Сиёвуш, Баҳром воқеалари паҳлавон Рустам ва Сухробнинг гаройиб жасоратларига жуда бой.

Достон мавзуси билан танишиш давомида талаба ўзига мақбул воқеаларни белгилаб олади.



52-расм. Сиёвушнинг олов билан синалиши. Самарқанд мактаби

Мумтоз мусаввирларнинг “Шоҳнома” асарига багишилаб ишланган миниатюра асарлари билан танишади, уларнинг композиция тузилишини муҳокама қиласди.

Кичиклаштирилган ёки асл варак ўлчамида графит қалам билан хомакилар ишлашда китоб руҳига мос улуғворлик, бетакрорлик, китобхонни ўзига жалб қиласидиган композициялар кидирувини олиб боради. Статик ва динамик кўринишларнинг бир суратда жамланиши иллюстрацияга бетакрорлик бериш билан бирга, достон воқеаларини тасвир оркали ўқувчига тўлақонли кўрсатишга хизмат қиласди. Сурат хомакисида тасвир ва ҳошияning уйғунлашиб, яхлит композиция ҳосил килишига ҳаракат килинади. Ҳошия қисмини бир ранг билан қанотли шер, қанотли кийик, аждар каби мазмунга мос ҳаёлий жониворлар тасвири билан бойитиш мумкин.

Хомакилар ишлашда бадиий график ашёларнинг барча турларидан эркин фойдаланилади, варакда тасвирларнинг композиция жойлашувлари бўйича изланишларда аппликация усулидан фойдаланилади. Ўзи истаган ашёларда ишлаш, фактура ишлатиш, ўз усулини кидириш, синовлар ўтказишлар талабага ижодий ва руҳий эркинликпли беради. Суратлар хомакисини ишлаш, ҳошияга накш турини танлаш, ранг уйғунлиги бўйича изланишлар олиб бориш, синовлар ўтказишда компьютернинг график дастурларидан фойдаланиш тавсия қилинади. Вазифани бажариш жараёнида талабада романтик руҳдаги китоб матнига композиция хомакиларини қаламда, рангда ишлаш, фактуралардан унумли фойдаланиш, изланишлар олиб бориш бўйича тажриба ва кўнникмалари ортади, малака ҳосил қиласди.

Иллюстрациялар аслини ишлаш


Ўқитувчи ва талаба муҳокамасида ишланган хомакилар таникдий ўрганиб чиқиласди. “Шоҳнома” руҳига мос хомакилар ичидан композиция ечимида бадиийлик, ижодий ёндашувлик юкори бўлгани асл кўринишни ишлаш учун асос қилиб олинади. Варак шакли чизилиб, ҳошия қисми ажратилиади. Катаклар ёрдамида хомакидаги композиция тасвири янги варак шаклига кўчирилади.

Қаламтасвир ишларида табиат, бино, инсон, турли жонивор тасвирларини яхлит рангларда турлайди. Ёрдамчи қисмлар –

дарахт, тошлар, ўсимлик дунёси, бино, нақш, гирих, либос безаклари, рангланган шакллар устидан енгил калам чизикларида чизиб олингач, турланади. Сиёҳкалам чизиклари тортилиб, инсоннинг юз қисмларини ишланади.

Хошия қисмида нақш безакларини турлаш, сиёҳкалам билан яқунлаш жараёни ҳам бирга олиб борилиши ёки иккинчи боскич сифатида ишланиши талаба ихтиёрида бўлиб, ўзи ёқтирган кетма-кетликда кўнишка ҳосил қилган усулда бажариши мумкин. Иш вақтида озодаликни саклаш максадида ишланмайдиган асар қисми ёки бутун ҳошия қисмини шаффоф қоғоз билан ёпиб ҳимоя килиш тавсия қилинади. Ранг тайёрлаш ва ишлашда ранглар, туслар уйғунылигига эришиш, назорат қилиш, саклаб қолишда ўқитувчи маслаҳати асосида олиб борилади. Композиция ҳошияси, гирих, нақш ҳошияси, бино қисмларидаги тўғри ва нозик чизикларни бажаришда ресфедр асбобидан унумли фойдаланиш тавсия қилинади. Инсон тасвирларида ижобий ёки салбий қаҳрамонларни илиқ, туси оч ёки совук ранг иштирокидаги туси тўқ ранглар оркали кўрсатиш бўйича маслаҳатлар берилади. Вазифани бажариш давомида талабада китоб матнидаги воеаларни тасвир оркали ўкувчига етказиш, нашриёт ва бозор талабларига жавоб берадиган, бадиийлиги пухта бўлган ички суратлар ишлаш бўйича кўникамлари ортади ва малакаси мустаҳкамланади.


*A. Фирдавсийниншг
“Шоҳнома” асарига ишланган
миниатюра асарларидан
намуналар*



53-расм. Шох Зоҳҳак мавзусига бағишиланган мумтоз сурат



54-расм. Зоҳҷак воқеасига ишиланган иллюстрация. Талаба иши



55-расм. А.Фирдавсийниниң “Шоҳнома” китобини безашда миниатюра асарларидан намуналар вазифаси. Сарварақ, зарварақ ва иллюстрациялар. Талаба иши мисолида.



56-расм. “Шоҳнома” киобига ишланган талаба иши

Мавзуга доир топшириклар

1. Абулқосим Фирдавсий мероси билан яқиндан танишиш.
2. Қадимги Эрон амалий санъати билан танишиш.
3. Хат турлари билан танишиш.
4. Асар руҳига мос безак турларини излаш.
5. Сиёвуш достонини ўқиш ва унинг ғоясини муҳокама қилиш.
6. Сиёвуш воқеаларига композиция ишлаш.
7. Рустам достонини ўқиш ва унга композиция хомакисини ишлаш.
8. Шоир тасвирини ишлаш.
9. “Шоҳнома” достони воқеаларига композициялар ишлаш.
10. Компьютер график дастурларида мукова қўринишларини бажариш.

Назорат учун саволлар

1. Фирдавсий ҳаёти ҳақида нималарни биласиз?
2. Достон қармонларидан кимлар ёдингизда қолди ва нима учун?
3. Достоннинг фалсафий гояси нимада деб биласиз?
4. Замондош мусаввирлардан кимлар бу достон воқеаларига сурат ишлаган?
5. Асаддаги Сухроб қандай шахс сифатида сизда таассурот қолдирди?
6. “Шоҳнома” достонига ишланган кайси мумтоз миниатюраларни биласиз?
7. Ушбу достон билан ўз ижодий фаолиятингизни боғлашни истармидингиз? Султон Муҳаммаднинг кайси асарларини биласиз?
8. Adobe Photoshop дастурининг вазифалари нималардан иборат?
9. Вазифаларни бажариш давомида янги билимларга эга бўлдим, деб хисоблайсизми?
10. Adobe Photoshop дастуридаги “Штамп” асбоби кайси вазиятда кўлланилади?
11. CorelDRAW дастуридаги “Палец” асбоби нима вазифани бажаради?

Мавзунинг ўқув мақсади

“Шохнома” достонига ички сурат композицияларини ишлашда асар воқеаларини солиштириш, мухокама килиш, турли қаҳрамонлар жасоратига бағишилаб композиция хомакиларини қалам ва рангдаги изланишларида композицияни доира усулида топиш, силуэт усули, аппликация усулларидан унумли фойдаланиш, асл нусха сиртига тасвирларни ўтказиш, ранг уйғунлигига дөғсиз бўяш, безак турларини ўринли кўллаш, сиёҳқалам чизиклари билан ички суратларни якунлашда ҳар бирининг бетакрорлигига эришиш бўйича талабанинг кўнижмаларини мустаҳкамлаш, ижодий фикрлаш, ижро килиш фазилатларини ошириш, умумий мала-каларни шакллантиришдан иборат.

VIII БОБ. XIX–XX АСР ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

Вазифа: XX аср ўзбек адабиёти вакилларидан бирининг китобини бадиий безаш.

Китоб муқоваси, зарварақ, иккита иллюстрация ишлаш.

8.1. Назарий қисм

Ўзбек романчилиги дунё романчилигига Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар”, “Мехробдан чаён” асарлари оркали кириб келди. Бу икки буюк асар ўзининг миллийлиги, халқчиллиги билан романчилигимизга асос солди. Роман мавзусини суратлар оркали ўқувчига етказиш ҳар бир ўзбек мусаввири учун шарафли вазифа хисобланади. Ҳар икки роман яқин ўтмиш, хонлик даврида юртимизда бўлиб ўтган ҳаётйи воқеалар асосида ёзилган. Роман Отабек ва Кумуш, Анвар ва Раъононинг соғ мұхаббатининг турли синовлардан ўтишига, муаллиф ибораси билан айтганда, тарихимизнинг қора кунларига бағищланган.

Мавзу танлаш учун талаба икки романдан бири билан яқиндан танишиб чикади. Ўқиши давомида ўзини тўлқинлантирган воқеаларни мавзу сифатида белгилаб олади. “Ўтган кунлар”, “Мехробдан чаён” романларидаги ўзини тўлқинлантирган воқеаларни мавзу сифатида рўйхатини тузиб олади.

Шунингдек, XX аср ўзбек адабиётининг йирик вакиллари Чўлпон, Фитрат, Ойбек, Мирзакалон Исмоилий, Пиримкул Қодиров, Ўлмас Умарбеков,Faфур Ғулом, Абдулла Қаҳхор, Сайд Ахмад, Ўткир Хошимов, Мирмуҳсин, Шухрат, Хуршид Даврон, Тоҳир Малик кабиларнинг яқин тарихимиз иккинчи жаҳон уруши давридаги меҳнаткаш халқимизнинг оғир ҳаёти, тикланиш даври, бунёдкорлик воқеалари, ижодкор, изланувчан ёшлар ҳаёти, мұхаббатига бағищланган роман, қисса ва ҳикоялари вазифа мавзуси бўла олади.

Мавзу танлашда миллийлик, халқимиз эркесварлиги, босқинчиларга қарши олиб борган қаҳрамонлик курашлари, саркардалар,

ижодкорлар, жаҳон илм фани тараққиётига хисса қўшган олимлар хаётига бағишланган мавзулар устувор хисобланади.

8.2. Ўзбек ёзувчиларидан бирининг китобига муқова ишлаш

Роман китоблар ўзбек хонадони аъзолари томонидан қайта-қайта ўқилиши кўзда тутилиб, қаттиқ муқова билан нашр қилинади. Хомакилар ишлашда олдинги вазифаларни бажариш давомида орттирилган тажрибаларга таянилади.

Муқова хомакисини ишлашда усти корешок, муқова ортидаги безак ўрни, муаллиф, роман номи, ёзув ўрни ва уларнинг ўзаро ўлчам нисбатларини аниқлаш бўйича қаламда изланишлар олиб борилади. Хат тuri лотин ёки кирил алифбосига асосланиб танланади. Роман воқеалари ҳаётдан олингандиги, мавзусининг жиддийлигини инобатга олиб, унда кўп безаклар чизиш, хашамдорлик ортиқча хисобланади. Муаллиф, асар номи, тасвир уйғунлигига роман муқовасига мос композиция ишлаш учун қўплаб хомакилар ишлаш талаб қилинади. Вазифа муқованинг ёйилган ҳолдаги, яъни корешок ва орка қисми билан бирга қўшиб ишлашни назарда тутади.

Муаллиф ва китоб номини нафақат муқовада, балки кичик ўлчамда корешок қисмида ҳам жойлаштириш керак бўлади. Китоб муқовасининг олд ва орка томонини бирга қўшиб ишлаш ёки улар алоҳида ва мустакил композициялар билан безатилиши мумкин. Бу муқова вазифасини бир оз мушқуллаштиради. Хомакилар ишлаш жараённида муқовасининг икки томони безатилган нашрдан чиқан китоблар намуна сифатида ўрганилади. Бир ёки икки рангда, график йўналишда ишланган хомакилар жамланади, ўқитувчи ва талаба биргаликда танқидий кўз билан муокама киладилар ва энг мақбули муқова асл нусхасини ишлаш учун асос килиб танланади.

Замон билан ҳамнафас ишлаш, ёзув, тасвир ўлчамини аниқлаш, синовлар ўтказиш, танлаш имкониятини ҳосил қилиш максадида компьютернинг CorelDRAW дастуридан фойдаланиш тавсия қилинади.

Вазифани бажариш давомида талабада ўзбек ёзувчиларининг роман ва асарлари муковасига хомакилар ишлаш бўйича тажрибалари ортади.

Муқова аслини ишлаш. Муқовада энг муҳим жойи бу китоб номи ҳисобланади. Роман мавзусига мос шрифт танлашнинг ахамияти катта бўлиб хат тури, ўлчами воситасида муковани тасвирсиз безаш ҳам мумкин.

Муқовага чизиладиган тасвир матндан бирор воқеага багишланган ёки роман гоёсини очиб берувчи умумлаштирилган тасвир бўлиши мумкин. Асл кўринишни ишлаш учун оқ қоғоз сатҳида мукова шакли чизилади. Чизилган шакл темпера бўёғида режадаги ранг билан икки маротаба бўялади. Догсиз текис кўринишга эришилгач, қалам ёрдамида ёзув ва тасвиirlар енгил чизиклар билан чизилади. Асл нусханинг тоза кўринишини саклаш мақсадида хомакидаги ёзув ва тасвири шаффоф қоғоз ёрдамида бўялган сатҳга ўтказиш ҳам мумкин. Бир ёки икки рангдан фойдаланиб, ёзув ва тасвиirlнинг ташки чегараси чизилади ва ўрта кисми режадаги рангда бўялади. Вертикал ва горизантал түғри чизиклар ресфедр ёрдамида чизилади. Вазифани бажариш давомида талабада замонамиз ёзувчилари китобларининг каттиқ муковасини бадиий кўринишда, нашриёт ва китоб бозори талаблари асосида бажариш, мустакил фикрлаш, қарор кабул қилиш, сифатли якунлаш бўйича кўнималари ортади ва малакаси мустаҳкамланади.

Мавзу танлашда А. Қодирийнинг “Ўтган кунлар” ёки “Мехробдан чаён” романларига мурожат қилинганда иккита сурат ишлаш режалаштирилган бўлиб, улар мавзу жихатдан турлича бўлиши керак. Агар биринчи иллюстрация Отабек ва Кумушнинг учрашуви, баҳтли онларига бағищланса, иккинчиси унга тескари равишда хижрон, айрилиқдаги воқеалар мавзу бўлиши мумкин. Бу талабани композиция ишлаш, ранг танлаш, қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатларини турлича талқин қилиш изланишга ундайди

8.3. XX аср ўзбек ёзувчиларининг китобига зарварак ва сарварақ ишлаш

Зарваракда китоб муаллифининг сурати ва у ҳақда муҳим маълумот ёки айтган ибратли сўзи келтирилади. Муаллиф портрети енгил чизиклар ёрдамида бажарилиши, сарварақ билан уйғун

қўриниши, ўқувчи дикатини тортмаслиги лозим. Зарварак вазифасини бажаришда графит қалам, кора тушдан ишлаш анана тусига кирган бўлсада талаба истаган ашёсидан фойдаланиши мумкин.

Сарварак ишлаш. Талаба зарварак хомакисини ишлашга киришишдан олдин XX аср ўзбек ва хориждаги китоб безатиш санъатининг сўнгги янгиликлари билан интернет тармоги орқали танишиб чиқиши фойдали хисобланади. Сарварак композициясига хомаки ишлаш жараёни олдинги вазифалар каби бажарилади. Хомаки ишлашда график ашёлар: графит қалам турлари, тушь, перодан эркин фойдаланилади. Ёзув қисмида хат тури адабий асар мавзусидан келиб чиқиб танланади. Ёзув ҳамда рамзий тасвир турини танлаш, ўлчамини аниклаш, варак сатхидаги ўрнини белгилаш каби ўхшаш иш жараёнларида компьютернинг Corel DRAW дастуридан фойдаланиш – вактни тежаш ва иш унумини ошириш, замон билан ҳамнафасликда ишлашга ўргатади. Сарварак марказида шартли тасвирлар орқали китоб мавзусини очиб бериш мумкин. Мисол; икки ёш муҳаббати рамзи сифатида, кабутар, атир гул тасвирларидан фойдаланиш, паймол этилган баҳт рамзини кўрсатишда сўлган гул, ўчган шамчироқ, куёш юзини беркитган кора булат ва бошқа рамзий тасвирлардан фойдаланиш мумкин.

Ўзбек ёзувчиларининг романларини безаш, сарварак вазифасида ижодий фикрлаш, мавзуни очишда рамзий шакллардан фойдаланиш бўйича тажрибаларини оширади. Изланиш даврида чизилган хомакилар танкидий назар билан тафтиш килиниб бадиийлиги юкори бўлган хомаки асл қўринишини ишлаш учун асос килиб олинади. Ок қоғоз сатхидаги китоб варагининг шакли чизилиб, муаллиф, роман номи ва марказда кичик ҳажмда рамзий тасвирлар графит қалам билан чизилади. Чизгиларнинг тўғрилиги ва аниқлиги кўриб чиқилиб, кора тушь, перо, мўйқалам билан иш жараёни олиб борилади ва якунланади. Иш жараённада озодалик, сифат, бадиийлик, нашриёт ва босмахона талаблари эътиборга олиб бажарилади. Вазифа талабада ўзбек ёзувчиларининг романларини безаш, сарварак ишлаш бўйича малакаларини шакллантиради.

Сарварак асл қўринишини ишлаш – Ок қоғоз сатхидаги китоб варагининг шакли чизилиб, тепада муаллиф исм-шарифи

кейинги каторда, роман номи ва марказда кичик ҳажмда рамзий тасвиirlар графит қалам билан чизилади. Чизгиларнинг тұғрилиги ва аниқлиги асосида кора тушь, перо, бүек, мүйқалам билан иш жараёни олиб борилади. Иш жараёнида озодалик, сифат, бадий-лик, нашриёт ва босмахона талаблари эътиборга олиб бажарилади. Вазифа талабада ўзбек ёзувчиларининг романларини безаш, сарварақ ишлаш бўйича малакаларини мустаҳкамлайди.

8.4. Роман китобига иллюстрациялар ишлаш

XX аср ўзбек ёзувчиларининг адабий асарлари мавзулари мазмунан бир-бирига үхшамайди. Шавкатли тарихимиз сахифаларидаги Мирзакалон Исмоилийнинг “Темур Малик”, Пиримкул Қодировнинг “Бобур”, Хуршид Давроннинг “Нажмиддин Кубро” каби тарихий мавзудаги романлари қаҳрамонларининг хаёти, жасорати хар бир рассомни илҳомлантирувчи ва тасвирий санъят асарини ишлашга ундовчи образлардир. Бундай жиiddий мавзуларга композиция ишлашдан олдин талаба роман матни билан чукур танишиб чикиши, воқеаларни кўз олдида жонлантира олиши керак бўлади.

Романин ўқиш давомида иллюстрация композициясини ишлаш учун мавзуларни матн кетма-кетлигига белгилаб олинади. Асл ўлчамнинг ярмига teng шаклларда қалам билан композиция хомакиларини ишлашга киришилади. Китоб иллюстрацияси композициянинг тузилиши икки ёки уч ўлчамликка асосланишини талаба мустакил ҳал килади. Ҳар икки холда ҳам тарихий даврни ишонарли тасвиirlash мақсадида бино, инсон лиbosлари, жанг қуролдари, рўзгор анжомлари кабилар тарих музеий экспозициялари тимсолида ва мумтоз миниатюра суратларидан фойдаланиб ўрганилади. Адабий асар воқеаларига тасвиир ишлашда олдинги вазифаларни бажаришдан орттирилган тажрибаларга таянилиб, ҳар бир иллюстрацияни бетакрор ва бадий кўринишда ишлаш мақсад килинади.

Вазифадаги икки иллюстрациянинг композицияси асарнинг турли воқеаларига бағищаниши керак. Мисол: Пиримкул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романни тимсолида тасаввур килсак, биринчи сурат Бобурнинг ёшлик даври чавандозлик, камон отиш

машғулотларига бағишиланса, иккинчиси - унинг етук саркарда ёки бетоб ўғлининг түшаги ёнида дуо ўқиётган меҳрибон ота киёфасида тасвирланиши мумкин. Бундай романнинг бош, ўрта ёки сўнгги воқеаларининг мавзу сифатида танланиши рассомдан бир қаҳрамон киёфасининг такрорланмаслиги, турли қиёфалар устида жиддий изланишлар олиб боришга, инсон руҳий кўрининшини очиш юзасидан кўп меҳнат қилиш, изланишга ундейди.

Иллюстрацияларнинг ранг ечимларида хам чегараланган ёки бир ранг тусларидан фойдаланиб ишлаш мақсадга мувофиқ келади. Хомакилар ўқитувчи, талаба ва курсдошларнинг холисона мухокамасида кўриб чиқилади, улардан бадиий жиҳати юкори бўлган, мавзуни очиб берувчи, композиция жиҳати мукаммал бўлгани танлаб олинади ва асл нусхани ишлашда асос қилиб олинади.

Иллюстрация хомакисини ишлаш. Вазифада роман мавзусига икки сурат ишлаш режалаштирилган. Талаба китобни мутолаа қилиши давомида сурат ишлаш мумкин деб билган воқеалар рўйхатини тузиб олиши керак бўлади. Мавзуни белгилашда улар китобнинг турли қисмларидаги воқеаларга багишланиб, ундаги иштирок этувчи инсонлар сони ва руҳий мухитнинг турлича бўлишига эътибор берилади.

Роман мавзуларидаги барча воқеалар бош қаҳрамонларнинг учрашуви, зиддиятли ҳолатлар, уларнинг руҳий кечинмаларига багишлаб сурат ишлаш мураккаб вазифалардан бири хисобланади. Роман мавзуси ҳаётий воқеалар асосида ёзилганлиги учун олдинги боскич вазифаларида бўлган фантастик жониворлар, жанг саҳналарининг тасвири бу ерда учрамайди. Инсон тасвирлари ва либосларида ортиқча безақдорликдан фойдаланилмайди, аксинча барча тасвирлар ҳаётийлик, ҳақоний кўринишда инсонлар юз тасвирларида қаҳрамоннинг руҳий ҳолатларни очиш бериш вазифасини бажариш мақсад қилиб қўйилади. Инсон қоматлари, либослари, уй жиҳозлари, биноларни ишонарли тасвирлаш мақсадида музейлардан романда тасвирланган асрга оид материаллар йигилади. Барча хомакилар ўқитувчи ва курсдош талабаларнинг холисона мухокамасида кўриб чиқилиб, афзал топилгандар асл нусхани ишлаш учун танланади.

Иллюстрациялар аслини ишлаш: танланган хомаки тасвирларни катаклар ёрдамида ёки кўз ўлчамида оқ қоғоз сатҳига ўтказилади. Тасвирдаги инсон танаси ва бошқа шакллар академик

усулда бажарилади. Иллюстрация ишлашга режалаштирилган ашё ёрдамида асосий шакллар чизиклар билан ўраб чиқилади. Сурат рангда ишланса, олдин фон қисми бўялиб, сўнгра инсон тасвирини ишлашга киришилади. Ички сурат қора тушъ, перо, графит қаламлар туркумida бажарилиши кўзда тутилган бўлса, олдин инсон тасвирлари ишлаб чиқилади.

Бош қаҳрамон руҳий ҳолатини очишда инсон ҳаракати, юз мимикаси тўғрисидаги чизматасвир билимлари, енгил соя ва ёрут нисбатларидан фойдаланиш кўл келади. Китобнинг икки ички суратларини ишлаш жараёни турли кўринишга эга бўлишига карамай ўхшаш кечади.

Вазифа талабада талабада уч ўлчамлилик асосида композиция ишлаш, инсон тана, юз кўринишида руҳиятни очиб бера олиш бўйича тажрибаларини орттиради ва кўникмалар ҳосил қиласи XX аср ўзбек ёзувчиларининг йирик адабий асарлари, романларини юкори савиядаги ички суратлар билан безаш бўйича кўникмаларини мустаҳкамлайди, касбий малакаларини шакллантиради ва оширади. XX аср адабиёти мавзулари ҳаётий воқеалардан иборат эканлиги ва талабада турли усулларда китоб суратларини ишлаш кўникмаларини ҳосил килиш максадида бу вазифалар уч ўлчамликка асосланган усулда бажарилади. Тасвирларни чизиша академик усулни кўллаш назарда тутилади. Асар қаҳрамонларининг руҳий ҳолатини соя-ёргу нисбатларидан фойдаланиб очиб беришда талабанинг чизматасвир, рангтасвир фанларидан олган амалий билим ва тажрибалари кўл келади.

Вазифада “Ўтган кунлар” романига иккита сурат ишлаш режалаштирилган бўлиб, улар мавзу жиҳатдан турлича бўлиши керак. Агар биринчи иллюстрация Отабек ва Кумушнинг учрашуви, баҳтли онларига бағишлисанса, иккинчиси унга тескари равиша хижрон, айрилиқдаги воқеалар мавзу бўлиши мумкин. Бу талабани композиция ишлаш, ранг танлаш, қаҳрамонларининг руҳий ҳолатларини турлича талкин килишга ундейди.

Қодирийнинг “Мехробдан чаён” романига ишланган муко-вада талаба кутилмаган, янгича назар билан ёндошган. Тепадан тушаётган донишмандлик, серфарзандлик рамзини билдирувчи анор мевалари икки ёш устига ёғилаётгандай. Роман иллюстрасиялари графит қаламда бажарилган. Биринчи суратда Раънонинг

отаси томондан танбек олиши воеаси тасвирланган. Иккинчи суратда Анвар Мирзонинг дор остида жаллод ёнида тасвирланган.

Жаллод обазида талаба шавқатсиз киши рухиятини ёркин очиб берган дейиш мумкин. Анварнинг бошини тик тутиши, келажакка қараган нигохи ҳам унинг ўлим олдида ҳам ўз муҳаббатига содиклиги, кучли ироди эгаси сифатида кўрсатилган. Ҳар икки суратда ҳакка кушларининг иштирокида рамзий маъно киритишга уриниш сезилади. Халқ орасида бу кушлар чакимчи, жарчи, маъносида қабул қилинади. Суратда улар воеадан бизни хабардор қилишга тайёрдек тасвирланган. Талаба олдинги ва-зифаларда икки ўлчамлик асосида ишлаб келганлиги ва бу ишда илк бор уч ўлчамлик усулида оддий қалам воситасида чизилган суратларда муваффакиятга эришган дейиш мумкин.

Абдулла Қодирий

Мехробдан чаён



57-расм. Китоб муқоваси



58-расм. “Мехробдан чаён” романыга ишланган иллюстрациялар.
Талаба иши.





59-расм. Марифатпарвар ёзувчи Чүлпоннинг
Кеча ва Кундуз романига ишланган суратлар



610-расм. Құлпоннинг “Кечә ва Қундуз” романыга ишиланған суратлар.
Талаба иши.

Мавзунинг ўқув мақсади

Мавзу: кенг кўламли бўлиб XX аср ёзувчиларимизнинг асарларига мурожат қилиш, бадий безатиш максад килинган. Ўзбек адабиёти романчилигига асос солган А.Қодирий романлари билан яқиндан танишиш, асар қаҳрамонларининг кечмишларини кўз олдига келтириб ундаги воқеаларни тасвир тилига айлантириш йўллари хақида фикрлаш, китоб суратларида бетакрорликка эришиш бўйича изланишлар олиб бориш, китоб муковаси, зарварак, сарварақ ёзувлари учун хат турини танлашда компьютернинг график дастурларидан унумли, мақсадли фойдаланиш, иллюстрациялар асл нусхаларни ишлашда масъулият билан ёндошиш, роман қаҳрамонларининг ички дунёсини очиб бериш, бугунги кун китобхон, нашриёт, китоб савдоси талабларига жавоб берадиган, юқори савияли бадий суратлар ишлаш бўйича қўникмаларни мустаҳкамлаш ва малакасини оширишдан иборат.

Назорат учун саволлар

1. А. Қодирий ҳаёти ҳақида нималарни айта оласиз?
2. “Ўтган кунлар” ва “Мехробдан чаён” романларининг ўхшаш томонлари нимада?
3. “Ўтган кунлар” романини безашда қайси график ашёлардан фойдаланиш тўғри бўлади?
4. Тарихий мавзуда ижод қилган ўзбек ёзувчиларидан кимларни биласиз?
5. Романлардаги салбий образларнинг ўхшаш томонлари нимада?
6. Китоблар нима учун қаттиқ муковада чиқарилади?
7. Худойберди Тўхтабоевнинг “Қасоскорнинг олтин боши” романни қайси тарихий шахс ҳаёти асосида ёзилган?
8. Иллюстрацияда мазмунни очища рангларнинг аҳамияти борми?
9. Пиримқул Қодировнинг қайси романларини биласиз?
10. Компьютернинг қайси график дастурларида мустакил ишлай оласиз?
11. Вазифаларни бажариш давомида янги билимларга эга бўлдим деб ҳисоблайсизми?

Мавзуга доир топширикълар

1. А. Қодирий ижоди билан яқындан танишиш.
2. “Үтган кунлар”, “Мехробдан чаён” романларини ўқиш, таҳлил қилиш.
3. Роман қаҳрамонлари тасвирининг турли кўринишларини қаламда ишлаш.
4. Кумушбиби, Раъно тасвирларини турли кўринишда ишлаш.
5. Аппликация усулида композиция кидиравларини олиб бориш.
6. Китоб номига мос шрифт танлаш.
7. Салбий қаҳрамонлар образларини очиш бўйича қаламда изланиш.
8. CorelDRAW дастурида зарварак хомакисини ишлаш.
9. CorelDRAW дастурида муқова асос рангларини танлаш.
10. А.Кодирий ва бошқа адиллар асарларини ўқиш.

Мустақил иш топшириқлари

Мустақил иш топшириқлари назарий ва амалий қисмларни қамраб олади. Назарий қисмда китобнинг инсоният тараккиётидаги аҳамияти, ашёлари, қоғоз турлари, тузилиши, унинг таркиби хақида ўз билимларини кенгайтириш учун қўшимча адабиётлар, интернет тармогидан керакли ва янги маълумотларни ўқыйди. Талаба боскич вазифаларида қўшимча адабиётларни мутолаа килиш орқали ўз фикр доираси ва дунёкарашини кенгайтириш билан шугулланади. Роман қарамонлари тасвирларини ишлашда руҳий ҳолатни очиб бериш бўйича амалий машқларни бажариш.

Мавзулар юзасидан тест саволлари

1. Биринчи ўзбек график рассоми ким?

- а) Рахим Ахмедов
- б) Неъмат Қўзибоев
- в) Искандар Икромов
- г) Маннон Сайдов

2. График рассом номи ...

- а) Тилаб Махмудов
- б) Искандар Воҳидов
- в) Мухамадиёр Тошмуров
- г) Эркабой Машарипов

3. Графика сўзининг маъноси ...

- а) рангли
- б) деворий сурат
- в) ёзаман, чизаман
- г) китоб сурати

4. Марказий Осиё миниатюра мактаблари қайсилар?

- а) Табриз, Исфахон
- б) Самарқанд, Бухоро, Шоҳрухия
- в) Исфахон, Қазвин
- г) Шероз, Ҳирот

5. Мумтоз мусаввирлар мўйқалам тайёрлашда фойдаланган жонивор юнги қайси?

- а) от юнги
- б) кийик юнги
- в) мушук юнги
- г) қўзи юнги

6. Ҳусайн Бойқаро суратини ишлаган мусаввир ким?

- а) Оға Мирак
- б) Султон Муҳаммад
- в) Камолиддин Бехзод
- г) Қосим Али

7. А.Темур ҳаётига бағишиланган «Зафарнома» китобининг ёзган муаллиф ким?

- а) Фирдавсий
- б) Жомий
- в) Алишер Навоий
- г) Шарафиддин Али Яздий

8. «Шоҳнома» асари кимнинг қаламига мансуб?

- а) Юсуф Хос Хожиб
- б) Абулқосим Фирдавсий
- в) Алишер Навоий
- г) Ҳусрав Дехлавий

9. XX асрдаги машҳур ўзбек китоб график рассоми ким?

- а) Абдуқаҳхор Мажкамов
- б) Ҳикмат Раҳмонов
- в) Содик Раҳмонов
- г) Фарҳод Сулаймонов

10. Ўзбекистонда миниатюра санъатининг қайта тикланиши даври ...

- а) 1950 йиллар
- б) 1960 йиллар
- в) 1970 йиллар
- г) 1980 йиллар

11. Шайбонийхон суратини чизган мусаввир ким?

- а) Султон Муҳаммад
- б) Камолиддин Бехзод
- в) Оға Мирак
- г) Қосим Али

12. Китоб безаш учун мослашган компьютер дастури қайси?

- а) Adobe Photoshop
- б) Corel DRAW
- в) Pover Paint
- г) Microsoft Word

13. Алишер Навоий суратини чизган мусаввир ким?

- а) Камолиддин Бехзод
- б) Султон Мухаммад
- в) Мухаммад Мурод Самарқандий
- г) Қосим Али

14. Анъанавий қоғоз грунти учун ишлатилган крахмал ...

- а) гуруч крахмали
- б) картошка крахмали
- в) бугдой крахмали
- г) сунъий крахмал

15. Суратга ишлов бериш учун мослашган компьютер дастури ...

- а) Adobe Photoshop
- б) Corel DRAW
- в) Pover Paint
- г) Microsoft Word

16. Қайси асар А. Навоий қаламига мансуб эмас?

- а) «Лайли ва Мажнун»
- б) «Фарҳод ва Ширин»
- в) «Сабъаи Сайёр»
- г) «Шоҳнома»

17. Китоб блоки бу ...

- а) вараклар жамламаси
- б) мукова ички қисми
- в) иллюстрациялар йигиндиси
- г) ҳошия ва матн

18. «Бобурнома» асарига ишланган суратлар қайси миниатюра мактабига тегишли?

- а) Ҳирот
- б) Дехли
- в) Исфахон
- г) Бухоро

19. Ўзбек романчилигининг отаси

- а) Алишер Навоий
- б) Абдулла Қодирий
- в) Одил Ёқубов
- г) Ўлмас Умарбеков

20. Ван–де Граф канони ишлатилган

- а) китоб ўлчамини аниқлашда

- б) иллюстрация ишлашда

в) варакда хат ва ҳошия ўлчамларининг ўзаро нисбатини то-пишда

- г) макбул хат турини тўғри жойлаштиришда

21. “Афанди латифалари” китобини биринчи бўлиб беза-ган рассом ким?

- а) Чингиз Ахмаров
- б) Абдубоки Ғуломов
- в) Искандар Икромов
- г) Абдуносит Қамбаров

22. К. Беҳзод таваллуд топган.

- а) 1441 йил Ҳирот шаҳрида зодагон оиласида.
- б) 1450 йил Ҳирот шаҳрида хаттот оиласида.
- в) 1455 йил Ҳирот шаҳрида косиб оиласида.
- г) 1460 йил Ҳирот шаҳрида савдогар оиласида

23. Қоғознинг ватанини кўрсатинг.

- а) Хитой
- б) Миср
- в) Ҳиндистон
- г) Корея

24. Қамолиддин Беҳзоднинг устози ...

- а) Мухаммад Мурод Самарқандий.
- б) Қосим Али.
- в) Мирак нақкош.
- г) Мир Сайд Али

25. Лой ва сополдаги битиклар қадимда ... давлатда урф бўлган.

- а) Қадимги Греция
- б) Қадимги Хитойда
- в) Қадимги Римда
- г) Қадимги Шумер давлатида

26. Қадимги қоғоз ашёси нима?

- а) тут дарахти
- б) сарв дарахти
- в) чинор дарахти
- г) арча дарахти

27. Бугунги кунда қоғоз хом ашёси ...

- а) дарахт целлюлозаси
- б) пластмасса махсулоти
- в) ўсимлик мойи
- г) пигментлар

28. Папирус хом ашёси бу ...

- а) ўсимлик пояси.
- б) терак дарахти пустлоги
- в) ишлов берилган кичик жонивор териси
- г) дарахт целлюлозаси

29. Пергамент бу ...

- а) ишлов берилган кичик жонивор териси
- б) дарахт пустлоги
- в) оловда пиширилган лой, сопол
- г) ўсимлик толаси

30. Қадимда қоғозни қандай грунтлашган?

- а) гуруч крахмали билан
- б) қайтувчи елимлар билан
- в) смола эритмаси билан
- г) оқартирилган мой билан

31. Грунтлашдан мақсад ...

- а) сурат ишланадиган сатх тешикларини беркитиш
- б) сурат ишланадиган сатхни текислаш
- в) бүёк ва мато бирикишини ошириш
- г) мато чидамлилигини ошириш

32. Мукова нима?

- а) матнлар ёзилган варак
- б) китоб ва рақларини химоя килувчи жилди
- в) китоб кутиси
- г) муаллиф, китоб, нашриёт номи ва йил санаси курратилган варак

33. Китоб блоки бу ...

- а) ички ва рақлар жамламаси

- в) китоб жилди
- г) мукова ички кисми
- д) мукова устидаги ечишувчи мукова

34. Форзац бу ...

- а) ички вараклар жамламаси
- б) китоб жилди
- в) мукова ички кисми
- г) мукова устидаги ечишувчи мукова

35. Титул бу ...

- а) ички вараклар жамламаси
- б) китоб жилди
- в) мукова ички қисми
- г) ички мукова

36. Иллюстрация бу ...

- а) ечиладиган мукова
- б) китоб ички сурати
- в) мукова ички қисми
- г) китоб қалинлиги

37. Корешок бу

- а) ички вараклар жамламаси
- в) китоб ёпиқ томони
- г) мукова ички қисми
- д) ички сурат

38. Биринчи китоб босиши станогининг ихтирочиси ...

- а) инглиз олимни И. Ньютон
- б) поляк олимни Н. Коперник
- в) немис ихтирочиси Иоганн Гуттенберг
- г) рус олимни М. Ломоносов

39. Ўзбек тилидаги биринчи босма нашр ...

- а) Шоҳимардон Иброҳимовнинг 1871 йили Хивада босилган “Календар”и

- б) Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романи
- в) Абдулла Қодирийнинг “Жинлар базми” асари
- г) Ойбекнинг “Навоий” романи

40. Папирус ватани ...

- а) Ҳиндистон
- б) Хитой
- в) Миср

г) Афғонистон

41. Ұзлуксиз қоғоз қўйиш дастгоҳи ихтироҷиси ...

а) инглиз олимни И. Ньютон

б) француз ихтироҷиси Н. Л. Робер

в) немис ёзувчиси И. А. Зенефельдер

г) италия рассоми, ихтироҷиси Леонардо Да Винчи

42. Офсет босма усули ихтироҷиси ...

а) немис ёзувчиси *Иоганна Алоиза Зенефельдер*

б) немис ихтироҷиси *Иоганн Гутенберг*

в) италия рассоми, ихтироҷиси Леонардо Да Винчи

г) француз ихтироҷиси Н. Л. Робер

43. Китобни нашрға тайёрлаш кимнинг иши?

а) китоб муаллифининг

б) безатувчи рассом вазифаси

в) кутубхона вазифаси

г) ноширлик вазифаси

44. Китоб сўзининг маъноси нима?

а) ўқиш

б) ёзиш

в) эслаб қолиш

г) хотираға мухрлаш

45. Локли мұқова ашёлари ...

а) картон, бүек, лок

б) картон, тери, лок

в) тери, қолип, қоғоз

г) лок, пергамент, ёгоч

46. Шафрон қоғози қайси рангда бўяйди?

а) кизил

б) кўк

в) кора

г) сарик

47. А.Фирдавсий қайси шахарда туғилган?

а) Бухоро

б) Хирот

в) Тус

г) Кохира

48. А.Темур саройида ишлаган мусаввир

а) К. Беҳзод

- b) Устод Гунг
- c) Махмуд Музаххиб
- d) Мир Сайид Али

49. К.Беҳзод таваллуд топган йил ...

- a) 1441 й.
- b) 1501 й.
- c) 1455 й.
- d) 1536 й.

50. “Миниатюра” атамаси қачондан бошлаб кўлланилади?

- a) 19 аср
- b) 15 аср
- c) 20 аср
- d) 17 аср

ЛУГАТЛАР

Воск – асалари муми.

Пергам – Эрамиздан олдинги III–II асрларда Кичик Осиёning шимолий гарбига греклар асос соглан пойтахти Пергам шаҳри бўлган давлат.

Талас жанги – 751 йилда араб Аббосидлар халифалиги ва Хитой Тан империяси ўртасида бўлиб ўтган жанг.

Целлюлоза – ип, тола бугунги кунда қоғоз тайёрлашда асосий хом ашё.

Ксилография – грекча дараҳт ва ёзаман, чизаман.

Офсет – грекча – lithos-тош ва grapho- ёзаман маъносини беради

Графика – юононча ёзаман, чизаман деган маънони англатади.

Композиция – лотинча “composition” – тузиш, яратиш, ижод қилиш маъносини билдиради.

Ритм – юононча “rheo” сўзидан олинган бўлиб, оқаман, дегани.

Рапорт – французча “rapoorter”, қайтариш, такрорлаш.

Симметрия – тенглик, мутаносиблик.

Асимметрия – симметриянинг аксидир.

Статика – юононча “statke” сўзидан олинган бўлиб, жисмларнинг оғирлиги ва мувозанати

Динамика – юононча “dynamics” сўзидан олинган бўлиб, куч, харакат, тезлик маъносини англатади.

Контраст – қарама-карши, кескин ажралиш маъносида тушуниш мумкин.

Аппликация – лотинча applicatio – қўймок, ёпиштиrmok.

Тус – лотинча “tonos”, тўкариш ёки очариш.

Китоб – араб тилида “катаба” – ёзиш, ёзмоқ.

Брошюра – 5дан 48 беттагачан бўлган юмшоқ муковали босма нашр.

Марв – хозирги Туркманистон худудидаги шаҳар.

Груйт – сатҳ тешикларини беркитиш

Калька – французча “kalgus”, шаффоф когоз.

Картон – маҳсулоти, қоғоздан қалин ва зичроқ, огирилиги 250 гр/м³ дан оғир бўлса картон, енгил бўлса когоз дейилади.

Колор – тайёрланган бўёқ.

Колорит – рангли асардаги, етакчи, устувор ранг.

Перспектива – бирор ўлчамнинг узоқлашганда кичрайиб кўриниши.

Фон – француз тил -“fond” таг асос, тасвирнинг орт, орка қисми.

Мужассамот – композиция.

Квасц – аччиқтош

Шафъян – рангланган эчки териси.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. А.Ю. Казиев. Художественное оформление азербайджан рукописной книги XIII–XVII веков. Москва: Книга. 1977.
2. М.Ашрафи. От Бехзада до Риза-йи Аббаси. Развитие миниатюры 16 – начала 17 века. Т: МИЦАИ, SMI-ASIA, 2011
3. С.Булатов Ўзбек халқ амалий безак санъати. – Тошкент, “Мехнат”, 1991
4. О.И.Галеркина Миниатюра Мавереннахра. – Ленинград, 1980
5. Н.А.Зиганшина. Художник и книга (Мусаввир ва китоб). – Тошкент, 1987
6. А. Мадраҳимов К. Беҳзод ва унинг наққошлиқ мактаби. – Т., 1994.
7. Муродов А. Ўрта Осиё ҳаттотлиқ санъати тарихидан. – Т., 1971.
8. Н.Норкулов, И. Низомиддинов. Миниатюра тарихидан лавҳалар. – Т.: Фоғур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1970.
9. Е.Полякова, З. Раҳимова. Миниатюра и литература Востока. – Т., 1987
10. Ҳ.Сулаймон, Ф.Сулаймонова. А.Навоий асарларига ишланган расмлар. XV-XIX асрлар. – Т., “Фан”, 1982
11. Ҳ.Сулаймон, Ф.Сулаймонова. Амир Ҳусрав Дехлавий асарларига ишланган расмлар. – Т., “Фан”, 1983
12. Ҳ.Сулаймон, Ф.Сулаймонова. Бобурнома асарига ишланган миниатюралар. – Т., “Фан”, 1970
13. О.Усмонов, А.Мадраҳимов. Камолиддин Беҳзод. – Т., “Халқ мероси”, 2000 й.
14. Ўзбекистон миллӣ энциклопедияси. 4-том. – Тошкент: Ўзбекистон миллӣ энциклопедияси, 2002.
15. А.Мадраимов. Темурӣ ва Бобурийлар даври маданияти, китобат ва рангтасвир санъати тарихига чизгилар. (1973-1990 йилларда ёзилган рисола, мақола, такриз ва ахборотлар). – Т.: “San’at”, 2015.
16. Шарқ миниатюраси ва адабиёти Е.А.Полякова, З.И.Раҳимова Тошкент. 1987 Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I БОБ	4
1.1. Китоб тарихи.....	4
1.2. Юртимиз тарихида китобат санъатининг тараккиёти ва инкирози	6
1.3. Қўлёзма китобларни тайёрлаш босқичлари	12
1.4. Қўлёзмада наққошлик санъати	16
1.5. Китоб безашда рангларнинг қўлланиши	18
1.6. Хат ва тасвирлар учун олтин бўёқ тайёрлаш	19
1.7. Қўлёзма тасвирларини ишлашда қўлланилган усуллар.....	21
1.8. Қўлёзма китобларга чизилган суратларнинг буғунги кундаги аҳамияти	28
1.9. Қўлёзма муковаси	29
II БОБ.....	34
2.1. Китоб босиш иши тарихи	34
2.2. Китоб тузилиши.....	40
2.3. Китоб иши	41
2.4. Китоб ўлчами	42
2.5. Китоб варагида матн ва ҳошия нисбати	43
2.6. Ўзбекистонда китобат санъати.....	45
III БОБ	52
3.1. Китобат санъатида композиция асослари	52
3.2. Китоб композицияси эскизини ишлаш усуллари	54
3.3. Силуэт усули.....	55
3.4. Аппликация усули	56
3.5. Китобат санъатида компьютернинг график дастурларидан фойдаланиш.....	57
3.6. Китобат санъати фанининг ўкув мақсади	58
IV БОБ. ФАННИНГ АМАЛИЙ ВАЗИФАЛАРИ	61
4.1. Ўзбек халқ эртаги китобини безаш.....	61
4.2. Китоб макети.....	62
4.3. Эртак китобига мукова ишлаш.....	63
4.4. Мукованинг асл кўринишини ишлаш.....	66
4.5. Эртак китобига сарварақ ишлаш.....	67
4.6. Эртак китобига иллюстрациялар ишлаш.....	70

V БОБ. ЎЗБЕК ХАЛҚ ДОСТОНИ КИТОБИНИ БЕЗАШ	81
5.1. Назарий кисм	81
5.2. Достон китоби муковасини ишлаш.....	82
5.3. Форзац	84
5.4. Достон китобига сарварақ ишлаш.....	87
5.5. Достон китобига иллюстрация ишлаш	87
VI БОБ. АЛИШЕР НАВОЙЙИНГ “ХАМСА” АСАРИДАГИ ДОСТОНЛАРДАН БИРИНИ БЕЗАШ.....	95
6.1. Назарий кисм	95
6.2. Алишер Навоий достонига мукова ишлаш	98
6.3. Алишер Навоий достонига зарварак ва сарварақ ишлаш	101
6.4. Алишер Навоий достонига иллюстрация ишлаш	104
VII БОБ. ФИРДАВСИЙИНГ “ШОҲНОМА” КИТОБИНИ БЕЗАШ	110
7.1. Назарий кисм. Шоир ҳақида маълумот	110
7.2. Шоҳнома китобининг муковасини безатиш	112
7.3. Шоҳнома китобининг зарварак ва сарварақларини безатиш ...	113
7.4. Шоҳнома китобига иллюстрациялар ишлаш	116
VIII БОБ. XIX–XX АСР ЎБЕК АДАБИЁТИ	126
8.1. Назарий кисм	126
8.2. Ўзбек ёзувчиларидан бирининг китобига мукова ишлаш	127
8.3. XX аср ўзбек ёзувчиларининг китобига зарварак ва сарварақ ишлаш	128
8.4. Роман китобига иллюстрациялар ишлаш	130
Луғатлар.....	147
Адабиётлар рўйхати	149

САБИРОВ МИРҲАМИД МУХАМЕДЖАНОВИЧ

КИТОБАТ САНЬАТИ

Ўқув қўлланма

Муҳаррир: Дурдона Одилова

Мусаҳиҳ: Севара Рустамова

Саҳифаловчи: Умид Раҳматов

Техник муҳаррир: Баҳодир Ҳусанов

Лицензия раками: АI №207, 08.28.2011 йилда берилган.

Босишга 10.08.2018 йилда рухсат этилди.

Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$. Шартли босма табоги 9,25.

Нашр табоги 9,5. «Times New Roman» гарнитураси.

Офсет усулида босилди. Адади 100 нусха.

Ушбу қўлланма бўйича фикр-мулоҳазаларингизни
қуидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:

“Info Capital Group” нашриёти, 100128,

Тошкент шаҳри, Лабзак кўчаси, 29/55

Тел.: (+998 71) 241-32-21, 241-01-69

Факс: (+998 71) 241-01-73

Электрон почта кутиси: publishing@infocapital.uz



ISBN 978-9943-5443-3-8

A standard one-dimensional barcode representing the ISBN number 978-9943-5443-3-8.

9 789943 544338